

ҚУВАСОЙ ТАДБИРКОРЛИК ЎҚУВ ИЛМИЙ  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

ФАРГОНА ИЛМИЙ МАРКАЗИ

# АУДИТ

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув  
хўжалик вазирлиги томонидан олий ўқув юртлар,  
коллежлар ва бизнес мактаблари учун ўқув  
қўлланма сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ — 1998 й.

ҚУВАСОЙ ТАДВИРКОРЛИК ЎҚУВ ИЛМИЙ  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

*ФАРГОНА ИЛМИЙ МАРКАЗИ*

# А У Д И Т

*Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги томонидан олий ўқув юртлар, колледжлар ва бизнес мактаблари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.*

Тахрир ҳайъати: академик УСМАНОВ С. Н.

Ране, академик Додобосн Ю. Т.

Масъул муҳаррир, аъзолари: и. ф. д. Рижабов Р. Р.,

и. ф. н. Холмирзасев Б. Х., Тўракулов И. Т.,

Шаронов М., Тошматова Т., Ҳамидов М.,

Мухтаров М. С., Сайдахметов Д.


ТОШКЕНТ — 1998 й.

Ўкун күлтәмә Ҳабекетен Республикасы Оштөр Мәдениятине тиббәттөрдөн аныкталған 466-1 солтүрлөк "Намыс-дастықтың маанилігін төрттөрдөн аныкталған түрлөрдөн" қарорынан исеселі ҳамда Ҳабекетен Республикасының Атасы Махкамасының 1995-жыл 28-август 344-сөзли қарорынан аныкталған.

Ўкун күлтәмә Құрасой таубиркоралык ўкун жөннөй таңдаудың орталығынан аныкталған және 1995-жылдың 1-жанварда Қазақстан Республикасының Атасы Махкамасының 1995-жыл 28-август 344-сөзли қарорынан аныкталған.

*Таубиркоралык фиктивтік қарор* — ғанағаттау таубиркоралык қарор.

— Н. Сұлаков



## АУДИТ

### 1-БҮЛІМ. АУДИТГА КИРИШ 1-БОБ. АУДИТНИНГ МОХИЯТИ ВА МАЗМУНИ

#### 1.1. АУДИТНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ.

Аудит анча катта тарихга эга. Бириңчи мұстақил аудиторлар Еуропанинг акционер компанияларда XIX асрдағы пайдо бўлган. "Аудит" сўзи турли таржималарда "у эшитяпти" ёки "эшитувчи" мағносини англатади.

Аудитнинг вужудга келиши корхонани бошқариши (маъмурият, менеджерлар) билан бевосита шуғулланадиганлар ва унинг фиолиятига пулларни сарф қиладиганлар (эгадорлар, акциядорлар, сармояцдорлар)нинг манфаатларини тақсимлаш билан боғлиқ. Надор, акциядор, сармояцдорлар фақат корхона бошқарувчилари ва унтарга бўйсунувчи ҳисобчилар тақдим этган молия төвортигагина суюна олмаганлар ва хоҳламаганлар. Корхоналарнинг тез-тез синиши, маъмурият томонидан алданиш сипти сарфларини таваккалини оширади. Акциядорлар, сармояцдорларнинг алданмаётгандилклари, маъмурият томонидан тақдим сиптигани ҳисобот корхоналарининг ҳақиқий молиявий аҳволини сиптилдиштиришга ишонч ҳосил қилишни хоҳлар эдилар. Ҳолидай ахборотининг тўғрилигини текшириш ва молия ҳисоботини сиптилаш учун акциядорлар фикрига қараганди ишониши мумкин етди. Максус одамлар таклиф қилинган. Аудиторга талаб қилинган асосий тапабнар бўлиб ғоят ҳалоллиги ва мустақиллиги ҳисобланган. Бухгалтерлик ҳисобини билиш аввал асосий аҳамиятга эга етмайди, бироқ бухгалтерлик ҳисобининг мураккаблашуви билан институтини яхши профессионал тайёргарлиги ҳам зарурый шарт етди тоғодади.

Англия аудитнинг тарихий ватани ҳисобланади. Бу мамлакатда 1741 йылдан бошлаб компаниялар тўғрисида қатор қонунлар тасарилаб, уларга мувофиқ акционерлик комиакияларининг сарфларини бухгалтерлик ҳисобларини текшириш ва акциядорлар олдида ҳисоб бериш учун махсус одамни йилда камидан 15 марта таклиф қилишга мажбур бўлганлар.

Аудитор узвони Россияда Петр I томонидан киритилган. Аудитор лавозими иш юритувчи, котиб ва прокурорнинг баъзи шифаларини ўз ишкига олган. Россияда аудиторларни ёқловчи институтлар деб аташган. Аудит институтининг замни уч маротаба қилинган уринишлар (1889, 1912 ва 1928 ишшарда) муваффекиятсиз бўлиб чиқди.

1929-1933 йиллардаги дунё иқтисодий танглиги бухгалтер-институтлар хизматларига бўлган талаб-эҳтиёжларни кучайтиргди. Бу

вақтда аудитор тафтишнинг сифатига ва унинг мажбурийлигига талаблар кескин бўлиб қолади, бундай турдаги хизматларга бўлиган бозор талаб-эҳтиёжи ошади. Таназзулнинг тугашидан кейин амалда ҳамма мамлакатлар йиллик ҳисботларда бўлган ахборот ҳақмига бўлган мажбурий талабларни ва бу ҳисботлар ҳамма аудиторлар хуносалар эълон қилинишининг мажбурийлигини киритишни бошладилар. Аудит товламачиликка қарши кучли қурол бўлиб қолади.

40-йилларнинг охирига қадар аудит, асосан ёзиб қўйилган пул муомалаларни тасдиқловчи ҳужжатларни текшириш ва муомилаларни молия ҳисботларида тўғри группалашдан иборат бўлган. Бу, тасдиқловчи аудит деб аталмиш аудит бўлган.

1949 йилдан сўнг ички назоратнинг системаси самарали бўлганида хатоларнинг эҳтимоли арзимас ва молия маълумотлари етарлича тўла ҳамда аниқ деб ҳисбланган. Мустақил аудиторлар компаниялардаги ички назорат масалаларига кўпроқ эътибор бера бошладилар. Аудитор фирмалари бевосита аудиторлик тафтишлардан кўра маслаҳам фаолияти билан кўпроқ шуғулдана бошладилар. Бундай аудит системали йўналтирилган аудит номини олган.

Аудит ривожланишининг учинчи босқичи унинг тафтишлар ўтказилган ёки маслаҳат берилган пайтда мумкин бўлган таваккалчilikка йўналтирилиши таваккалчilik олдини олиш ва унга йўл қўймаслик, текшириш мижоз бизнеси шарт-шароитларидан келиб чиқиб танлаб, асосан, хат ёки фирибгарлик таваккалчилиги максимал бўлган жойда ўтказилган аудитdir.

70-йилларнинг бошида аудитор андозаларини ишлаб чиқиш бошланди.

Англияда аудитор деб молия ҳисботининг ишончлиги устидан назорат соҳасида, шу жумладан, давлат идораларида ишловчи ҳар қандай мутахассислар номланади. Францияда мустақил молия назорат соҳасида иккита профессионал ташкилот бевосита бухгалтерлик ҳисобини олиб бориш, ҳисботни тузиш ва бу соҳада маслаҳат (консультация) хизматларини кўрсатиш билан шуғулланувчи бухгалтер-экспертлар ва молия ҳисботининг аниқ, ишончлилиги устидан назоратни таъминловчи ҳисоб рақамлари бўйича комиссарлар (ваколатлар) ташкилотлари амал қиласи. АҚШда молиявий ҳисботининг аниқлиги, ишончлигини дипломли жамоатчи бухгалтер текширади.

Ҳамма ривожланган мамлакатларда бухгалтер-аудитор касбини эгаллашни истаган шахсларга узоқ йиллар давомида ўқиш ва амалий фаолият, шунингдек кўпсонли имтиҳонлардан ўтишга тўғри келади. Аудиторлар палатаси вакиллари, яъни бу касбнинг ҳамма соҳибларини бирлаштирувчи ташкилот вакиллари уларнинг ишини доимо текширади ва Аудиторлар палатасидан чиқариш фаолиятни давом этиришнинг тақиқланишини билдиради.

## 1.2. АУДИТНИНГ ЗАРУРАТИ

Аудитор хизматига бўлган талаб-эҳтиёж қўйидаги ҳолатларга ишончлик нутгари мурдади:

1) маъмурият ва ахборотдан фойдаланувчилар эгадорлар, сармоядорлар, кредиторлар ўртасида жанжал чиқсан ҳолларда маъмурнинг томонидан нохолис ахборот берилиши мумкинлиги;

2) қабул қилинган қарорлар оқибатининг (улар эса анча ҳаммийти бўлиши мумкин) ахборот сифатига боғлиқлиги;

3) ахборотни текшириш учун маҳсус билимларнинг зарурйлиги;

4) ахборотдан фойдаланувчиларда унинг сифатини баҳолаш учун имкониятнинг кўпинча йўқлиги.

Бу шарт-шароитларнинг ҳаммаси тегишли тайёргарлик, малака, сакриба ва мустақил эксперт хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига руҳсолтномага эга бўлган мустақил экспертлар хизматларига ишончий талаб-эҳтиёжнинг юзага келишига олиб келди. Аудитор хизматлари бу, молиявий ахборотнинг ишончлигини ўрнатувчи юддигилар хизматларицир.

Ишончли, аниқ ахборот капитал бозорининг амал қилиш тиморадорлигини оширишга ва турли хил иқтисодий қарорларни олчовиш ҳамда оқибатларини олдиндан айтиш имконини беради.

Аудитор тафтиши, уни ўтказиш шарт бўлмаган ҳолларда ҳам, шундайси, муҳим аҳамиятга эга.

Боғор шароитларида корхоналар, кредит муассасалари, бошқа қўйиник юритувчи субъектлар мулкдан, пул маблағларидан фойдаланиш, тижорат муомалалари (операциялари) ва сармояларини ўтказиш бўйича шартнома асосида муносабатларга қидилар. Бу муносабатларнинг ишончлиги битимларнинг барча иштирокчилари учун молиявий ахборотни олиш ва ундан фойдаланиш имконияти билан мустаҳкамланиши керак. Ахборотнинг ишончлигига мустақил аудитор томонидан тасдиқланади.

Эгадорлар ва биринчи навбатда жамоа эгадорлари-акциядорлар, пайчилар шунингдек кредиторлар корхонанинг барча қўйсонли кўпинча ғоят мураккаб операциялари қонуний ва ҳисботда тўғри акс эттирилганлигига мустақил ишонч ҳосил қилиниш имконидан маҳрумдирлар, негаки одатда на ҳисоб суннларидан фойдалана оладилар, на тегишли тажрибага эга бўйцадилар, шунинг учун улар аудиторлар хизматларига муҳтож бўйцадилар.

Корхоналар фаолияти натижалари ҳақидаги ахборотнинг мустақил тасдиғи ва улар томонидан қонунларга риоя қилинишини ишончли иқтисодий ва солиқ солиши соҳасидаги қарорларни қабул қилиши учун керак.

Аудитор текширувлари давлат идоралари, судлар, прокурор ва гергофчиларга, уларни қизиқтирувчи молиявий ҳисботнинг ишончлигиги, ишончлигини тасдиқлаш учун керак.

### 1.3. АУДИТНИНГ МОҲИЯТИ

Аудитор фаолияти (аудит) - бу, аудиторлар (аудитор фирмалари) нинг иқтисодий субъектларнинг бухгалтерлик (молия) ҳисоботи, тўлов - ҳисоб-китоб ҳужжатлари, солиқ декларациялари ва бошқа молия мажбуриятлари, ҳамда талабларини мустақил норасмий тағтишларни амалга ошириш, шунингдек, ўзга аудитор хизматлари: бухгалтерлик ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш ва олиб бориш, даромадлар ҳақидаги декларациялар ва бухгалтерлик (молия) ҳисоботини тузиш; молия хўжалик фаолиятини таҳдил қилиш, иқтисодий субъект-актив ва пассивларини молия, солиқ ва ўзга хўжалик қонунлари масалаларида маслаҳат бериш; ўқитиш ва бошқалар (1) ни кўрсатиш юзасидан тадбиркорлик фаолиятидир. (Бу ҳамроҳ, хизматларни кўрсатиш охирги йилларда қўнгина аудитор фирмалари фаолиятида устун бўлиб қоянти (қонунлари рухсат берадиган мамлакатларда, масалан, Англияда) ва, ҳаттоқи, аудитнинг қўшимча хизматларни кўрсатишни тутилмаган мамлакатларда (масалан Францияда) фирмалар турли хусуситядаги фаолиятни олиб бориш имконини қидириб топадилар).

Аудитор фаолиятининг Ўзбекистон стандартлари лойиҳаларида аудитнинг қўйидаги таърифи берилади.

Аудит - бу, корхона молия ҳисоботининг бухгалтерлик ҳисобини олиб бориш тартибига риоя қилиниши, хўжалик ва молия муомаларининг ЎР қонунларига мувофиқлиги, корхона фаолиятининг молия ҳисоботида тўла ва аниқ-равshan акс этирилганлигини текшириш асосида мустақил экспертизани амалга ошириш демакдир. Экспертиза аудитор хулосасини тузиш билан угалланади.

Аудитор - бу, қонунлар билан ўрнатилган тартибда аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олиш учун аттестациядан ўтган юқори малакали мутахассисдир.

Аудит анча вақтлардан бери мавжуд бўлган бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бу термин турлича талқин қилинади.

Масалан, Англия аудит деганда корхонанинг молия ҳисоботини мустақил текшириш ва у ҳақда фикр билдиришни англатади. Бунда "аудит" термини нафақат компаниялар ҳақидаги Қонун ёки саноат ҳамда ўзга жамиятлар ҳақидаги Қонун амалига тушадиган корхоналар (фирмалар)ни текшириш пайтида, балки ҳуқуқий муассасалари ва ҳокимиятнинг маҳаллий идораларини тегишли равишда текшириш, шунингдек, келишувга асосан (масалан, ошонч партномасига асосан) мижозларга аудиторлик хизматларини кўрсатиш пайтида ҳам қўлланилади.

Бухгалтерлик ҳисоби бўйича Америка асоциациясининг аудитнинг асосий принциплари бўйича комитети аудитнинг қўйидаги таърифини берди: "Аудит - бу, иқтисодий амал (ракат)лар ва воқеалар ҳақидаги объектив маълумотларни олин

жаралашининг мунтазам жараёни бўлиб, у уларнинг муайян  
иқомати мослих дарожасини ўрнатади ва манбаатдор  
фойдаланувчинарга натижаларни тақдим этади". (21).

Америка мутахассислари таъкидлаганлариdek, аудит бу,  
муслаҳотий объект (мустақил хўжалик бўлинмаси)нинг фаолияти ва  
зўнионига ски бундай фаолият ва аҳвол ҳақидаги ахборотга таалуқли  
факултири тўплап ва баҳолашдан иборат бўлган фаолиятнинг бир  
еъришини бўлиб, бу фаолиятни, унинг сифатий томони ҳақида  
уръиятлган мезонлардан келиб чиқиб хулоса чиқарадиган ваколатли  
муҳакими таҳс томонидан амалга оширилади. Демакки, аудит  
жони таҳс корхонанинг молия ҳисботини мустақил текшириш ва у  
хуқуқи фикр билдириш тушунилади. Аудитнинг бош мақсади -  
компания молия ҳисботининг ишончлияги ва тўғрилигини  
нишондеш, шунингдек, компаниянинг муайян қонунлар ва хўжалик  
хўқуқи нормалари ва солиқ қонунларига риоя қилиши устидан  
испортини амалга ошириш.

Аудит деганда баъзан ахборот таваккалчилигини молия  
ҳисботнаридан фойдаланувчилар учун мақбул даражагача  
текшириш жараёни тушунилади (яъни, молия ҳисботларида ёлғон  
чиқиш мъалумотлар бўлиш эҳтимоли бўлиш (21).

Молия ҳисботларини аудиторлик текшириш даовмида  
туннингилар ўрганатилади: уларда корхонанинг молиявий аҳволи  
и фаолият натижалари акс этирилишининг аниқлиги, бухгалтерлик  
ҳисбовини олиб боришининг ўрнатилган талаблар ва мезонларга  
хуқуқи фикрлиги, текширилаётган корхонанинг амалдаги қонунларга  
роқиқ қилиши.

Корхона ҳисботи ишонлиягини текшириш амалдаги  
туннингиларга риоя қилиш ва бу масала бўйича аудиторлик хулосасини  
туннингиларга риоя қилиш ва бу масала бўйича аудиторлик хулосасини

мустақил аудиторнинг бажариши алоҳида аҳамиятта эга.

Мустақил аудиторлар фаолиятига таалуқли бир қанча муайян  
қонидалар мавжуд:

хўжалик юритувчи субъект томонидан аудиторни (аудитор  
фирмасини) ўз ихтиёрига қараб танлаш;

аудиторга ўз мижозини ўзи танлаш ва ҳар қандай давлат  
шархлари фармойишларига қарам бўлмаслик имконини берадиган  
аудитор (аудитор фирмаси) ва мижоз ўртасида

шартномага асосланган муносабатлар;

— мижозга қайд қилинган нуқсонлар бартараф этилмагунча  
аудитор хулосасини беришдан воз кечиш имконияти;

— мижоз билан қариндошлик муносабатлари ёки аудиторлик  
фаолияти билан боғлиқ шартномага асосланган муносабатлардан  
отириб юборилган хизмат муносабатлари бўлган тақдирда  
аудиторлик текшириши ўтказиш мумкин змас;

— аудиторлар ва аудитор фирмаларига қонунларда рухсат  
этилган аудиторлик, маслаҳат ва бошқа хизматларни бажариш  
билин боғлиқ бўлмаган хўжалик, тижорат ва молия фаолияти билан  
шуғуллананиларини ман этиши.

## **1.4. МОЛИЯ ҲИСОБОТИ АХБОРОТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР**

Бозор шароитларида корхоналар мустақил ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади. Бироқ, бухгалтерлик (молия) ҳисоботида бўлган корхона фаолиятининг молиявий натижалари ахборотдан фойдаланувчиларнинг анча катта сонини ва энг аввало корхонанинг шерикли гуруҳларига кирувчи, яъни унинг молия ва хўжалик фаолиятида бевосита иштирок этадиган, бу фаолиятга ўз ҳиссасини қўшадиган, ўз ҳиссаси учун товонни талаб қилиб оладиган ва ўзининг манфаатларидан келиб чиқиб корхона ҳақидаги муайян ахборотни таҳлил қиласиганларни қизиқтиради.

**1.1. жадвалида корхонанинг асосий шерикли гуруҳларига тавсиф келтирилган.**

Шун таъкидлаш керак, фойдаланувчиларнинг ҳамма гуруҳлари ахборотга тенг баравар қўшимча зга эмас: фақат маъмурият ва қисман згаларгина бошқаришга ва молия ҳисобига, бухгалтерлик (молиявийлик) ва бошқа ҳисбботга оид ҳамма маълумотларни таҳлил қилишлари мумкин. Қолган шерикли гуруҳлар ахбороти маълумотлари билан чекланган бўлади, гарчанд айнан шу фойланувчилар уларнинг ўз молиявий жаҳитдан фаровошлиги билан боғлиқ корхона фаолиятининг молия натижаларидан фоят манфаатдор бўлсалар ҳам.

Уларнинг манфаатларини молия ҳисботи фойдалувчиларининг яна бир анча катта гуруҳи ифодалаб ва ҳимоя қилиб, улар корхона фаолияти натижаларидан бевосита манфаатдор бўлмасликлари мумкин:

- аудитор ва аудиторлик фирмалари;
- молия масалалари бўйича маслаҳатчилар;
- қимматли қофозлар ва фонд биржалари (брокер ва дилерлар) соҳасидаги мутахассислар;
- ҳуқуқшунослар ва ҳуқуқшунослик фирмалари;
- йўлга қўйиб турадиган идоралар;
- матбуот ва ахборот агентликлари;
- савдо-ишлаб чиқариш агентликлари;
- қасаба уюшмалари;
- илимий-тадқиқот ташкилотлари;
- жамоатчилик.

## **1.5. АУДИТНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Аудитнинг мақсади-қонунлар, аудиторлар фаолиятини норматив бошқариш тизими, аудитор ва мижознинг шартнома мажбуриятлари билан белгиланадиган муайян вазифани бажариш.

Аудиторлик фаолиятининг асосий мақсади-иқтисодий субъектлар бухгалтерлик (молия) ҳисбогининг ишончлилиги ва улар амалга оширган молия ва хўжалик операцияларининг

**Корхонаннаг шерикли гүрүхләр (аҳбородан фойдалануучылар) тасабы**

Шерисли гүрүхләр	Корхона күштеган ҳисса	фаолиятига тапаб кынны	Төвөнни (компенсацияни) тапаб кынны	Тахтил мавзуси
1. Мамырлык, раҳбарлык.	Ишнинг күзини билиш ва раҳбарлик қыла олин	Мехнатга ҳак тұлаш ва бошқарылған ғылыми жобалар	Бошқарыш үчүн фойдалы бүлгелі бараж аҳборот	
2. Ходимлар, хизматчилар	Ишларни таксимотига бажарып	Мехнатнинг мувоффик шароитлар	Иш ҳақын да ижтимоий Молиявий натижалар	
3. Гаиминловчилар	Моддий ресурсларни етказыб бериш	Шартнома нарын	Шартнома нарын Молиявий ахвол	
4. Харидор ва міжозлар	Махсулот ва хизметларни сөзүш	Дизайндер	Баланснинг ликвидиги ва молиявий ахвол	
5. Эгалорлар	Үз қаригитан	Фондлар	Молиявий натижалар	
6. Қарз берүүчилар	Жарзга олинған капитал	Солниктар ва башталар	Молиявий натижалар ва уларнинг күштүв- чилари	
7. Давлат ишоралари ва бюджетдан ташқары жамғармалар	Жамият хизметлари			

форматив ҳужжатларга мувофиқлигини ўрнатиш (3).

Демакки, аудитнинг белгиланган вазифаси-молия ҳисобларини қўйидаги мақсадда текшириш:

— ҳисобларниң ишончлилигини тасдиқлаш ёки уларнинг оптимизигани қайд қилиш;

— текширилаётган давр давомида корхона сарф-харажатлари, даромадлари ва фаолиятининг молия ишъодод натижаларининг ҳисоб ва ҳисоботда, тўла ишончли ва аниқ акс эттирилганлигини текшириш;

— ҳисобни олиб бориш ва ҳисоботни тузиш қоидаларни активлар, мажбуриятлар ва шахсий капитални баҳолаш методологиярини бошқарадиган қонунлар ва норматив ҳужжатларга риоя қилинishi устидан назорат қилиш;

— ўз асосий ва муомалацаги (оборот) маблағлар;

— молия заҳиралари ва қарз манбаларидан яхшироқ фойдаланиши резервларини аниқлаб топиш.

Молия ҳисобларини аудитнинг асосий мақсади-ҳисоботда корхона активлари мажбуриятлари, ўз маблағлари ва муайян давр давомидаги фаолиятининг молия натижаларининг тўла, ишончли ва аниқ акс эттирилганлигини объектив баҳолаш, корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсатининг амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш (13).

Аудитнинг асосий мақсади мижоз билан шартномада шартланган молия ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш резервларини аниқлаш, солиқларни ҳисоблаб чиқишининг тўғрилигини таҳлил қилиш, корхонанинг молиявий аҳволини ўнглашта қаратилиган тадбирларни ишлаб чиқиш, харажатларни ва фаолият натижаларини, даромад ва сарфни оптималлаш вазифаларни билан тўлдирилиши мумкин.

### Аудиторнинг вазифалари

Аудиторнинг текшириш давомида балансини тузишнинг, фойдалари ва зарар ҳақидаги ҳисобнинг тўғрилиги, тушунтириш хати маълумотларининг ишочлилиги ўрнатилади. Бундан қўйидагилар аниқланади:

— ҳисобда ҳамда ҳужжатлардан фойдаланилганми йўқми,

— мулкни баҳолашнинг ҳақиқий услубиёти корхона ҳисоби сиёсатини аниқлаш қабул қилинган услубиётидан қанчалик четга чиққанлиги,

Фойда ва зарар ҳақидаги ҳисоботни аудитор баланс ва солиқ ундириладиган фойдалани ҳисоблаб чиқишининг тўғрилигини ўрнатиш учун текширадиган.

Аудитор қўйидагиларни текшириши лозим:

— низомий капитал ҳажмиини ўзгартириш ҳақидаги корхона эгадорлари қаторларининг тўла бажарилганлигини,

активи ва пассиви ҳисоб рақамлари бўйича синтетик  
в синтетик ҳисоб маълумотларининг айнанлигини,

ҳисобот дебитор ва кредиторлик қарздорликларни тўлаш  
сигришишигини.

Аудиторлик хуносани тайёрланаш жарабкида қўйдагилар  
сигришишади:

алоҳида хўжалик оперцияларини акс этириш ва мулкни  
беконишинг корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсатига риоя  
қилишини

диромад ва харажатларнинг ҳисобот даврларига  
сигришишнинг тўғрилиги.

нишаб чиқаришга жорий харажатлар (муомала чиқимлари) ва  
сигти сарфларнинг ҳисобидаги фарқлар,

аналитик ҳисоб маълумотларини ҳар бир ойининг йўнусига  
сигти аналитик ҳисобнинг ҳисоб рақамлари бўйича муомалалар ва  
чишиқларга айнанлигини таъминлаш.

Асосий мақсадга эришиш ва хуносани тақдим этиш учун  
дебитор қўйидаги масалалар бўйича фикр тузиш керак:

1) ҳисоботнинг умумий мақбуллик умуман олганда ҳисобот  
нишабда қилинадиган барча маблағларга мувофиқми ва қарама  
чархи ахборотни ўз ичига олмайдими).

2) асосланганлик (ҳисоботга у ерда кўрсатилган суммаларнинг  
сигтиш учун асослар борми),

3) тугалланганлик (ҳисоботга ҳамма керасукли суммалар  
сигтилганми, хусусан, ҳамма актив ва пассивлар компанияга  
сигтилми),

4) баҳолаш (ҳамма категориялар гўғри баҳоланганми ва хатосиз  
исоблаб чиқилганми),

5) тасниф (суммани у ёзиб қўйилган ҳисоб рақамига киритишга  
ослар берми),

6) тақсимлаш баланс тузишган кундан сал илгари ёки бевосита  
шаки кейин ўтказиладиган операциялар улар ўтказилган даврга  
сигтилганми),

7) батартиблик (нишиқ-пухталик) (алоҳида операциалар  
малари анализик ҳисоб дафтари ва журнallарида келтирилган  
маълумотларга мосми, улар тўғри жамланганми, жами суммалар  
бонит китобда келтирилган маълумотларга мосми).

8) очилиш (ҳамма атегориялар молия ҳисоботига киритилганми  
в ҳисоботларда улар иловаларида тўғри акс этирилганми).

Буни товар-моддий заҳираларини аудиторлик текшириш  
тесслида тушунтирамиз:

ҳисоботнинг умумий мақбуллиги - товар-моддий заҳираларининг  
умумий суммаси мақбул ҳисобланади ва умуман олганда  
корхонанинг реал талаб - эҳтиёжларига мос келади,

асосланганлик - ҳисоботда акс этирилган ҳамма товар моддий  
заҳиралари баланс тузишган кунга мавжуд бўлади,

**тугалланғанлық** - ҳамма мавжуд товар - моддий зақиралари ҳисоблаб чиқылған ва балансга киритилған, ҳамма товар - моддий зақиралари корхонанинг мулки ҳисобланади.

**баҳолаш** - ҳисобидаги товар - моддий зақиралари миқдори нақд зақираларга мос келади, товар - моддий зақираларини баҳолаш учун фойдаланиладиган нархлар түғри, күрсатылған нархларни күллаш даври ҳақиқий ҳолга мос келади,

**тасниф-товар-моддий зақиралар** материалар, тугалланғанмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот сифатида түғри таснифланған,

**тақсимлаш** - товар-моддий зақираларни харид қилиш ва сотиш суммаси икки давр ўртасида түғри тақсимланған,

**батартиблик** (пишиқ-пухталик) - товар-моддий зақиралар аналитик ҳисоб дафтарларидаги умумий суммалар Бош китобда келтирілген суммаларга мос келади,

**очилиш** - товар-моддий зақираларнинг асосий категориялари, уларни баҳолаш услублари ҳисботда түғри акс эттирилген.

**Аудиторлар** (аудитор фирмалари) ўз фаолиятлари жараёнида аудитор хизматларини күрсатиши билан bogliq қатор вазифаларни ҳам ечдилар:

бухгалтерлик ҳисобини олиб бориш ва ҳисботни тузищни, хўжалик операцияларининг қонунийлигини текшириш.

бухгалтерлик ҳисобини ташкил этишда ёрдам күрсатиши, ҳисобни тиклаш ва олиб бориш, бухгалтерлик (молия) ҳисботини тузишда ёрдам күрсатиши,

- солиқни режалаштириш ва солиқни ҳисоб-китоб қилишда ёрдам күрсатиши,

ҳисобчи олиб бориш ва ҳисботни тузишининг айрим масалалари бўйича маслаҳат бериш,

хўжалик фаолияти натижаларини экспертли баҳолаш ва таҳлил қилиш,

кейг доирадаги молия ва ҳуқуқий масалалар маркетинг, менеджмент, бўйича маслаҳат бериш, технологик ва экологик жиҳатдан маслаҳат ва бошқа,

таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва бошқа, бўлажак шериклар ҳақидаги ахборотни тақдим этиш, мижозларга ахборотли хизмат күрсатиши, бошқа хизматлар.

## **1.6. АУДИТНИ ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ**

Аудитни ўтказишнинг асосий босқичлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади (10).

**Аудит ҳажмини аниқлаш.**

Аудит ҳажми амалдаги қонунлар, аудитор фаолиятини норматив бошқариш тизими ҳужжатлари ва мижоз билан битим текширишни тегишлича режалаштириб олиш ва ходисона аудиторлик холосасини тузиш учун етарли маълумотларни олиш учун текшириш объекти

молия ҳұжатынанға қарастырылғанда жиһатлари, ҳақида, корхонада бұхгалтерлік ҳисобини ташқыл этиш ва ички назорат ҳақида старлиғын анықтуруға ега бўлиши лозим.

### **Аудитни режалаштириш**

Аудиттинг ўтказилишини текширилаётган корхонани олдиндан төммиң қилиш, келаси ишлар күламини ва қўлланиладиган ички назоратни баҳолаш асосида режалаштириш лозим. Текшириш формасида фойдаланиш лозим бўлган процедураларни, шунингдек, мижъоза розилигини олган ҳолда ишга бошқа аудиторлар, эксперталар ва срдамчи ходимларни жалб қилиш ва уларнинг фаолиятини жолаштириб олишининг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш зарур.

Бошқа мутахассислар ишидан фойдаланиш аудитордан аудитор қуносаси учун жавобгарликдан халос этмайди.

Бухгалтерлік ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш.

Аудитор молия ҳисоботининг ишончлилигига таъсир этувчи тағдиларнинг юзага келиш эҳтимолини аниқлаш учун текширилаётган корхонада фойдаланажак бухгалтерлік ҳисоби ва ички назорат тизимларига баҳо бериши керак. Бундай баҳо асосида аудиторлік процедураларининг мазмуни, кўлами ва миқдори аниқланади.

### **Аудитор далиллари (аудит маълумотлари).**

Текшириш давомида аудитор молия ҳисоботлари амалдаги қонуиларга ва бухгалтерлік ҳисоби нормативларига мувофиқ түшілгандығы ва ишончли эканлыги исботловчи далилларни тұнайтынды.

### **Аудиторлык ҳужжатлар:**

Энг мұхим аудитор далиллари (аудит маълумотлари) ҳужжатлаштирилған бўлиши керак. Зарур бўлганда аудитор аудиторлык процедуралари учун зарур (ведемостлар, тасвиirlар ва ҳ.к.) иш ҳужжатларини тузиш мүмкін. Аудиторлык ҳужжатлари аудиторнинг мулки ҳисобланади, бироқ унда бўлған ахборот мағфий бўлиб, миқознинг розилигисиз фойдаланиши ва ёки ошкор қонииниши мүмкін эмас.

### **Аудиторлык холосаси ва аудиторлык ҳисоботи:**

Аудитор текшириш яқунлари ва холосаларни аудиторлык ҳисоботи ва холосада баён қилиб, молия ҳисоботларининг ишончлилигини, уларнинг ҳисоб ва ҳисботта тааллуқли амалдаги қонуилар ва норматив ҳужжатларга мувофиқлигини албатта аниқлайди. Холосанинг чекловлар билан тузилиши салбий холосанинг тузилиши ёки аудиторнинг холосадан воз кечиши ли осланиши лозим.

## **1.7. МОЛИЯ ҲИСОБОТЛАРИ АУДИТТИНИНГ ҲАЖМИ**

Молия ҳисоботларини аудиторлык текшириш ҳажми амалдаги қонуилар талаблари, аудиторлык фаолиятини бошқаришининг

журматин ҳужжатлари (13), шунингдес, мажжидиң ҳоқыда иштеп берилген аниқланиб, одатда баланс, фойда ва зарар ҳақида и ҳисобот ҳисобот шаклларига иловалар, тушунғанынш хати (корхонанин ҳисоб сиёсатининг доимийлиги принципига риоя қилишини текширишга оид)ни ўрганиш ва таҳлил қилишни ўз ишига олади.

Аудитор корхона активларга эгалик ҳуқуқига чеклапларининг реаллигини, мажбуриятларга нисбатан берилган кафолатлар ишончлик даражасини, миқдорий жиҳатдан баҳоланган шартлы активлар ва мажбуриятларнинг ишончлилик даражасини текшириш келгуси капитал сарфлар ҳисобига қабул қилинган мажбуриятлар суммаларининг асосланғанлигини текшириш зарур.

Молия ҳисоботлари ва бухгалтерлик ҳисоби олиб боришиниң түғрилигини текшириш хатолар топилғанда ва фирибгарлик гумон қиинганда янада чуқур ва батағсил бўлиб қолиши мумкин.

Ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини текшириш пайтида қуйидагиларнинг нақдоми ва ҳолати таҳлил қилинади:

мулкниң (асосий маблағ ва сарфлар, зайдри ва харажатлар, иомодий активлар),

бошқа узоқ муддатли активларнинг узоқ муддатли сармоялар шуъба корхона ва филиаллар, уюшган компанияларга молия сарфлари),

пул маблағлари, ҳисоб-китоб ва ўзга активларнинг (газналар ҳисоб-китоб ва валюта ҳисоб рақамлари, қимматли қоғозлар ва қисқа муддатли молия сарфлари, иштирокчилар билан ҳисоб-китоблар, қарзга олинган маблағлардан фойдаланиш, харидорлар, дебиторлар билан ҳисоб-китоблар, ўзга активлар),

узоқ муддатли пассивларнинг низомий капитал, мулкниң эскирганилиги, маҳсус жамғарма ва резервлар).

кредит ва бошқа қарзга олинадиган маблағларнинг, ҳисоб китоблар ва ўзига пассивларнинг (кредиторлар, бюджет суеурта идоралари, корхона ходимлари билан ҳисоб-китоблар), ўзга пассивларнинг;

Корхона фаолияти молия натижаларини аниқлашниң түғрилигини текшириш пайтида қуйидагиларни ўрганиш кўзди тутилади:

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни сотишдан кейган тушим (ялан даромад)ни:

сотилған маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетган харажатларни ўзга сотиш (реализация) дан олинган натижаларни, реализация (сотиш) шу жумладан қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлмаган операшонлардан ва ўз ҳиссаси билан ҳаттавашдан келган даромад ва буромадларни.

Молия ҳибботлари аудит қилинган баланс, фойда ва зарарлар ҳақида ҳисбботлар ҳамда бошқа молия ҳужжатлари түғри тузилғанингига ишонч ҳосил қилиш зарурдир.

Корхоналар 5 фойздан кўпроқ даромад ёки оборот келтирадиган

арча операциялар ва билимлар, чорак сийасия билинин охирис қандай қилинган йирик битимни операциялар үргача сайдын 5 йил алоҳида ҳисоблаб чиқилсангардии фарқ қўлиувчи асосий мөньявига кўрсаткичлар, коэффицентлар ва ишораи радамлари, мумомин маблағлари билан боғлиқ кониқарони ҳевони, эквилярга ҷархни ушлаб қолиш учун даромадларни кескин оширишине асосланмаган, заруратдан даюзот берувчи акционерларнинг талиблари корхонага суд датвони, ийниқса акционерларнинг талиблари муносабати билан датвони шартнаме сабабларни жариялар, корхона бўйинманаридаги мөньявий ҳисоботни турли шаклларидан фойдаланиш ва бошқалар текширишинг возим.

Фойдаланишинг текшириши пайтида бюджетта 3-б ўзи алоҳида тўловлар, заҳира (сугурун) жамғармасига чекрмалор, фойдаланинг тўплаш жамғармасиги, истеъмол жамғармасига ҳайрия ва азунга ўхшаш мақсадларга, жаримларни митнодай сенганишларни ўтказиш таҳлил қўшилади.

Дебиторлик ва кредиторлик ҳаредорликлари таҳлил қўшиш, узоқ муддатли ва қисқа муддатни молижайи сарфлар (бошъе корхоналарнинг пай ва акцияларига, облигациялар ва бенинж қимматли қоғозлар, берилган ҳарзлар ва ҳ.т. дарга) динамикасини алоҳида этибор бериш почим.

Акционер корхоналарнинг мутит қўшиш пайтида аудиторлик текшириш ҳажмига қўшимча равишда қуйидагиларни ҳаракетловчи ҳоллар ва маълумотларни ўзгарттиладиг:

акционерлик капитали (сарфлар туриларни бўйича)ни,

руҳсат этилган, чиқарилган ва тўлашмagan акциялар сонини, сотимай қолган акциялар қийматини;

текширилаётган давр давомидаги акционерлик капитали ҳисоб руқамлари бўйича ҳаракатни,

дивиденdlар тақсимлашдириди ҳуқуқлар, имтиёзларни, чекловларни, имтиёзли акцияларга коммультив тўпланишни, дивиденdlар бўйича қарздорликни,

қимматли қоғозларни сотишдан олинган тушумни,

акционлар ва контрактлар бўйича сотиш учун резервлардаги акцияларни,

Процедура жиҳатидан аудитор ишининг ҳажми қуйидагиларни ўз ичига олади:

- шубҳа туғдирувчи айrim хўжалик операцияларини ҳужжатли расмийлаштиришининг тўғрилиги ва уларнинг моҳиятини текширишини,

пул маблағлари, товар-моддий заҳираларининг айrim турларининг инвентаризациясини ўтказиш, ҳисоб-китобларни солинтириш имконини,

баланс ва фойда ҳамда заарлар ҳақидаги ҳисобот маълумотларига қараб корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилишини,

аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотларининг айнанлик принципига риоя қилиш, корхона даромад ва буромадларининг ҳисобот даврларига киритишнинг тўғрилигини текширишни, қабул қилинган ҳисоб сиёсатининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашни,

консолидацияланган ҳисобот ва баланс тузилишининг тўғрилигини текширишни (консолидацияланган ҳисобот бош корхона қимматли қофозларни чиқаришни мўлжаллаган ёки амалга оширган тақдирда текширилади).

## 1.8. АУДИТ ТУРЛАРИ

### Ички ва ташқи аудит

Ички аудит бошқарув назоратининг ажралмас ва муҳим элементи ҳисобланади. Ички аудитга эҳтиёж, йирик корхоналарда, раҳбариятнинг юқори бўғини ташкилот ва қўйи бошқарув структураларининг фаолиятини кундалик назорат қилиш билан шуғулланмаслиги сабабли юзга келади. Ички аудит бу фаолият ҳақицаги ахборотни беради ва менеджерлар ҳисбботларининг ишончлилигини тасдиқлайди. Ички аудит, асосан, ресурслар ноудгарчиликларининг олдини олиш ва корхона ичидаги зарурий ўзгаришларини амалга ошириш учун зарурдир.

Ички аудиторларнинг муайян функцияларини бош бухгалтер ёки молия ишлари бўйича директорга бўйсинадиган йирик корхоналарнинг ҳисбхоналари ҳузуридаги ревизорлар гурӯҳлари бажаради бироқ ички аудиторларнинг функциялари кенгроқ бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1) активлар аҳволи устидан назорат ва заарларга йўл қўймаслик қарорларни қабул қилинча раҳбарият фойдаланаадиган ахборотни аниқлигини тасдиқлаш,

2) ички тизимли назоратга оид процедураларнинг бажарилганини тасдиқлаш,

3) ички назорат тизимиининг амал қилиш ва ахборотни ишланиши самарадорлигини таҳлил қилиш,

4) бошқарув ахборот тизими берадиган ахборот сифатини баҳолаш,

Шундай қилиб, ички аудит доирасида нафақат активларнинг бутлиги устидан, балки менеджетнинг сиёсати ва сифати устидан ҳам назорат амалга оширилади.

Ички ва ташқи аудит бир - бирини тўлдиради ва шу билан бир вақтда анча фарқ қиласди (1.2. жадвали).

Ички аудит функцияларини нафақат корхона ходимлари, балки таклиф қилинган мустақил аудиторлик ҳам бажаришлари мумкин.

Ички аудитнинг бальзи турлари бошқарув ёки ишлаб чиқариш аудит деб номланади.

**Ички ва ташки аудит хусусиятларининг тавсифи**

Омишлар	Ички аудит	Ташки аудит
Вазифаларни кўйинш	Раҳбарият томонидан корхона бўлинмаларини каби умуман бутун корхонани бошқариш талаб- зўтиёжларидан келиб аниқланади.	Мустақил томончига корхона ва аудитор фирмаси (аудитор) ўрганишни шартнома билан аниқланади.
Объект	Бошқаришнинг айрим функционал вазифаларини чиш, корхона ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва тескириш	Асосан корхона ҳисобб ва ҳисоботи тизими
Максад	Корхона раҳбарияти томонидан аниқланади	Аудитга оид қонуулар билан аниқланади молия ҳисоботи, ишончлигини баҳолаш за амалдаги қонууларга риоя қилинишини тасдиқлаш.
Воситалар	Мустақил равишда танланади (ёхуд ички аудитор андоузалари билан андоузалари билан аниқланади)	Умумий қабул қилинган аудитор андоузалари билан аниқланади.
Фаолият тури	Ижрочилик фаолияти	Тадбиркорлик фаолияти
Инни ташкил этиши	Раҳбариятнинг конкрет топширқтарни бажарниш	Аудитор томонидан мустақил, аудиторлик текши- ришининг умумий қабул қилинган нормалари ва қондайлардан келиб чиқиб эниқланади.
Ўзаро муно-лар	Корхона раҳбариятига бўйсундиганлик, унта тобелик	Тенг ҳукуқли шерикчилик, мустақиллик
Субъектлар	Корхона Раҳбариятига бўйсундиган ва корхона штагида турган ходимлар	Тадбиркорликниң бу тури билан шугӯйлананига хукуқ берувчи тегишли шаходатнома ва лицензияга эга бўлган мустақил эксперглар
Малака		Давлат томонидан бошқарилади.
Ҳақ тўлаш	Корхона раҳбариятнинг иктиёрига қараб аниқланади. Иш ҳақи штаглар рўйхатига қараб ҳисоблаб ёзилади.	Кўрсалтилган хизматлар лақи шартномага асосан аниқланади.
Масъулнинг бериш	Бурчларни адо этиш учун раҳбарият олдида жавоб	Қонун ва норматив ҳужжатларига мажоз олнида ва учинчи шахслар олдида
Услублар	Услублар бир хил вазифаларни (масалан, ахборот ишончлигини баҳолаш) ҳал қиттища бир хил бўлиши муъжин. Аниқлик ва тарфсизларга фарқлар бор.	Аудитор ҳуносасининг якунни ҳисми эътон қилиниши мумкини, таҳлилий ҳисми мижозга топширилади.
Ҳисоббот	Раҳбарият олдида	

Ушбу аудитнинг асосий вазифалари бўлиб корхона тузиш ва бошқаруви, ишлаб чиқариш фаолиятининг сифатий томонларини текшириш ва такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва молия сарфлари самарадорлиги, унумдорлик, маблағлардан фойдаланишнинг, уларни тежашнинг рационаллигини баҳолаш ҳисобланади.

Мустақил аудиторлар бажарадиган бошқарув аудити мижоз қувватлари ва ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва белгиланган мақсадларга эришиш учун унга кўрсатиладиган маслаҳат хизмат турларидан бири ҳисобланади.

Бошқарув аудитга хўжалик фаолиятини аудити, яъни муайян мақсадлар учун ўтказиладиган ташкилот хўжалик фаолиятининг системали таҳлили анча яқиндир. Баъзан аудитнинг бу тури иш самарадорлиги ёки маъмурий бошқариш ва тузилиш аудити деб аталади. Хўжалик фаолиятининг аудитида фаолиятнинг муайян турларини объектив тадқиқ қилиш ва ҳар томонлама таҳдид қилиши назарда тутилади.

**Аудитнинг бу тури учта мақсадни кўзлайди:**

- бошқарни самарадорлигини баҳолаш,
- хўжалик фаолиятини яхшилаш имкониятларини аниқлаб топиш,
- фаолиятни ёки келгуси ҳаракатларни жиссаншта таануқиятавсия киритиш.

Хўжалик фаолиятининг аудити маъмурнаг бу ортасига асосан бўлгани каби, учинчи томон, шу жумладан давлат идораларининг талабига асосан ўтказилиши мумкин.

### **Талабларга мувофиқлик аудити**

Бу аудитнинг муайян молия ёки хўжалик фаолиятини, унинг тайинланган шартлар, қоидалар ёки қонунишга мувофиқлигини аниқлаш мақсадларида таҳлил қилишдан иборат. Агарда бундай шароитлар, масалан, назоратнинг ички қоидалари маъмурият томонидан ўрнатилган бўлса, унда аудитнинг бу тури ички аудиторлар функциясини бажарувчи корхона ходимлари томонидан амалга оширилади. Агарда шартлар кредиторлар томонидан ўрнатилган бўлса (масалан, муомиладаги капитал ва қисқа муддатли мажбуриятлар ўртасидаги муайян мисбатни ушлаб туриш талаби), бу шартларни бажарилиши компаниянинг бу тури молия ҳисботларида акс этиши сабабли, аудитнинг бу тури молия ҳисботлари аудити билан ўтказилади.

Давлат ҳужжатлари билан ўрнатилган талабларга мувофиқлик аудити, бу ҳужжатларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширадиган давлат идорасида ишловчи ревизорлар ёки бундай назорат топшириладиган чет аудиторлар томонидан ўтказилади. Аудит натижалари ҳақида тегишли давлат идораси хабардор қиласанади.

## **Молия ҳисоботида аудити ва маҳсус аудит**

Молия ҳисоботи аудити субъект ҳисбетининг бухгалтерлик ҳисоби ўрнатилган мезонлари ва умум қабул қилинган қоидаларига мувофиқлиги ҳақидаги холосани чиқариш мақсадида уни текширишдан иборат. Бу аудитни ҳисбетлари текшириладиган компания томонидан таклиф қилинган чет аудиторлар ўтказади. Молия ҳисбети аудити натижалари эълон қилинади ва фойдаланувчиларнинг кенг доираси - акциялар эгадорлари, кредиторлар, давлат бошқариш идоралари ва бошқаларга жўнатилади.

Махсус аудит - бу, хўжалик юритувчи субъект фаолиятидаги конкрет масалаларни, муайян процедуралар, норма ва қоидаларга риоя қилинишини текшириш. Унинг мақсади, одатда, бошқарувчилар фаолиятининг қонунўйлиги, вижданлилиги ва самарадорлигини, тузилган солиқ ҳисбетининг, ижтимоий жамғармалардан фойдаланишининг тўғрилигини тасдиқлашдан иборатdir.

### **Мажбурий ва ташаббусли аудит**

Мажбурий аудитор текшириш бевосита қонунлар билан ўрнатилган ҳолларда ёки давлат идоралари топшириғига биноан ўтказилади. Мажбурий аудитининг ҳажми ва ўтказиш таркиби қонуний нормалар билан бошқарилади.

Ташаббусли (кўнгилли) аудит иқтисодий субъектнинг қарорига кўра аудитор (аудитор фирмаси) билан шартнома асосида амалга оширилади. Бундай текширишнинг хусусияти ва кўламларини мижоз белгилайди.

### **Дастлабки ва келишилган аудит**

Дастлабки аудитни ушбу мижоз илк бор аудитор (аудитор фирмаси) ўтказади. Бу, аудитининг таваккалчилиги ва сермеҳнатлилигини оширади, негаки аудиторлар мижоз фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, унинг ички назорат тизими ва бошқалар ҳақидаги зарурӣ ахборотга эга бўлмайдилар.

Келишилган (қайтариладиган) аудит аудитор (аудитор фирмаси) томонидан қайтада ёки мунтазам амалга оширилади ва, шунинг учун ҳам мижознинг ўзига хос хусусиятларини, унинг бухгалтерлик ҳисбини ташкил этишдаги ижобий ва салбий томонларини билиш, мижоз билан узоқ вақт давомидаги ҳамкорлик (маслаҳат бериш, ички назорат тизимини ташкил этишда ёрдам кўрсатиш ва бошка) нинг натижаларига асосланган.

Аудитор фирмаси ишининг амалиёти келишилган далолат (қайтариладиган) аудитининг устунилигидан далолат беради. Бундай ҳамкорлик мижоз фаолиятини кўп йиллар давомида обдон

ўрганадиган аудиторларга ҳам, кўп йиллик узоқ ҳамкорликка асосланган юқори малакали, ҳар томонлама ёрдам ва баҳо оладиган мижоз ҳам қулайдир.

Бунинг устига, мижознинг аудитор фирмасини ўзгартириши кўпинча ахборот истеъмолчиларида бўлгани каби янги аудиторларда ҳам ҳушёрликни туғдиради.

Ривожланиш нуқтаи назаридан (1.1. бандга қаранг) аудит 3 та босқичга ва, тегишли равишда 3 та турга бўлинади:

1) тасдиқловчи аудит (бухгалтерлик ҳужжатлари ва ҳисоботнинг ишончлилигини текшириш ва тасдиқлаш),

2) тизимли - йўналтирилган аудит (ички назоратнинг тизимини таҳлил қилиш асосида аудитор экспертизаси. Ички назоратнинг тизими самарадор бўлганида хатоларнинг эҳтимоллиги арзимас эканлиги ниҳоятда батафсил текшириш заруратига ҳожат қолмаслиги исботланган, ички назоратнинг тизими самарадор бўлмаганида мижозга уни яхшилаш юзасидан тавсия-тавсиялар берилади).

3) таваккалчиликка асосланадиган аудит (аудитор ишининг мумкин бўлган таваккалчилик даражаси янада юқори бўлган соҳаларда концентрацияси таваккалчилик паст бўлган соҳалардаги аудитни анча соддалаштиради).

Йўналганлик нуқтаи назаридан аудит қўйидагиларга бўлинади:  
*умумий аудит (корхоналар ва уларнинг бирлашмалари ташкилий-ҳуқуқий шакллардан ва мулк турларидан қатъий назар, ташкилотлар ва муассасалар),*

*банк аудити,*

*сугурта ташкилотларининг аудити,*

*биржалар аудити,*

*бюджетга боғлиқ бўлмаган жамгармалар аудити,*

*сармоя институтларининг аудити ва бошقا.*

## 1.9. АУДИТНИНГ НАЗОРАТ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ.

### Аудит ва тафтиш

Назорат - бошқаришнинг муҳим функцияси, жамият иқтисодий ҳаётидаги объектив ҳодисадир. Молия маблағларини бошқариш соҳасидаги назорат бошқариш тизимининг ажралмас қисмидир.

Бозор иқтисодиёти шаклланган давлатларда назоратни ташкил этишининг қўйидаги тасвиридан фойдаланилади: давлат ёки бош назорат бошқармалари девонлар назоратининг олий идораси (органи) - ҳисоб палаталари солик идоралари, бюджет ҳисобига молия билан таъминланадиган вазирлик ва идоралардаги назорат-тафтиш бўлинмалари, мустақил аудитор назорати.

Субъектлар ва назорат фаолиятининг хусусиятига қараб молия назорати қўйидагиларга бўлинади: давлат, идоравий ва идорадан

ташқари, назорат объектига қараб - ички ва ташқига, амалга оширишни ташкил этилишига қараб - тафтишли (тафтиш) ва аудиторлик (аудитор)га. Назорат фаолиятини амалга оширишда ҳужжатли ва фактик назоратнинг махсус усуллари, эксперт фикр (баҳо)лари, таҳлил услуби ва бошқа инструментларидан фойдаланилади.

Идорадан ташқари молия назоратини амалга оширишнинг услуби ҳисобланган аудит, тегишли давлат идоралари: Ўзбекистон Давлат солиқ комитети, солиқ инспекцияси, Ўзбекистон молия вазирлиги ва унинг назорат - тафтиш бўлинмалари, Ўзбекистон Марказий банки, Ўзбекистон Давлат божхона комитети, республика суғурта фаолияти устидан назорат хизмати валюта ва экспорт устидан назорат хизмати амалга оширадиган иқтисодий субъектларнинг хўжалик ва молия фаолияти устидан давлат назорати ўрнини босмайди.

Давлат молия назоратининг асосий вазифалари - давлат молия маблағлари тақсимланиши ва бухгалтерлик ҳисоби олиб борилишининг қонунийлиги ва тўғрилигини текшириш, давлат маблағлари сарфланишининг самарадорлиги ва тежамлилигининг текшириш, солиқларни ҳисоб-китоб қилиш ва тўлашнинг тўғрилигини текшириш, давлат назорат идоралари ўз вазифаларини, улар текширадиган ташкилотларидан мустақил ва ташқи таъсирандан ҳимоя қилингак тақдирдагина обьектив ва самарали бажаришлари мумкин.

Давлат молия назорати субъектлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади: давлат идора ва структуралари, давлат иштироки бўлган саноат ва тижорат корхоналари, бюджет маблағлари ҳисобига молия билан таъминланадиган ёки давлат субсидияларини оладиган корхона, ташкилот ва муассасалари, тадбиркорлик структуралари ва жисмоний шахслар солиқларни тўлаш давлат томонидан бошқариладиган фаолиятни амалга оширишга оид.

Аудитор фаолияти ташкилий-ҳуқуқий шакллар ва мулк шаклларидан қатъий назар барча иқтисодий ва субъектларга йўналтирилиши мумкин бўлса-да, аудитнинг асосий субъектлар бўлиб тадбиркорлик структуралари, обьекти бўлиб эса - акциядорлар фаолиятининг зарурӣ шарти - мустақиллик, боз устига давлат назорати - тафтишчи мустақиллигидан анча каттадир.

Аудитни ўтказиш пайтида ҳужжатли ва фактик тафтиш назоратининг махсус усуллари, алоҳида ҳисоб обьектларини тафтиш қилиш услубиётлари қўлланилади, бухгалтерлик (молия) ҳисботларининг тузилиши тафтиш қилингандан эса муайян изоҳлар берилган ҳолда аудитнинг норма ва андоза фойдаланиши мумкин.

Аудит ва тафтиш иқтисодий субъектларнинг моли хўжалик фаолияти устидан назоратни ташкил этишининг услублари деб ҳисобланиши туфайли, улар ўртасида умунийлик кўп, бироқ принципиал фарқлар ҳам мавжуд.

## **Аудит за тафтиш тафовутлар**

### **1. Мақсадлар:**

аудитнинг - молия ҳисботи ишончлилиги юзасидан фикр билдириш, хизматлар, ёрдам кўрсатиш, мижоз билан ҳамкорлик.

тафтишнинг-камчиликларни бартараф қилиши мақсадида уларни аниқлаш ва айборларни жазолан.

### **Характери:**

аудитнинг - тадбиркорлик фаолияти,

тафтишнинг-ижрошлик фаолияти, фармойишларни бажариш,

### **3. Ўзаро муносабатлар асоси:**

аудитнинг - кўнгиллилик, шартномалар асосида амалга ошириш,

тафтишнинг - мажбурийлик, юқори ёки давлат идоралари фармойишига кўра амалга ошириши.

### **4. Бошқарув алоқалари:**

аудитнинг - горизонтал алоқалар, мижоз билан ўзаро муносабатларда тенг ҳуқуқлилик, унинг олдида ҳисоб бериш,

тафтишнинг - вертикал алоқалар, юқори бўғин томонидан тайинланиш, унинг олдида юзасидан ҳисоб бериш.

### **5.Хизматларни тўлаш принципи:**

аудитнинг - тўловни мижоз амалга оширади,

тафтишнинг - тўловни юқори бўғин ёки давлат идораси амалга оширади.

### **6. Амалий вазифалар:**

аудитнинг - мижоз молиявий аҳволини яхшилаш, пассивларни жалб қилиш (сармоядорлар, кредиторларнинг), ёрдам ва мижозга маслаҳат бериш,

тафтишнинг-активларни сақлаш, сунестъмолликларга йўл кўймаслик ва уларнинг олдини олиш.

### **7. Натижалар:**

аудитнинг - аудитор хулосаси - барча ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, маҳаллий ўз-ӯзини бошқариш идоралари ва суд идоралари учун юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжат, бухгалтерлик (молия ҳисботининг ишончлилигини тасдиқловчи ёзув - бўлган аудитор хулосасининг якуний қисми зълон қилинishi мумкин,

тафтишнинг - тафтиш далолатномаси - барча аниқланган, ҳатто аҳамиятсиз бўлган камчиликлар қайд қилинадиган ички ҳужжат, далолатнома юқори ва бошқа идораларга топширилиши керак.

## **1.10. АУДИТОР ВА МИЖОЗНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ.**

### **Аудитор этикаси**

Профессионал аудиторнинг мажбурий хислатиаридан бирин - жамият олдида масъулияти англаш. Шунинг учун аудиторлар барча аудиторлик хизматларини кўрсатиш пайтида мижоз билан

узаро муносабатларни белгилөвчи қуйидаги этик ва професионал нормаларни ишлаб чиқиши ва қатъий риоя қилинш зарур деб ҳисоблайдилар (13).

#### **Аудиторнинг мустақиллiği, ҳалоллиги ва объективлиги**

Аудиторнинг мустақиллiği - аудиторнинг текширилаётган корхонада бирон-бир молиявий ёки ўзга мулкий маңбаатдорлиги йўқлиги, аудитор, корхонанинг эгадорларидан бири бўлган тақдирда, бу корхонани ёки юқори мансабдор шахслар билан уни қариндошлилик муносабатлари боғлаган тақдирда улар ишлайдиган корхонани текшириш мумкин эмас. Аудитор ўзининг мустақиллiği ва ўз хulosасининг объективлигига ўзбəа учун ҳеч қандай асос бермаслиги керак.

Аудитор фикри ва унинг хulosаси холисона ва бегараз бўлиши керак.

#### **Ахборотнинг конфиденциаллиги**

Аудитор текшириш ёки бошқа аудиторлик хизматларини кўрсатиш давомида олган ахботот конфиденциал ҳисобланади ва фақат мижознинг (ёзма шаклида берилган) розилиги ёки суд ҳарорига кўра фойдаланилган ёки учинчи шахсларга берилиши мумкин. Конфидициаллик принципига шартсиз риоя қилиниш лозим, ҳаттоқи мижоз хақидаги ахборотнингошкор қилиниши ёки тарқатилиши унга моддий ёки ўзга зараар стказмаган ҳолларда ҳам.

#### **Аудиторнинг професионализм, омилкорлиги ва вижданлилиги**

Аудитор зарурий професионал малакага эга бўлиш, уни керакли савияда ушлаб туриш, норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилишга бурчлидир. Ишга аудитор уларнинг касб ходимларни жалб қила туриб, аудитор уларнинг касб маҳоратига амин бўлиши ва уларнинг иш сифатини назорат қилиши лозим. Аудитор ушбу соҳада етарли малакага зга бўлмаса ёки ўз тавсияларининг тўғрилигига амин бўлмаса мижозларга бирон-бир хизматларни кўрсатмаслиги керак.

Мижоз билан ишлаб туриб, аудитор ҳамма ўз билимлари ва тажрибасидан фойдаланишга ва бухгалтерлик ҳисоби, солиқ солиш ва бошқа соҳасидаги охирги янгиликлар ва ўзгаришлардан хабардор бўлишга бурчлидир.

#### **Аудиторнинг масъулияти**

Молия ҳисоблари учун масъулият ва аудитор хulosаси учун масъулиятни ажратиш зарур. Аудитор фақат текширилаётган корхонанинг молия ҳисоблари ҳақидаги ўзининг хulosаси учунгина масъулдир. Ҳисобларнинг мазмуни учун текширилаётган корхона раҳбари жавоб беради.

## **Аудитор этикаси**

Аудитор профессионал бурчларни адо этиш пайтида юриштуриш қоида ва талабларининг қўйидаги мажмуасига риоя қилиши даркор:

- 1) аҳлоқ-одобнинг умумий нормалари;
- 2) аудитор андозаларининг талаблари;
- 3) қонунлар билан мустаҳкамланган талаблар;
- 4) ички фирма аудитор андозаларининг талаблари.

Аудитор ўзининг ҳамкаслари билан хайриҳоҳлик муносабатларни ўрнатишга интилиши керак.

Аудитор унинг қасбини обрўсизлантирадиган харакатларни содир этмаслиги керак (мижозга хужжатларни қайтаришни рад этиш, ҳатто агарда мижоз тегишли ҳақли тўламаган бўлса ҳам, бухгалтерлик (молия) ҳисоботларига ёлғон ёки ноаниқ ёзув киритиш, ўз фаолиятининг давлат регламентацияси талабларини бажармаслик, аудитор нормалари ва андозаларига, бошқаларга амал қылмаслик).

Аудитор ва мижознинг ўзаро муносабатлари кўнгилшилик ва миннатлик асосида қурилади. Улар ўртасидаги можаролар фақат суд ёки арбитраж суди томонидан ҳал этилиши мумкин, холос. Мижоз ва аудитор бир-бирларини мустақил равишда танлашга ҳақлидирлар. Аудитор хизмати шартномага асосан тўланади.

Текширилаётган иқтисодий субъект раҳбарлари ва ўзга мансабдор шахсларга қўйидаги бурчлар юкланди. (1).

а) аудитор (аудит фирмаси)га аудиторлик текширишни ўз вақтида ва тўла ўтказиш учун шароитлар яратиш, уни ўтказиш учун зарур бўлган ҳамма хужжатларни тақдим этиш, шунингдек, аудиторнинг талабига кўра оғзаки ва ёзма шаклларда изоҳ ва тушунишишларни бериш.

б) аудиторлик текшириш натижасида аниқланган бухгалтерлик ҳисобини олиб бориши ва бухгалтерлик (молия) ҳисоботини тузиш тартибининг бузилиш ҳолларини тезкор бартараф этиш.

Аудиторлик текширишни ўтказиш пайтида аниқланни лозим бўлган масалалар доирасини чеклаш мақсадида ҳар қандай харакатларни қилиш тақиқланади.

Аудиторлик текшириш ва холосани тузиш вақтида аудиторлар текширилаётган иқтисодий субъектдан, шунингдек, ҳар қандай учинчи томон, шу жумладан, уларга текширишни ўтказишни топширган давлат идораларидан, шунингдек, улар ишлаётган аудитор фирмаси эгадорлари ва раҳбарлардан мустақилдир.

Аудиторлар (аудитор фирмалари) қўйидагиларга ҳақлидирлар:

а) Ўзбекистон Республикаси норматив ҳужжатлари талабларидан, шунингдек, иқтисодий субъект билан шартноманинг конкрет шартлари ёхуд тергов идораси, прокурор, терговчи, суд ва арбитраж суди топшириғи мазмунидан келиб чиқиб аудиторлик

текширишнинг шакллари ва услубларини мустақил равишда боспаши;

б) иқтисодий субъектларда молия-хўжалик фаолияти ҳақидаги ҳужжатларни, пул суммалари, қимматли қоғозлар, моддий бойшклар нақдлигини тўла хажмда текшириш, туғилган масалалар бўйича тушунтириш ва аудиторлик текшириш учун зарур бўялан қўшимча маълумотларни олиш;

в) ёзма сўров (талабга) асосан учинчи шахслардан, шу жумладан текшириши топширган давлат идоралари кўмагидан аудиторлик текшириши амалга ошириш учун зарур бўялан алборотни олиш;

г) шартнома асосида аудиторлик текширишда иштирок этишга мустақил ёки бошқа аудитор фирмаларида ишлайдиган, шунингдек, унга мутахассисларни жалб қилиш;

д) текширилаётган иқтисодий субъект зарур хужжатларни тақдим қилмаган тақдирда, шунингдек, текшириши ўтказишни топширган давлат идоралари аудитор ва унинг оила аъзоларининг шахсий хавфсизлигини таъминламаган тақдирда (агар зарурат бўлса), аудиторлик текшириши ўтказишдан воз кечиш.

Аудиторлар (аудитор фирмалари) қуйидагиларга бурчидирлар (1).

а) аудиторлик фаолиятни амалга ошириш пайтида амалдаги қонунлар талабларига сўзсиз риоя қилиш;

б) буюртмачига дарҳол хабар бериш, қариндошлилик, мансабдорлик ёки иқтисодий алоқаларнинг борлиги сабабли, шунингдек, ушбу иқтисодий субъектда аудиторлик текшириши ўтказишга имкон берувчи лицензиянинг йўқлиги туфайли ушбу иқтисодий субъектда аудиторлик текшириши ўтказишда ўз иштирокининг мумкин эмаслиги.

Ишнинг катта кўлами ёки шартнома тузилгандан ёки топшириқ селингандан кейин юзага келган ўзга ҳолатлар муносабати билан қўшимча аудиторлар (мутахассислар)ни текширишда қатнашишга жалб қилиш зарурати ҳақида;

в) аудиторлик текширишларни малакали ўтказиш, шунингдек, ўзга аудиторлик хизматларини кўрсатиш;

г) аудиторлик текшириш давомида улар томонидан олинадиган ва тузиладиган ҳужжатларнинг бутлигини таъминлаш ва уларнинг мазмунини иқтисодий субъект эгадори (раҳбари)нинг розилигисиз ошкор қилмаслик. Қонун хужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тергов идораси, прокурор, терговчи, суд ва арбитраж судининг топшириғига кўра ўтказиладиган аудиторлик текшириш давомида олинган маълумотлар фақат кўрсатилган идораларининг рухсатига асосан ва улар жоиз деб тан олган хажмида суд (арбитраж) судининг хукми (қарори) кучга киргунга қадар ошкор қилиниши мумкин.

Аудиторлар (аудитор фирмалари) аудит жараёнида олган маълумотларни учинчи шахсларга, бу маълумотларни

гадирилорлик фаолияти мақсадларыда фойдаланиши учун олиб берин ҳукуқига эга эмаслар.

Текширилаётган иқтисодий субъект аудитордан аудитор (фирмасидан) аудиторлик текширишни ўтказишта таалуқли қонунлар талаблари, томонларнинг ҳукуқ ва бурчлари ҳақида тутал ахборот олиш, аудитор (аудитор фирмаси) хулосаси билан танишилгандан кейин зса - аудитор (аудитор фирмаси)нинг мулоҳаза ва хулосалари асосланадиган норматив актлар ҳақида ахборот олиш ҳукуқига эга. Аудитор (аудитор фирмаси) бу ахборотни иқтисодий субъектга тақдим этишга бурчилир.

Аудиторлик текшириш қуйидагилар томонидан ўтказилиши мумкин эмас:

а) бухгалтерлик (молия) ҳисоботига амал қилиниши учун масъул бўлган текширилаётган иқтисодий субъектнинг муассислари, эгадорлари, акциядорлари, раҳбарлари ва ўзга мансабдор шахслари ҳисобланган ёхуд кўрсатилган шахслар билан яқин қариндошлиги бўлган (ота-она, эр-хотин, яқин ака-укалари, опа-сингиллари, ота-оналари ва фарзандлари) аудиторлар томонидан.

б) аудитор фирмалари томонидан,

иқтисодий субъектлар муассислари, эгадорлари, акциядорлари, кредиторлари, сугуртачилари ҳисобланган иқтисодий субъектларга нисбатан, шунингдек, бу аудитор фирмалари муассислари, эгадорлар, акциядорлар ҳисобланган иқтисодий субъектларга нисбатан,

уларнинг шўъба корхоналари, филиаллари (бўлимлари) ва ваколатхоналари ҳисобланган ёки ўз капиталида бу аудитор фирмаларининг улушига эга бўлган иқтисодий субъектларга нисбатан;

в) ушбу иқтисодий субъектлар бухгалтерлик ҳисобини тиклаш ва олиб бориш, шунингдек, молия-ҳисботини тузиш юзасидан хизматларни кўрсатган аудиторлар ва аудитор фирмалари томонидан ўтказилиши мумкин эмас.

## **2-боб. АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШ**

### **2.1. АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ.**

Аудиторлик тафтиш натижалари кўплаб иқтисодий қарорларнинг асоси бўлиб ҳисобланиши туфайли аудит ҳамма мамлакатларда қатъий тартибга солиб борилади. Уларнинг баъзиларида (масалан, Францияда) бу жараёнга давлат аралашиб, аудитнинг норма, нормативларини ўрнатади, аудиторлар ва аудитор фирмаларини рўйхатдан ўтказади. ва улар фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Бошқа мамлакатларда (АҚШ, Англия) бу жараён жамоат профессионал аудиторлик ташкилотлари томонидан тартибга солинади.

Барча ривожланган мамлакатларда аудиторларнинг мустақил Палаталари фаолият кўрсатиб, уларнинг асосий вазифалари аудиторлик фаолияти бўйича андозалар (стандартлар) ни ишлаб чиқиши, аудиторлар ишининг сифати устидан назоратни амалга ошириш, аттестацияни ўтказиш ва аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳукуқини берадиган ҳужжатларни бериш ҳисобланади. (бу давлатнинг фавқулотда ҳукуқи бўлмаган мамлакатларда Аудиторлар палаталари шунингдек, аудиторлар фаолияти координаторлари ролини ҳам ўйнайди, уларнинг жамиятдаги юриштуришнинг этик нормаларини белгилайди ва бу нормаларни бузган шахсларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўради.

Халқаро даражада аудиторларнинг профессионал ташкилотлари аудиторлик фаолиятининг турли аспектларига таалуқли тавсияларни ишлаб чиқадиган. Халқаро бухгалтерлар федерацияси ёрдамида ҳамкорлик қиласди.

### **2.2. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АУДИТДАГИ АСОСИЙ ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ.**

Ўзбекистон аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳукуқига мулк шаклидан қатъий назар жисмоний (аудиторлар) ва ҳуқуқий шахслар (аудиторлик фирмалари), шу жумладан чет эл ва чет эллик жисмоний ҳамда ҳуқуқий шахслар билан тузилган қўшма аудиторлик фирмалари эга (1).

Индивидуал тадбиркорлар — аудиторлар ва (ёки) ҳуқуқий шахслар аудиторлик фаолиятини биргаликда амалга ошириш учун тўла ширкатга бирлашишлари мумкин. Тўла ширкат ҳуқуқий шахс ҳисобланмайди ва демакки, у ёки бир молиявий ҳисботни тақдим этмайди. Индивидуал аудиторлар ва ўз мажбуриятлари бўйича ва ширкат мажбуриятлари бўйича ўз мулклари билан тўла жавогардирлар.

Аудиторлик фирмалари аудиторлик фаолиятини амалга ошириши мақсадида түзиладиган корхоналар сифатида рўйхатга олинади ва ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклга эга бўлишлари мумкин (очик турдаги ҳиссесадорлик жамияти шакли бундан мустасно).

Аудиторлик фирмалари ўз фаолиятларини, агарда уларнинг низомий капиталида (нозомий жамғармасида) аттестацияланган аудиторлар ва тегишли улуш ва ёки лицензия олган аудитор фирмалрига тегишли улуш камида 51 фойзни ташкил этсагина амалга оширадилар.

Германия ва Францияда аудит билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўнсан шахснага низомий капиталнинг 75 фойз тегишли бўлган фирманига аудитор фирмаси деб аталиши мумкин. Германияда "аудиторлик фирмаси" номининг ноқонукий ишлатилиш учун жиной жавобгарлик кўзда тутилган.

Аттестациядан ўтган ва мустақил ишлашни хоҳловчи аудиторлар, шунингдек, аудиторлик фирмалари ўз фаолиятларни тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан, аудиторлик фаолиятини амалга оширишга лицензия олигандан ва аудиторлар ҳамда аудиторлик фирмалари давлат реестрига киритилгандан кейин бошлайдилар.

Аудиторлар ва аудиторлик фирмалари аудиторлик ва у билан боғлиқ фаолиятдан ташқари бирон бир тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллана олмайдилар.

Аудиторлар ва аудиторлик фирмалари ўз фаолиятларини ўнналтириш ёки профессионал манфаатларини ҳимоя қилиш учун юшмалар, ассоциациялар ва бошқа бирлашмаларни тузишлари мумкин. Жамоат аудиторлик бирлашмалари аудиторлик фаолияти билан бевосита шуғулланишга ҳуқуқли эмас.

Аудиторлик фирмалари ходим сонига кўра тубдан фарқ қўлади: индивидуал тарзда ишлайдиган битта одамдан энг йирик миялатлараро ва ишбилармонлар энг йирик умумий тан олинган аудиторлик фирмалари штатида турадиган бир неча минг одамгача бўлади. Минглаб аудиторлик фирмалари мавжуд бўлган Буюк Британияда масалан, уларнинг бта энг йириклари мамлакатдаги 1000 та етакчи корхоналаридан 800 кўпроғида аудит ўтказадилар.

### 2.3. АТТЕСТАЦИЯ ВА ЛИЦЕНЗИЯЛАШ

Аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олиш учун мутахассислик бўйича имтиҳонлар ўқув-методик марказлари (аудиторлар аттестацияси марказлари) да ўтказилади.

Даъвошар аттестацияга иқтисодий ёки ҳуқуқий (олий ёки ўрта маҳсус) маълумот ҳақидаги дипломга эга бўлганида, меҳнат стажининг окирги 5 йилидан камида 3 йили давомида аудитор, аудиторлик ташкилоти мутахассиси, иқтисодчи, тафтишчи, корхона

раҳбари, илмий ходим ёки иқтисодиёт ўқитувчisi сифатида ишлаганида қўйилиши мумкин.

Аттестацияга суд қарори билан муайян мансабларни эгаллаш ёки муайян соҳада ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда жазо олган шахслар қўйилмайди.

Аттестацияни ўтказиш учун муайян ҳақ тўлаш белгиланган.

Квалификацион имтиҳонларни муваффақиятли топширганлар ягона намунадаги аудитор аттестациясини (шаҳодатномасини) оладилар. Агарда аудитор аттестатни олган сониядан эътиборан 2 йил давомида аудиторлик фаолиятига киришмаган бўлса, шаҳодатнома ўз кучини йўқотади.

Мустақил ишлаётган аудиторлар ва аудиторлик фирмалари аудиторлик фаолияти билан фақат амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни олганларидан кейингина шуғулланишлари мумкин.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия тегишли аризага асосан берилиб, унга қуидагилар илова қилинади (10):

а) мустақил ишловчи аудитор учун квалификацион (малака) шаҳодатнома ва давлат регистрацияси ҳақидаги гувоҳномаларнинг нусхалари;

б) аудиторлик фирмаси учун - таъсис ҳужжатлари, давлат регистрацияси ҳақидаги гувоҳномаларнинг нусхалари, аудиторлик фирмасининг раҳбарлири, уларниг ўринбосарлари ва малака шаҳодатномасига эга бўлган аудиторлар ҳақидаги маълумотлар.

Лицензиялар банк аудитини, сугурта ташкилотлари аудитини, биржалари аудитини, бюджетдан ташқари жамғармалар ва сармоя институтлари, умумий аудитни (бошқа иқтисодий субъектлар аудитини) амалга ошириш учун алоҳида берилади.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар, уларни берган идоралар томонидан бекор қилиниши мумкин:

а) лицензия берилгандан кейин уни олиш аудитор (аудиторлик фирмаси муассислари) нотўғри маълумотларни тақдим этганилиги ҳақидаги факт аниқланганда;

б) аудитор (аудиторлик фирмаси) унга берилган лицензияда кўзда тутилмаган аудиторлик фаолиятини амалга оширганда;

в) аудитор (аудиторлик фирмаси) хўжалик юритувчи субъект эгаси (раҳбарининг рухсатисиз, у аудит давомида олган маълумотларни учинчи шахсларга тақдим қилганда, қонунларда кўзлда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

г) аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи шахснинг муайян мансабларни эгаллаш ёки молия-хўжалик муносабатлари соҳасида муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш кўринишидаги жазоланишини назарда тутадиган суд ҳукми қонуний кучга кирганида;

а) аудитор (аудиторлик фирмаси) иқтисодий субъектда аудиторлик жиҳатидан текширишни ўтказиш имкониятини истисно қаруучи ҳолатларни атайин яширганида;

б) аудиторлик текширишлар ўтказиш ёки аудиторлик изматларни кўрсатиш бир неча бор малакасиз амалга оширилганида.

Ҳуқуқий ёки жисмоний шахс аудиторлик фаолиятини ўринатилган тартибда олиниши лозим бўлган лицензиясиз амалга оширилганда, ноқонуний фаолият натижасида олинган даромадларни мусодара қилиш ва жарима солиш кўринишда маъмурий жазога тортади.

Бундан ташқари, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқили берувчи лицензияларни бериш ваколати бўлган идора кўрсатилган ҳуқуқий шахсни бартараф этиш ҳақидаги даъво билан ҳакамлик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

## 2.4. АУДИТ СУБЪЕКТЛАРИ

Аудиторлик фаолияти амалдаги мулкнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклари ва кўринишларидан қатъий назар, қонунларга мувофиқ тузилган ҳамма иқтисодий субъектларга шу жумладан, корхоналар уларнинг бирлашмалари (уюшмалар, ассоциациялар, концернлар, соҳавий, соҳалараро, минтақавий ва бошқа бирлашмалар) ташкилотлар ва муассасалар, банк ва кредит муассасалари, юзунингдек, уларнинг ўющмалари ва акциялари, сугурта сашкилотлари, мол(товар) ва жамғарма(фонд) биржалари, сармоя, нафақа(пенсия) жамоат ва бошқалар жамғармаларга йўналтирилиши мумкин. Иқтисодий субъектларга, шунингдек, мустақил тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқародар, мустақил ишлайдиган аудиторлик фирмалари ва аудиторлар киради.

Иқтисодий субъектларнинг бухгалтерлик (молия) ҳисоботи ҳар йилни фаолиятнинг куйилдаги мезонларига (кўрсаткичлар тизимига) асосан мажбурий аудиторлик текширищдан ўтиши лозими (8).

1. Иқтисодий субъектнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли.

Очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти.

2. Иқтисодий субъект фаолиятининг кўриниши.

Банклар ва бошқа кредит муассасалари:

Сугурта ташкилотлари ва ўзаро сугурта жамиятлари:

Мол ва жамғарма биржалари,

сармоя институтлари (сармоя ва чекли сармоя жамғармалари, холдинг компаниялари),

бюджетдан ташқари жамғармалар (уларнинг маблағлар ҳосил бўлиш манбалари бўлиб ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг қонунларда кўзда тутилган чегирмалари ҳисобланади).

Хайрия ва бошқа (носармоя) жамғармалари (уларнинг ҳосил

үтиш манбалари бўлиб ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг кўнгил  
хизматлари ҳисобланади.

фаолиятлари кўринишига қараб ҳар йили мажбурий аудиторлик  
текширишидан ўтиш қонунлари кўзда тутилган бошқа иқтисодий  
субъектлар.

3. Иқтисодий субъект низомий капитали (низомий жамғармаси)  
инг шаклланиш манбалари (агарда низомий капитал (низомий  
капитал жамғармаси) да чет эл сармоядорларига тегишли ҳисса  
улади).

4. Иқтисодий субъект фаолиятининг молия кўрсаткичлари .

Иқтисодий субъектлар, улар фаолиятининг қўйидаги молия  
кўрсаткичларидан ҳеч деганда биттаси бўлганда ҳар йили  
мажбурий равишда аудиторлик текширишидан ўтишлари  
возим(1995 йил ҳисботидан бошлаб) бутунлай давлат мулкига  
(египтили субъектлар бундан мустасно).

қонунларда ўрнатилган меҳнат ҳақининг ойлик минимал  
микдоридан 500 баробар ортиқ йил давомида маҳсулот (иш,  
изматлар) ни реализация қилишдан олинган тушум;

қонунларда ўрнатилган меҳнат ҳақининг минимал ойлик  
микдори ҳисбот йилининг охирига келиб 200 баробар ортиқ бўлган  
баланс активларининг суммаси.

Қайд қилинган молия кўрсаткичларини аниқлаш учун  
қонунларда ўрнатилган меҳнат ҳақининг минимал ойлик микдори  
ҳисбот йили учун ўргача йиллик ҳисобида олинади.

Ҳар қандай иқтисодий субъектларни мажбурий аудиторлик  
текшириш тергов идоралари, терговчи, прокурор, суд, ҳакамлар  
ошибиригига кўра ўtkазилади.

## **2.5. ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИНИНГ ТОПШИРИГИГА КЎРА ЭКСПЕРТИЗАЛАР ВА ТЕКШИРИШЛАР.**

Ўтказишни ташкил этиш ва услубларининг ўзига хос  
сусусиятлари.

2.5.1. Ўзбекистонда мажбурий аудиторлик текшириш  
аудиторлари ва аудиторлик фирмалари томонидан давлат  
идораларининг топширигига кўра ўтказилиши мумкин. Тергов  
идораси ва терговчи прокурорнинг санкцияси бўлганидан, прокурор,  
суд ва ҳакамлик суди процессуал қонунларга мувофиқ аудитор ёки  
аудиторлик фирмасига кўрсатилган идраларда кўзғатилган жинонай  
иш, қабул қилинган фуқаролик иши ёки ҳакамлик суди тасарруфига  
тегишли иш бўлганда иқтисодий субъектни аудиторлик жиҳатидан  
текшириш ҳақидаги толшириқни беришга ҳукуқлидир.

Бундай толшириқнинг мазмuni жинонай ишни қўзғатиш,  
фуқаролик ишини ёки ҳакамлар суди тасарруфига тегишли ишни  
қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларга мувофиқ  
хелиши лозим. Бундай толшириқ бўйича аудиторлик текширишни

ўтказиш муддати аудитор (аудиторлик фирмаси) билан келишилган ҳолда аниқланади ва, одатда 2 ойдан ошмаслиги керак.

Аудиторлик текшириш ўтказиш ҳақида топшириқ берган давлат идоралари уни ўтказиш учун тегишли шароитларни яратишга, шунингдек, зарур бўлганда аудиторлик ва улар оила аъзоларининг шахсий хавфсизлигини таъминлашга бурчидир.

Аудиторлар розилиги билан текшириш тергов идораси, прокурор, терговчи, суд ва ҳакамлик суди томонидан белгиланган тартибда олинган (талаб қилиб олинган) молия ҳисоботи ҳуякатларига асосан ўтказилиши мумкин.

Тергов идораси, прокурор, терговчи, суд ва ҳакамлик судининг топшириғига биноан текшириш ўтказилаётган пайтда аудитор (аудиторлик фирмаси) ишига ҳақ тўлаш олдиндан, текширилажак иқтисодий субъект ҳисобига амалга оширилади.

Иқтисодий субъект, унинг синалганлиги туфайли етарли маблағларга эга бўлмаган тақдирда аудитор (аудиторлик фирмаси) ишига олдиндан ҳиён тўлаш бир ой муддатда республика бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилиб, кейинчалик тегишли прокурор ёки ғазналик идорасининг даъвосига асосан синган деб тан олинган иқтисодий субъект мулк ҳисобига ҳакамлик судининг қарорига асосан ундирилади.

Иқтисодий субъект етарли маблағларга эга бўла туриб, давлат идоралари топшириғига кўра ўтказилган аудитор (аудиторлик фирмаси) ўтказилган ишига олдиндан ҳақ тўлашдан воз кечса ёки бўйин товласа, шунингдек, бу иш республика бюджети маблағлари ҳисобига тўланмаган тақдирда, аудитор (аудиторлик фирмаси) ёки унинг илтимосига кўра тегишли прокурор, бузилган мулкий манфаатларни ҳимоя қилиш учун суд ёки ҳакамлик судига мурожаат қилиш мумкин.

Иқтисодий субъектни худди ўша асосларга асосан давлат идоралари топшириғига кўра такрорий аудиторлик текширишлари фақат республика бюджети маблағлари ҳисобигагина ўтказилади ва улар дастлабки текширишни ўтказган аудиторлик ёки аудиторлик фирмаси томонидан амалга оширилиши мумкин эмас.

Бундай турдаги текширишлар ўтказаётган пайтда аудитор (аудиторлик фирмаси) адлия вазирлиги тизимида эксперт муассасаларида суд-бухгалтерлик экспертизаларини амалга ошириш ҳақидаги йўриқномага амал қилиш мақсадга мувофиқdir.

Бундай мутахассисларни таълаш, улар таркибини ва уларнинг фаолиятнинг тартибини тасдиқлаш эксперт муассасасининг раҳбари томонидан амалга оширилади.

Суд-бухгалтерлик экспертизалари, уларни аудитдан ажратиб турадиган аҳамиятли ўзига хос ҳусусиятга эга. Бу ҳусусиятлардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

Суд-бухгалтерлик экспертизалари эксперт муассасаларининг биноларида амалга оширилади. Зарурат тугилганда экспертизани

үтказнан жойи экспертиза тақдим көрсөткіштің орындағанда  
холда эксперт томонидан берилганды.

Суд-бухгалтерлик экспертизасының сюйнілік деңгээлде орында-  
туыш учун зарур бўлган фиктиф маълумотлар ўз келинадиган  
бухгалтерлик ҳисобнинг дастлабки ва жамалама хужжатлари  
ҳисобланади. Тадқиқот жараёнларида бошқа ихтисосларга эга  
экспертларнинг хуносалариде айдерлауда, туажхарни чекке-  
тааллуқли бөшқа мәселеңдерде бўйича ҳисобланадиган  
фойдаланилими мумкин, бирорада бу маълумотлар бенчтасдан  
маълумотлар сифатида тақдим қишинка за узардиган фойдаланадиган  
бухгалтерлик хужжатларини тадқиқ қилиш билан боғлиқ бўлса.

Суд-бухгалтерлик экспертизасини амалга ошириш жараёнида  
қуйидагиларни аниқлаш юзасидан масалалар ҳал қилинади:

- товар- моддий бойликлар, пул маблағларининг камомади ёки  
ортиқчаси моддий зарар миқдори билан боғлиқ, фиктив  
маълумотлар;

- товар-моддий бойликларни қабуҷ қилинадиган рутинадиган  
операцияларини за ҳул маблағлариниң ҳардак сияси таъминотни  
расмийлаштиришнинг тўғрилиги;

- бухгалтерлик хужжатларида хўжалик-молия операцияларининг  
акс эттирилиши бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисобот ҳамда амалдаси  
норматив актлар талабларига мувофиқлиги синтариши юзасидан  
ўтувчи шахсларнинг кўрсатмавари бухгалтерлик ҳисоби  
маълумотларига мувофиқлиги ёки асмувофиқлиги;

- материаллар, тайёр маҳсулотлар, товарлар, пул  
маблағларининг қайд қилиш, бериш ва ҳисобидан чиқаришнинг,  
технологлар, товаршunosлар бошқа мутахассисларнинг  
хуносаларини ҳисобга олган ҳозда аниқланадиган ҳисобга олнишадиган  
маҳсулот миқдорлари ва қийматининг за ишга онек болиқ  
материалларнинг ҳужжатдан асосланганлиги;

- фуқаролик суд ишлаб чиқаришга тартибида ҳал этикадиган  
даъволар бўйича суммалар миқдорининг ҳужжат жиҳатдан  
асосланганлиги;

- камомад ёхуд ортиқча нарса ҳосил бўлган даврда товар-  
моддий бойликлар ёки пул маблағлари ҳужжатли маълумотларга  
кўра зими масида ҳисобланган шахслар номидан ва ҳунарни  
экспертизани амалга ошириш жараёнида риоя қилинадиган  
белгиланган бухгалтерлик ҳисоби ва назорат талабларини  
бажарилшигини таъминлашга бурчли шахслар;

- моддий заарнинг ҳосил бўлишига кўмак берган ёки унинг ўз  
вақтида аниқланишига халақат берган бухгалтерлик ҳисоби  
ва назоратни ташкил этиш, олиб бўрилдаги камчилликлар

Эксперт-бухгалтер сифатида аудитор, шукинадек, бухгалтерлик  
ҳисоби ва назорати, молия, газна ва ҳисоб-китоб интизоми  
талабларига риоя қилмаслик билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам  
ҳал қилиши мумкин, агарда бунинг учун унинг маҳсус билимларини  
қўллаш зарурати туғилса.

### **2.5.2. Эксперт-бухгалтер ва бу функцияни бажарувчи эксперт-бухгалтернинг бурч ва ҳуқуқлари.**

Экспертларнинг суд экспертизаларини амалга ошириш пайтидаги процессуал ҳуқуқлари, бурчлари ва масъулияти шунингдек, экспертни хulosасини тузишдан воз кечиш, бўйин товлаш ёки била туриб нотўри хulosани тузиш учун жиноий жавобгар эканлиги ҳақида огоҳлантириш тартиби Узбекистон қонунлари билан белгиланади.

Эксперт-бухгалтер функцияларини бажарувчи аудитор қуйидагиларга амал қилишга бурчлидир.

эксперт тадқиқотлари натижаларини тўла, ҳар томонлама ва объектив баҳолаш асосида олдига қўйилган масалалар бўйича, маҳсус билимларига мувофиқ асосланган хulosса бериш.

экспертизага тақдим этилган материалларни тақдим қилиш, агарда улар қўшимча маълумотлар олишимаган ҳозда ён бўлмаганданда қўйилган масалаларнинг бир қисмини ҳал қилишга имкон берса, бунда бошқа масалаларни ҳал қилишга ишлом бермаган сабабларни хulosада келтириш,

тергов ўтказмёсттан шахснинг, терговчи, прокурор ёки суд (судья) ишнинг чақиривига кўра, у берган хulosани тушунтириш ёки тўлдириш учун келиши;

қонунда кўрсатилган асосларнинг бўлганида ўз номзодига ўзи зътироz билдириши;

экспертизани тайинлаган идоранинг рухсатисиз дастлабки текшириш (тергов) маълумотларини ошкор қилмаслик.

тадқиқ қилиш учун олинган иш материаллар бут сақчанингни тъминлаш,

экспертизанинг тайинлаган идора топширкига асосан бўлгани каби, ўз ташаббусига кўра ҳам молия-хўжалик фаолияти ва соҳасиде ҳуқуқбузарликларни содир қилиш ва яширишга кўмаклашувчи ҳолатларни аниқлаш, агарда бунинг учун бухгалтерияга оид билимлардан фойдаланишини талаб қиладиган зарур маълумотлар бўлса.

Аудиторнинг эксперт-бухгалтер сифатидаги ҳуқуқлари:

- суд - бухгалтерлик экспертиза мавзусига тааллуқли иш материаллари билан танишиш;

хulosани тузиш учун керакли бўлган қўшимча материаллар (дастлабки маълумотлар)ни тақдим қилиниши ҳақида штимосномалар билан мурожаат этиш;

терговчи амалга оширувчи шахс, терговчи, прокурор, суд (судья) ва рухсатига асосан сўроқ ва бошқа тергов ва суд ҳаракатларини амалга ошириш пайтида ҳозир бўлиш, суд-бухгалтерлик экспертизаси мавзусига тааллуқли саволлар билан сўроқ қилинувчиларга мурожаат этиш;

хulosада экспертили тадқиқот давомида ўрнатилган иш учун аҳамиятли бўлган ва улар хусусида унга саволлар берилмаган

ҳолатларни күрсатиш;

Судга, унинг суд йиғилишида иштирок этиш муддатини суд-бухгалтерлик экспертизаси мавзусига алоқаси бўлган ҳолатларни тадқиқ қилиш учун керакли вақт билан чекланган чеклаш ҳақида илтимоснома билан мурожаат этиш,

қонунда белгиланган тартибда терловни амалга ошираётган шахс, прокурор, суд,(судья) нинг харакатлари ёки қарорларидан, агарда улар эксперт ҳукуқларини ёки қонуний маидаатларини бузса, норозилик билдириб, шикоят аризаси бериш.

эксперт-бухгалтер шунингдек, ўз бурчларини бажарганлик учун тақдирланиш ҳукуқига эга.

Бу функцияни бажарувчи эксперт-бухгалтер ва аудитор:

-эксперт муассасаси (структураси бўлинима) раҳбариятининг ёзма кўрсатмасиз экспертизани амалга ошириш учун қабул қилиш:

экспертизани тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим) да «ўрсатилмаган ва тадқиқот объектлари бўлмаган иш материалларини тадқиқ қилиш»:

қонунда ўрнатилган тартибда унга тақдим этилмаган маълумотларни мустақил равишда тўплаш ва улдан фойдаланиш.

шахслар ҳаракатларини ҳукуқий жиҳатдан баҳолашга тааллуқли масалаларни, шунингдек, унинг ваколатлари доирасидан чиқадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш,

тафтни амалга ошириш, инвентаризацияда қатнашиш, у ишлабдан (ишлаётган) муассасалар, корхоналар, ташкилотлар

хужожатларни тадқиқ қилиш билан боғлиқ экспертизани амалга ошириш:

унга топширилган экспертизани амалга оширишга бошқа шахсларни жалб қилиш,

хизмат хонасидан ташқарида экспертизани амалга ошираётган жиноий ёки фуқаролик иши, материалларини сақлаш ҳукуқига эга олас.

## 2.6. АУДИТОРНИНГ ҲУКУҚИЙ ВА ПРОФЕССИОНАЛ ЖАВОБГАРЛИГИ

### Аудиторнинг моддий жавобгарлиги

Аудиторлик фаолиятининг қоидаларида текшириш сифатсиз ўтказилган тақдирда аудитор ва аудиторлик фирмаларининг оширилган моддий жавобгарлиги кўзда тутилган.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияни берган идора манфаатдор иқтисодий субъектнинг аризасига кўра шунингдек ўзининг ташабbusи ёки прокурорнинг тақлифига асосан манфаатдор иқтисодий субъект маблағлари ҳисобига ёхуд республика бюджет маблағлари ҳисобига тегишли равишда амалга

оширишдаги аудиторлик хulosаси сифатининг текширилишини тайинлаш мумкин.

Давлат ёки иқтисодий субъектга заарар келтирган малакасиз ўтказилган аудиторлик текшириш аниқланган тақдирда аудитор (аудиторлик фирмаси) дан, лицензияни берган идорага даъвога қилинган даъвога кўра суд ёки ҳакамлик судининг қарорига асосан.

кўрилган зиён тўла ҳажмда;

қайта текширишини ўтказишга кетадиган сарф-харажатлар, республика бюджети даромади ҳисобига ўтказиладиган жарима ундирилади.

Кўрсатилган даъволар бўйича ишларни кўриб чиқишида ушбу аудитор( аудитор фирмаси)га текширишни топшириш ҳақидаги қарорни аввали қабул қилган судъялар иштирок этишлари мумкин эмас.

Бироқ, аудиторларнинг жавобгарлиги нафақат аудиторлик фаолиятининг қондалари, балки, умуман, амалдаги қонунлар билан хусусан, "Аудиторлик фаолияти тўғрисида" ги Қонун билан белгиланади.

Аудитор ва аудиторлик фирмаси аудиторлик текширувлари ўтказиш чоғида ушбу Қонуннинг ва Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг қондаларини бузганлик учун:

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ мулкий ва маъмурӣ жавобгарликка:

Лицензия берган идоранинг қарорига мувофиқ аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳукуқини берувчи лицензияни амалга қилинишини тўхтатишгача ёки бундай лицензиядан маҳрум этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортилади.

Аудитор жавобгарлигини шартли равишда тўртта қисмга ажратиш мумкин, мижоз олдидаги жавобгарлик, учинчи шахслар олдидаги фуқаролик қонунчилиги асосида жавобгарлик (умумий ҳукуққа мувофиқ ва қабул қилинган қонуний ҳужжатлар асосида)

жиной жавобгарлик ва маҳфийликка риоя қилиш билан боғлиқ жавобгарлик.

#### **Мижоз олдидаги жаобгарлик**

Аудиторни мижоз олдидаги жавобгарликка жалб этишнинг энг умумий асослари-унинг шартнома шартларини бузиш ва хизматларни кўрсатадиган пайтда йўл қўйилган бепарволик билан боғлиқ фуқаролик қонунчилигини бузиш.

Бу ҳолда аудитор томонидан талаб қилинадиган пухталик ва бетартибликнинг савиаси тегищлича бўлмаганингизда айланаш принципиал масала ҳисобланади. Аудиторнинг ҳар қандай аҳамиятли хатоси ёки янгилаш муроҳазаси, у нотўғрилигини исбот қилиш лозим бўлган ишдаги пала-партиишик презумпциясини вужудга келтиради. Аудитор умумий қабул қилинган аудиторлик андозалари (стандартлари) га мувофиқ ўтказиш кўп ҳолларда

либсизликнинг исботи ҳисобланади.

Аудитнинг пухталик даражасини аниқлаш аудитор бошқа хизматларни кўрсатган тақдирда янада мураккаб бўлиб қолади, иегаки уларни баҳолаш учун муайян мезонлар мавжуд эмас.

Бу ҳолларда аудиторлик фирмалари ҳимоянинг бир қанча усулларини ишлатадилар. Биринчидан, аудитор мижоз олдида шартнома кўрсатилмаган мажбуриятларга эга эмаслигини юзасидан исботни келтиради. Шу жиҳатидан кўрсатилажак хизматлари хусусияти уларнинг давомийлиги ва қиймати шартномада аниқравшан кўрсатилиши муҳимдир.

Иккинчидан, аудитор текшириш умум қабул қилинган аудиторлик андозалари (стандартлари) га мувофиқ ўтказилганинги исботлаши лозим-бундай ҳолда ҳатто хатолар аниқланган пайтда ҳам аудитор бунинг учун жавоб бермасиги мумкин.

Ва, ниҳоят, агарда суд жараёни зиён кўрганнинг эҳтиётсиэлиги туфайли заарар келтирган ҳолларда қўзғатилган бўлса, аудитор жараённи юритиш учун барча имкониятларга эга бўлади, агарда у аввали мижозни ёзма шаклда ҳисоб тизимида у ёки бу ўзгаришишнинг зарурлиги ҳақида хабардор қўлган ёки унга у ёки бу аудитор ёзма шаклда мижозга ички назорат тизимининг такомиллашмаганинги ҳақидаги хабар берган бўлса, унда мижозда кейинчалик ўғрилик бўлган тақдирда, бу билан боғлиқ зиённи қоплаш амалда талаб қилиш мумкин бўлмай қолади.

Фуқаролик қонунчилигида мижозларнинг аудиторлик фирмаларига нисбатан даъволарни қўзғатишнинг потенциал имкониятини кўзда тутадиган қатор моддалар, хусусан, шартнома муноса батларини тартибга солувчи моддалар мавжуд.

#### **Учинчи шахслар олдидаги жавобгарлик**

Аудиторнинг учунчи томонлар олдидаги умумий ҳукуқ асосида жавоб берган ҳолларда аудиторни ҳимоя қилиш кўрсатиладиган хизматлар сифатини исбот қилиш асосида (уларнинг умум қабул қилинган андозаларга мослиги) курилади, бироқ буни кўп ҳолларида судда исбот қилиш қийин бўлади. Ҳимоя сифатида учинчи томоннинг шартномага алоқаси йўқлигини ҳам келтириш мумкин, бироқ бундан фойдаланиш ҳам ҳар доим мумкин бўлавермайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги учинчи томонларнинг аудиторлик фирмаларига нисбатан даъво қўзғатиш учун асос беради, хусусан, заарар, зиён келтириш, заарарни қоплаш билан боғлиқ бўлган қонун моддалари бунга асос бўла олади.

#### **Жиноий жавобгарлик**

Ўзбекистон суд амалиётида аудиторнинг жиноий жавобгарликка торттилиш ҳодисаси ҳозирча қайд қилинмаган.

Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти

тўғрисида"ги Қонунида аудитор (аудитор фирмаси)ни тегималла ҳолларда жиной жавобгарликка тортиш кўзда тутилмайди.

#### **Сир сақлаш билан боғлиқ бўлган жавобгарлик**

Махфийликка амал қилиш масаласи кўп вазиятларда зид ва бир хил маъноли бўлмайди деб ҳисобланади.

Ўзбекистонда ушбу муаммони бошқариш маълум даражада Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг тегишли қарори билан таъминланади, бироқ умуман олганда аудиторларнинг махфийликка амал қилиниши учун жавобгарлиги ҳақидаги масала, жавобгарликнинг бошқа турлари ҳақидаги масалалар каби ҳал этилмаган.

### **2.7. ЎЗБЕКИСТОНДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ**

Аудит - муайян ваколатлар берилган шахслар аудиторлар (аудиторлик фирмаси) томонидан хўжалик юритаётган субъектларнинг молиявий ҳисобланган тўғрилигини, улар амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларига қай даражада мувофиқлигини, шунингдек, мукаммаллиги ва асослилигини, бухгалтерия ҳисоб-китоби ва бошқа молиявий ҳисобот юритишга доир талабларга қай даражада монандлигини текшириш мақсадида ўtkaziladigan molija ҳужжatlarining ekspertizasi va taҳlliidir. Аудит шунингдек, консалтингни - мижоз билан шартнома асосида хизматлар кўрсатишни ўз ичига олади.

Аудиторлик фаолияти маҳсус ваколат берилган давлат идоралари томонидан хўжалик субъектлари фаолияти устидан назорат қилишининг ўрнини босмайди.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти билан боғлиқ муносабатлар "Ўзбекистон Республикасидаги Корхоналар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа ҳужжатлари билан тартибга солинади.

## **3-боб. АУДИТ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА АУДИТОРЛИК АНДОЗАЛАРИ (СТАНДАРТЛАРИ)**

### **3.1. АУДИТ АНДОЗАЛАРИНИНГ МАҚСАДЛАРИ ВА АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ.**

Аудиторлик андозалари аудитнинг сифати ва ишончлигига ўлган норматив талабларни белгиловчи ва аудитор текшириш натижалари кафолатларининг (уларга риоя қилинган ҳолда) муаяйн даражасини таъминловчи ягона асосий талабларни шакллантиради. Ықтиқодий шароитларниң ўзгариши билан аудиторлик андозалари молия ҳисботи фойдаланувчиларниң эҳтиёжларини максимал даражада қондириши учун вақт-вақти билан қайта кўриб чиқиши ҳизим.

Аудиторлик андозалари асосида аудиторликни тайёрлаш учун ўқув дастурлари, шунингдек, аудиторлик фаолияти билан шугулланиш ҳукуқини олиш учун имтиҳонларни ўтказиш учун ягона талаблар шаклланади.

Аудиторлик андозалари судда ўтказилган аудитнинг сифатини исботлаш учун ва аудиторларниң жавобгарлик чорасини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Андозалар аудит ўтказишга умумий ёндашувни, аудиторлик текшириш миқёсини, аудиторлар ҳисботлари кўринишларини методология масалаларини, шунингдек, аудит ўтказиладиган шароитлардан қатъий назар, бу қасб ҳамма вакиллари риоя қилишлари лозим бўлган асосий принципларни белгилайди. Ўз амалиётида андозага риоя қилмаган аудитор бунинг сабабини тушунтириб беришта тайёр бўлиши керак.

Стандартларнинг аҳамияти қўйидагилардан иборат, улар:

- аудиторлик текширишнинг юқори сифатини таъминлайди;
- аудиторлик амалиётига янги илмий ютуқларнинг жорий этилишига кўмаклашади;
- фойдаланувчиларга аудиторлик текшириш жараёнини тушунишга ёрдам беради,
- қасб ҳақида жамоат тасаввурини ҳосил қиласди,
- давлат томонидан амалга ошириладиган назоратни бартараф этади,
- аудиторга мижоз билан музокараларни олиб борища ёрдам беради,
- аудиторлик жараёнини айрим элементларининг алоқасини таъминлайди.

Ўзаро мишлий корпорацияларнинг ривожланиш интеграцияси ва аудиторлик фирмаларининг йирик ҳалқаро гуруҳларга айланиши билан аудитни ҳалқаро миқёсда унификациялаш зарурати туғилди. Аудит соҳасидаги муаммолар амалда бутун дунёда бир хилдир.

Шуның учун аудитнинг навбатдаги муаммосини ұал қилинаётган  
үәйтіл бүтінлекке мөмкін болады. Аудитор көзінде оның  
аудиторлық көзінде оның мөмкін болады.

Аудиторлардың, уларға аудитни ўтказиш пайтида амал қызметтің яратыш Ўзбекистон Республикасынан ҳам, унинг ўзига хос хисусиятларини ҳамда халқаро тажрибаны ҳисобга олған ҳояда зарур бўлиб қолмокда.

Професионал галабжарни халқаро даражада ишлаб чиқиши билди бир неча ташкилотлар, шу жумладан, 1977 йылда ташкил этилган. Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси шуғулланади.

Бұттаңкілод дөиразсаңда аудиторлық әндозалары билан доимий қызығылттық жүйелерде анықталған фасолият күрсатувиши Аудиторлық амалиеттер бүйінші халқаро жомитет шуғулланады. Бұл жомитеттегі аудиторлық аудит үтказылышынан кейін әндозалары иккінші мәдениеттегі хұзда тутады:

професионализм даражаси умумжаҳон даражасидан паст бўйтак мамлекатларда касбнинг ривожланишига кўмаклашиш ва тадқиқори маъқидати аудитора бўяланган ёндашувни иложи борича муроҷаотлантириши.

Мисимлек жаңарда (масалан, Австралия, Бразилия, Канада, Францияда) Халқаро аңдозалардан худди шундай ўз күнжатынан мәнлаб чиқып учун база сифатида фойдаланилади, ўз көзінде көрүп да үшіншілік мүшкеменікка қарор қылған мамлакаттарда да (США, Германия, Франция, Италия, Швейцария) Халқаро мисимлек жаңарда көбүр көрүнчиди мүмкін.

#### **ХІРУРГІЧТИК АНДОЗАЛАРИ**

андозалари таркибида ҳамроҳ хизматларни кўрсатиш бўйича (4.).

Ҳар бир андозанинг мазмуни асосий ва вазифасини кўриб чиқамиз,

### **1. Молия ҳисоботларини текширишининг мақсадлари ва ҳажми**

Андоза корхонанинг мустақил аудитор томонидан ўтказиладиган молия ҳисоботлари текширувининг умумий мақсадлари ва ҳажмини, шунингдек, бошқарувчilarнинг (раҳбариятнинг) молия ҳисоблари учун жавобгарлигини белгилайди.

### **2. Аудитни ўтказишга розилик ҳақидаги хат**

Аудитор томонидан мижозга юборилажак аудитни ўтказишга розилик ҳақидаги хат аудиторнинг қилинган тақлифга розилик берганлигининг ҳужжатли тасдиғи бўлиб хизмат қиласди, аудитор ўз устига қабул қилаётган иш ҳажми ва жавобгарлик чорасини, шунингдек, ҳисобот шаклини аниқлайди.

### **3. Аудитни ўтказишнинг асосий принциплари**

Андоза, аудитни ўтказиш пайтида аудитор амал қилиши лозим бўлган асосий принципларни санаб ўтади: виждонлилик, холислик ва пухта билимлилик, бошқа аудиторлар ишининг натижаларидан фойдаланиш,

ҳужжатлаштириш, режалаштириш, аудиторлик маълумотларини олиш, ҳисобга олиш ва ички назорат тизимини текшириш, қилинган хulosаларни текшириш ва хulosани тузиш.

Аудитни ўтказишнинг Халқаро андозалари ўзгарганида (такомиллашганида) бу асосий принциплар доимий бўлиб қолади.

### **4. Режалаштириш**

Андоза молия ҳисоботи аудитни бўлгани каби, ўзга молия ахборотини ҳам режалаштириш жараёнини кўриб чиқади, режалатириш жараёнининг ҳал қилувчи элементларини аниқлайди ва аудитни тайёрлаш пайтида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалаларни амалий мисолларидан иборатдир.

**5. Бошқа аудиторлар ишининг натижаларидан фойдаланиш**  
Андоза мустақил аудитор томонидан корхона ҳисоботига киритилган битта ёки бир қанча бўлинмалар, филиаллар, шульба корхоналар ёки уюшган компанияларнинг молия ҳисобига алоқаси бўлган бошқа мустақил аудиторнинг иши натижалари юзасидан аудиторлик хulosасини тайёрлаш учун фойдаланилган ҳолларда. Бошқа аудитор фаолияти натижаларидан фойдаланиш бўлган аудитор ҳисобга олиш керак бўлган аспектларнинг тавсифи келтирилади.

**6. Аудитни ўтказиш муносабати билан қўлланиладиган бухгалтерлик ҳисобчи ва ички назоратнинг тегишли воситалари тизимини ўрганиш ва баҳолаш**

Андозада ҳисобга олиш тизими, ички назорат, шунингдек, ёки назоратни ўрнатиш ва баҳолаш учун белгиланган аудиторлик процедураларини элементлари, вазифалари ва чеклари кўриб чиқилади.

## **7. Аудит сифатининг назорати**

Сифат назорати аудитор касбига бўлган юксак талабларни қабаб қолиш учун анча аҳамиятга эга.

Андоза алоҳида текширишнинг назорати ва аудиторлик фирмасида қабул қилинган назоратнинг умумий сифати ўртасидаги зарҳни ўтказади. Назоратнинг бу икки кўринишни ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжудлигини таи олиш сифатини умумий назорати алоҳида аудитлар устидан назоратни тўлдириши, бироқ унинг ўрхани босмаслигини назарда тутади. Стандартда аудиторлик фаолиятини асосий қондапарига мувофиқликни таъминлаш мақсадида алоҳида текширишларни ўтказиш учун аудиторнинг ўз функцияларини ёрдамчиларга бериш жараёни устидан назоратни келгизга ошириш масалаларига тўхтаб ўтилган, шунингдек, аудиторлик фирмасига унинг иши сифатини назорат қилиш юзасидан смалий тавсиялар берилган.

Андоза иловасида сифат назорати процедураларидан мисоллар келтирилган.

## **8. Аудит маълумотлари**

Аудит маълумотлари деганда молия ҳисоботи ҳақидаги аудиторлик хulosаси асосланадиган хulosаларни тайёрлаш пайтида у оладиган маълумотлар тушунилади.

Андоза аудит маълумотларининг табиати ва манбаларини, шунингдек, бу маълумотларнинг етарлилиги ва яроқли ҳамда улар олинган усувлар масалаларини ҳам кўриб чиқади.

## **9. Ҳужжатлар.**

Андозада иш билан боғлик ҳужжатларнинг намунали шакллар да мазмуни ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, аудитор томонидан тузиладиган ёки олинадиган иш ҳужжатларининг конкрет мисоллар келтирилган. Шунингдек, иш ҳужжатларининг мансублик ва сюзлаш масалалари ҳам кўриб чиқилади.

## **10. Ички аудитор ишининг натижаларидан фойдаланиш**

Ички аудит корхонадаги ички аудит элементидан иборат бўлиб, корхона доирасида маҳсус тайёрланган ходимлар томонидан шаклга оширилади. Ички аудиторнинг вазифаси- ички назоратнинг ишлаб чиқариш ва механизмларини қўллаш сифатини баҳолаш. Ички аудитор фаолияти натижаларининг катта қисми мустақил аудитор томонидан молия ахборотини таҳлил қилиш пайтида фойдаланиши мумкин.

Андозада мустақил аудитор томонидан ички аудитор ишини баҳолаш пайтида эътиборга олинишни лозим бўлган процедуралар келтирилган.

## **11. Алдаш ва хато**

Андоза "алдаш" ва "хато" тушунчаларини аниқлайди ва алдаш ва хатонинг олдини олиш учун корхона раҳбариятини жавобгар эканлигини ўрнатади. Аудитор аудитни алдаш ёки хато натижасида юзага келган моддий жиҳатдан аҳамиятли янглишлар (бузуб

ролатылардын аниқлашынг жуайын аныкчылана ҳисобга олған  
йилда режалаштириши лозим. Алдаш ёки хатодан гувохлик берувчи  
мәдениеттеги тұлумоттар олинган тақдирда аудиторнинг ҳатты-харакаттары  
клиф этилган.

Андоза иловасида алдаш ёки хато таваккалчылыгини  
кирадиган ҳолаттар ёки вазиятлардан мисоллар көлтирилген.

## **12. Таҳлилий текшириш**

Андозада таҳлилий текшириш процедуралерининг тавсифи ва  
шарниң вазифалари ҳамда үтказиш вақтига таалтуқлы тавсиялар  
шунингдек, аудитни бажарыш давомида бу процедуралерге қай  
шыражада сұяниш керак эканлиги юзасидан тавсиялар тақдим  
етилған. Шунингдек, аудитор томонидан ғайриоддий оғишлар  
тақдидаги фактларни ўрганиш масалалари күриб чиқылади.

## **13. Аудиторнинг молия ҳисоботлары бүйіча холосаси**

Стандарт корхона молиявий ҳисоботыннан мустақил текшируви  
материаллари бүйіча аудитор холосасиининг шакли ва мазмунига  
доир тавсияларни беради, әзітиrozсиз холосанынг жоиз аниқ таърифи  
на әзітиrozсиз холосадан фарқылы холоса қилиниши мүмкін бўлған  
ҳолатларни кўриб чиқади. Иловада аудиторнинг әзітиrozсиз, изоҳлар  
билин тузилған ва салбий холосалардан намуналар, шунингдек,  
холосани беришни рад этишдан мисол көлтирилған.

## **14. Текшириб чиқилған молиявий ҳисоботларни ўз ичига олган хужжатлардаги ўзга ахборот**

Стандарт "ўзга ахборот" тушунчасини аудиторнинг тегишли  
холосаси билан биргаликда корхонанинг текширилажак молиявий  
ҳисоботларини ўз ичига олган хужжатта киритилған молиявий каби,  
номолиявий ахборот сифатида аниқлаб беради. Одатда бундай  
хужжат корхона томонидан йилда бир марта чиқарилади ва кўп  
ҳолларда "йилик ҳисобот" деб юритилади. Қатор ҳолларда аудитор  
қонунига асосан ўзга ахборотдан хабар қилиб туришга бурчли,  
бошқа ҳолларда бундай бурч кўзда тутилмайди. Стандарт аудитор  
хабардор қилишга бурчли бўлмаган унинг ўзга ахборот таҳлилини,  
шунингдек, у ҳар қандай аҳамияттан номувофиқни ёхуд ўзга  
ахборотларнинг анча бузуб кўрсатилишини аниқлаган тақдирда,  
унинг қилған ҳаракатларини кўриб чиқади.

## **15. Аудитни маълумотларга электрон ишлов беришни қўллаш шароитларида үтказиш**

Стандартда маълумотларга электрон ишлов беришни қўллаш  
шароитларида аудитни үтказган тақдирда "аудитни үтказишнинг  
асосий принциплари" З-стандартга мувофиқ келиши лозим бўлған  
қўшимча процедуралердан фойдаланиш юзасидан тавсиялар  
берилған. Аудиторни тайёрлаш ва унинг малакасига бўлған  
талаблар, шунингдек, бу ишни ёрдамчиларига топшираётган ёки  
бошқа аудиторлар фаолияти натижаларидан фойдаланған пайтда у  
риоя қилиши зарур бўлған шартлар көлтирилған.

## **16. Аудитнинг компьютер усуллари**

Стандарт аудитнинг компьютер услубларидаи фойдаланиш, айниқса дастурли (программа) таъминлаш ва текширишга оид маълумотларга нисбатан фойдаланиш бўйича тавсияларни ўз ичига олади. Аудитнинг компьютер услубларидан фойдаланишининг жоиз ҳоллари ва асосий босқичлари, уларни қўллаш ҳақидаги масалани ҳал қилишда ҳисобга олиш керак бўлган омиллар, шунингдек, аудитнинг компьютер услубларидан кичик корхонлар шароитларида фойдаланиш кўриб чиқилган.

## **17. Манфаатдор томонлар**

Стандарт аудитни ўтказиш учун зарур ва етарли бўлган манфаатдор томонларнинг мавжудлигига ва улар билан ўтказилажак операцияларга нисбатан маълумотларни олиш процедуранари келтирилган. Стандарт "Манфаатдор томон ҳақидаги ахборотни фош этиш" 24 - Халқаро бухгалтер стандартида баён этилган ахборотнинг фош этилишини аниқлаш ва унга бўлган талабдан келиб чиқади ва аудиторга корхона раҳбарияти томонидан манфаатдор томонлар билан алоқа ва ўзаро операциялар ҳақидаги ёлғон ахборотнинг тақдим қилиниш фактини ўрнатишга ёрдам берадиган тавсияларни ўз ичига олади.

## **18. Эксперт ишидан фойдаланиш**

Стандарт мижоз ёки аудитор томонидан эксперт (мутахассис хизматларидаи фойдаланиш ҳолларига тааллуқли тавсияларни келтиради. Бу каби вазиятлардан мисоллар, шунингдек, экспертнинг малакаси, билим даражаси ва холислигига оид тавсиялар келтирилган. Стандарт аудитор эксперт билан алоқаларни ўрнатиш ва қўллаш пайтида ҳисобга олиш лозим бўлган ҳолларни аниқлайди ва эксперт фаолиятини баҳолашга тааллуқли конкрет таклифларни таклиф этади.

## **19. Аудиторлик танлаш**

Стандартда аудиторлик танлашни тузиш ва танлаб олиш жараёнида ва аудит процедуралари натижаларини баҳолашда аудитор ҳисобига олиш лозим бўлган омиллар санаб ўтилган. Стандарт танлашнинг ҳам статистик, ҳам ностатистик услубларига тааллуқли бўлиб, танлаш таваккалчилиги, сертификация, хатоларни танлаб олиш ва истиқболини белгилаш услублари каби масалалар бўйича асосий амалий тавсияларни таклиф этади.

## **20. Маълумотларга электрон ишлов беришдан фойдаланишининг тегишли ҳисоб (учет) тузилишини ҳамда ички назоратнинг тегишли воситаларини ўрганиш ва баҳолашга таъсири**

Стандарт маълумотларга электрон ишлов беришни қўллаш шароитида ички назорат ҳисоби тизими ва механизmlарини ўрганиш ва баҳолашга бағишлиланган ва 6- "Аудитни ўтказиш муносабати билан қўлланилажак бухалтерлик ҳисоби тизими ва ички назоратнинг тегишли воситаларини ўрганиш ва баҳолаш ва

15- "Аудитни маълумотларга электрон ишлов бериш қўлланиладиган шароитларида ўтказиш стандартларида баён этилган тавсияларга қўшимча бўлиб хизмат қиласи.

Стандарт маълумотларга электронга ишлов беришни қўлланашароитларида умумий характеристикаларни, шу жумладан, ҳисоб на ички назорат тизимининг тузилиши ва структурасига ишлов бериш хусусиятига, қурилиш ва процедура аспектларида тъсири туви омилларни ўз ичига олади, шунингдек, маълумотларга электрон ишлов бериш (МЭИ) нинг бухгалтерлик амалиётида қўллашнинг конкрет механизмлари ўртасида айришни ўтказади ва улар ўртасидаги ўзаро алоқани тушунтиради. Стандартда, шунингдек, МЭИни қўллаш шароитларида ишловчи аудиторга текширувни ва дастлабки баҳолашни ўтказиш билан, мосликини текшириш ва ҳисоб ҳамда ички назоратнинг тегишли воситалари тизимини якунловчи баҳолашни ўтказиш билан боғлиқ процедураларга оид тавсиялар келтирилган.

Текширилажак корхона раҳбариятини МЭИни қўллаган ҳолда ички назоратнинг бўш томонларидан ва маълумотларнинг ҳимоя қилинганилик даражасига уларга ишлов беришининг тўхтовсизлигига салбий тъсири кўрсатувчи камчиликлардан хабардор қилиш ирурати ҳақида эслатиб ўтилади.

20- "МЭИдан фойдаланишнинг ҳисоб ва ички назоратнинг тегишли воситаларини ўрганиш ва баҳолашга тъсири" га қўшимча қилиб МЭИни қўллаш шароитларида аудитни ўтказиш ҳақидағи шизом - автономни компьютерлар ишлаб чиқилган.

Бу Низом аудитор учун аҳамиятли бўлган молиявий ахборотга ишлов беришда компьютердан фойдаланиладиган корхонада аудитни ўтказиш пайтида 20-стандарт амалий қўллашда аудиторга қўмак бериш учун белгиланган.

21. Аудитор хulosаси вақтини кўрсатиш. Баланс имзолангандан кейинги воқеалар. Молиявий ҳисоботлар эълон қилингандан кейин фактларни аниқлаш.

Стандартда молиявий ҳисоботлар эълон қилингандан сўнг у ёки бу фактлар аниқланган тақдирда, баланс имзолангандан кундан кейин содир бўлган кейинги аҳамиятли воқеаларга нисбатан аудиторнинг ҳисбулияти ва аудитор хulosасининг вақтини кўрсатиш юзасидан тавсиялар келтирилган.

Стандарт кейинги воқеалар аниқлаш учун аудитор кўриши позим бўлган чораларни, аудиторнинг, аудитор хulosасидан кейин, тироқ молиявий ҳисоботларнинг эълон қилинишигача содир бўлган воқеаларга муносабати бўйича шунингдек, молиявий ҳисоботларнинг эълон қилинганидан сўнг у ёки бу фактлар аниқланган тақдирда унинг ҳаракатлари санаб ўтилган. Иловада аудиторнинг қайта кўриб чиқилган молиявий ҳисоботлар бўйича хulosасидан мисол келтирилган.

## **22. Раҳбариятнинг изоҳлари**

Стандарт раҳбариятнинг изоҳларидан аудит маълумотлари ва процедураларни баҳолаш ва хужжатлаштириш учун қўлланиладиган процедуралар, шунингдек, раҳбариятдан ёзма изоҳлар олиш лозим бўлган ҳолатлар сифатида фойдаланиш юзасидан тавсияларни ўз ичига олади. Шу нарса кўрсатиб ўтилганки, изоҳлар молия ҳисботларининг моддий жиҳатдан аҳамиятли аспектларига тааллуқли бўлган тақдирда, аудитор тасдиқловчи маълумотларига ҳам қидириб топниши, изоҳларникг асосланганлиги ва аудитнинг бошқа маълумотларига ҳамда ўзга изоҳларга мувофиқлиги борасидаги изоҳларни баҳолаши ва улар муаллифи хабардорлигининг жоиз даражасини аниқлаши керак. Стандарт раҳбариятдан ёзма изоҳларни олиш шартларини ва раҳбарият зътиборга молик масалалар бўйича маълумотларни бериш ёки тасдиқлашни рад этган тақдирда аудиторнинг ҳаракатларини қараб чиқади.

## **23. Амал қилувчи корхоналар**

демак тарбиятнинг турлари ва ҳамми (филиаллар) ўртасида  
хуусусаний айнубошлаш, қарзлар ва молиявий ёрдам энг  
харидорлар ва таъмияловчилар билан операциялар  
чек, ўзаро харидорликни аниқлаш.

Диган ахборот асосида аудитор маслаҳатлар бериш учун  
мутахассислар (хуқуқшунослар, солиқлар, технология  
ва мутахассислар, ва бошқалар) ни жалб қилиш зарурати  
нижайтишни даи этиши лозим.

Корхона филиалларнинг шарҳи қўйидагиларни назарда тутиши  
нижайтишни:

1) мижознинг тадбиркорлик фаолиятини, катта бошқарув  
чмлари харакатлари сабабларини ёлғон ахборотнинг тақдим  
иниши таваккалчигини баҳолаш учун чуқур тушуниш,

2) гайриоддий ва кутилмаган сальдони ажратиш мақсадида  
корхона жорий молиявий аҳволини баҳолаш учун дастлабки  
нижайтишни шарҳлар,

3) ҳисоб сиёсати хусусиятларини тушуниш,

4) моддийликни ва аҳамиятлиликни баҳолаш.

Аудитор мижознинг тадбиркорлик фаолиятига таъсир этадиган  
чиқи ва ички омилларни аниқлаши зарур.

Ташки омилларга макроиқтисодий ва соҳавий омиллар киради.  
Макроиқтисодий омиллар:

азосий фаолияти (пасайиши, ўсиш)

халқаро савдо, тариф тўсиқлари,

солиқ ундиришдаги ўзгаришлар,

валюталар курсларининг ўзгарувчанлик,

чет зл бозорларига тобелик,

фоизли ставкаларнинг компания барқарорлигига таъсири,

истеъмолчи ликвидлилигига таъсири этувчи иқтисодий омиллар,

қимматбаҳо қофозлар индексларининг ўзгариши ёки мулк  
корининг ривожланиши.

деконтрализациянган онералларидан марказий аппарат  
омонидан козорат қулиниши даражаси;  
ишлаб чиқарни танирди омилларидан;  
етказиб берувчилардан қарз олигининг мақбулиги;  
етказиб берувчилорга тобелик ва жой ҳозир, хизматларнинг  
жакбулигиги;  
ишлаб чиқарни қуввати;  
ишлаб чиқарни аттиға техник мұзыммалари;  
ишлаб чиқарни қисмининг (даврининг) дарем этии муддати ва  
шагаруучалигы өз бенди.

Молия:

түл мағлелең әм сұмындарнинг өмірлікти;

сармоюшты сабекта ва процедуралари;

фойдала азарты;

асосий базис - операциялари;

лигиилар, белгиларның;

кароқатын әм бөшік түловлар;

бөшкә нағызурылар.

Маркетинг:

асосий әрәйлорлар әм бозорлар;

алохидда киранорларга, лойнұха еки операцияларга таяниши;

харидорлар; инниг молияний ақвоти;

энг мұхит рәқиблар ва міжознинг бозордаги ақвоти;

бозорниң шаржерлерлери әм мавсумий тенденциялар;

маҳсулотникінде бүзеше;

имтиёзлар, лицензиялар әка тасвиirlарга тобелик;

потенциал әмқанніятаари шубҳали бүлсан маҳсулотнинг янги  
турлары;

харидорларға нисбатан афзал жүрінешлар;

асосий маҳсулотий молиялаштириш соңасидаги сиесат;

нарх-навоннинг белгиләнеші әм сийловлар (камайтириш);

реклама ва уннинг самаралорлиғи;

әмоналашишнинг тенденциялари;

маркетнинг натижаларининг даражаси;

савдо-сотиқни күпайтириш учун құшымча таваккалчилик.

Ходимлар:

асосий ходимларнинг малакаси, тажрибаси әм комплектлиги;

хизматчиларни олиш әм юқори мансабға күтариш сиесати;

хизматчиларнинг меңнат ҳақи әм мукофотлари, фойданы  
тәксимлаш;

ходимларға нисбатан бошқарувнинг режалари;

кадрларнинг құнимсизлігі.

Ишни бошлашдан аввал аудитор міжознинг ҳуқуқий  
ұжжатлари: низоми, қайд қилиш ұжжатлари, директорлар  
Кенгашы йиғилишлари әм ҳиссадорлар мажlisларининг баёнлари  
білән танишиши лозим, негаки улар одатда олинган фойданынг

тәжсимишни, динидеги мәрнүнг өзөктөлеккүнін, музд ұқыннанғ тұлғанын, контрактта битимларесен тузылашы, бояңы табиғи ларда интигрок этип, мұнкин сөзіб олиш, узоқ муддаттың қарзларын беріш, тәмминалы ва кағымлықтар беріш, ишле ұхуқығында зға шахслар деңгәсін анықташ ұқыннанға қарорларни үз ичине олади.

Бундан таңқары, міжозникт ұхуқын мажбуриятларини анықлаш үчүн, контракттар, шартномалар ва битимларни күриб чиқып мұдым аҳамнат қасб этади.

#### **5.4. Аудигда моддийлік (аҳамиятлық) бағолаш**

Аудитда моддийлік (аҳамиятлық) дегендеги ұғынбоғда алоқына модда екі монияның күрсатқышынан шұншысадек, умуман молияның нағижаларыннан жоғы бүзилиб күрсатылғаннанғ йүл қўйиладыган сарқад даражасы біннан өзінен қылышқа молияның қисобетпорда күрсатылған за аҳамиятке деб қаралыши мүмкін бўлган, яъни фойдаланувчиларни идареттари тайдига янгиш сумманинг максимал йўл қўйиладисан миқдори тушунади. Моддийлікни бағолаш аудиторниң тажрибасы ва малакасига боғлиқ үчүннег үз томонидан ҳар бир міжоз үчүн умниғи фаолияти ҳақми үзүв, спецификасини олган ҳодда анықланади.

Моддийлікни бағолаш үчүн аудитор алборотнинг жоиз фойдаланувчилари ва уннан асосида қабул қылышынан мүмкін бўлған жоғы қарорлар ұқында, қисобетчиң потурғириги ва бу қарорларни қабул қылышыннан нисбатини анықланып үчүн тасаввурга эта бўлғиши керак. Аудиторнинг моддийлік даражаси тўгрисидаги мұқоғазаси стиранча субъектис бўлиб, ундан онча профессионализм, міжоз тажрибаси, міжоз фаолияти спецификасини, шунингдек, тўгрисидаги за хизметий мұхит қуосылтиарине балишини талаб қиласди.

Моддийлік ва таважхиялар тушунчаларидар аудит методологиясын асоси да режакшитирине қуроли сифатида фойдаланылади.

Аудитор төхтаврур болаша хато (янгилш)нинг қандай умумий суммасини мөддий деб қисобланы мүмкіндигини ҳал этиши керак. Моддийлікнинг жоғы даражаси ұқыннанға бўнай дастлабин сюлҳаза аудиторга зарурий исбетшарни гўштам жарёланып ташкил этиши имконини беради. Бунда аудиторнинг исботлар соли ҳатонини бўйтпланган даражасига тескари пропорциональ деган эҳтимол ётиборга олинади.

Қатор оңайласа мінъуд бўлиб, унда с. мөддийлікнинг явволидан бештапчалықи қарожаси боғлиқ, ахлат, сохбет үчнамы, солиқ соғынгулага қанар тобға фойда никорора, жорий актнернан қиймати, актнеларниң жорий мағбуздатылариннанғ умумий қийматы, канинг инфорора каби омсалар. Моддийлікнинг даражаси бу күрсаткичлардан ҳар бирин үчүн бештапчалықи. Нарок, әммә жолдар ва ҳолаттарни сон жиғатдан бағолаб бўлдикермайды - масадан, міжознинг

жоннан иштап турни очишни хосланаслиги, у ёки бу модда  
оған төкшириш имконининг чекланганинги, операцияларниң ио-  
ненүү төрөлүк характери, контракт шартларыннан бузулушни. Бундан та-  
на көбөйчүлүк даражасига балык башка омиллар ҳам таъсир  
етилди. Масиван, тасодифий хатолар үчүн молдайлик даражаси,  
биздин атайлаб бузуб күрсатыла (негиздеңде фойдаланувчилар  
биздин разбарияттаниң ҳаволлиги ва ишончлиги факти ғойт мұхимdir)  
контрактлар бўйича мажбурлантни бузни бўлди боғлиқ хатолар-  
ни (яъвзи бу бузилинг оқибатларит молиявий ҳисоботи аяча тиль-  
мунчи мумкин) қараганда юқори проқ белгиламсан мумкин.  
Молдайликни баҳолашга аудитор иккита жонсай сидашууда  
жонади.

Индуктив ёндашув - ҳисабетник алоҳида молдалари  
тозағигиниң, кейин эси умумин оғаннан молдайлигин анықлаш.  
Аудитор, фойдаланувчиларда киттә дисциплин үйғотадигэн ва  
тозағиги молиявий адвокат ва тозағиги имкониятларни  
жонайдиган молиявий ҳисобот күрсаткеслари 10000 сўмник  
тозидан жоиз хато белгиланади. Бунда 10000 сўмник хато  
тозорик қарз үчун фойда алоҳасиги бўлиши мумкин.

2. Делуктив ёндошу - жонт ишосиниң умумий миқдорини  
тозидан за уни кейинчалик ҳисобот молдалари ўртасида  
тозимлаш. Бу тозимлаш шартни хусусиятга эга, бироқ аудиторга  
тозимларни ишожи борича камайтириш үчун турли ҳисобларга  
бўлган қандай маълумотларни ва қандай ҳажмда тўплашга  
тозеклиги ҳақида қавор қабул қилингэ ёрдам берниш мумкин.  
Умумий жоиз хато алоҳида ҳисоб тозакмлари бўйича хатолар  
тозисдан оғизи бўлмаслиги лозим, ако ҳолда аудитор ёки учинг  
тозами ҳақидаги дастлабки фикрини ўзгартириши ёки бўлмаса  
кунг хусусий хатоларни тузишмаларни ўзгартириш мақсадида  
тозимча давомиди. Чоъни ёки шартни ижебий ёки салбий хуносани  
тозим этиши тарур.

### 3.5. Аудиторлик таваккалчилигини баҳолаш

Аудиторлик таваккалчилиги - мижоз ҳисоб тизимининг  
тозимчилиги таваккалчиленини, мижоз ички назорат тизими  
тозеклигини, мижоз хатоларини аудиторлар томонидан  
тозимлашасликни баҳолашта асосланадиган аудиторлик  
тозиригининг самарасизлиги таваккалчилигини баҳолаш.

Аудиторлик таваккалчилигини баҳолашниң иккি асосий услуби  
жонади:

- 1) баҳолаш (индуktiv)
- 2) миқдорий

Баҳолаш (индуktiv) услуби (ҳозирги вақтда аудиторлик  
тозакмалари томонидан кенг равишда қўлланилади) шундан  
боратки, аудиторлар ўз тажрибаларидан ва мижознинг билишдан  
келиб чиқиб умуман ҳисобот ёки операцияларниң алоҳида

СУДОВЫЕ ДОКУМЕНТЫ ПОЛНОСТЬЮ ПРЕДСТАВЛЯЮТ СОСТОЯНИЕ ВЪЕМОВЪ  
ПО КОМПЕТЕНЦИИ СЪДА. ОБѢ СЪДОВЫЕ ДОКУМЕНТЫ БЫЛИ ПРЕДСТАВЛЕНЫ  
СЪДОМЪ ВЪ СЪДЪ ВЪ СЪДѢСТВІИ СЪДІИ АРГІНІЧІ

**М**ногие из нас, увы, не знают, что такое — языковые  
междометия, и это неудивительно, так как в русском языке их очень мало.

#### *Wetland Management*

Сюда же входит и введение в книгу, а также отрывок из письма Марии Кольцовой к Елене Глинке, в котором она просит Глинку помочь ей в написании мемуаров.

32. 1974-10-10. 100% of the plants were infected with *Botryosphaeria* and *Phoma*. The *Botryosphaeria* was more abundant than *Phoma*. The *Botryosphaeria* was also more abundant than *Aspergillus* and *Cercosporella*.

Су мөнгүн төрөлдэг бий болгоо чадацай, түүхэндээ бий болгоо чадацай, түүхэндээ түркийн төрөлдэг бий болгоо чадацай, түүхэндээ түркийн төрөлдэг бий болгоо чадацай.

Бүндан таңыру, жадсұйык тәзаккалчылғының үлчами күйнелгілерге барып.



Соғ тазаккалыштык үлчамын анықтауда үзбөб әсерде ойнана  
иғодаланған сұммага, шунаныңдең, тапшы (веборка) мәдениеттегі  
түгри пропорционал бўйиб, тапшы элементлар күсусигине  
боглиқ.

Режалаштирошиниң үзбөб босқиччи құйыдағы босқынчырдан  
иборат: дастлабки аудит пайтида зиг мұхит өзиншілар -  
рахбарлығыннан ҳалоллиғи ва бухгалтерлік бзулдарданғы зерткеват  
тізіми мавжудлігідан келиб қызығы аудиторға тәжірибелік мұмкіншіліктерге  
баҳолаш мүмкін бўлмаса, у аудитор уни рад қылади. Агарда  
аудитор текшируя үтказилиши мүмкін деб ҳисобласа, унда  
операцияның ҳар бир турага нисбеттікін назорат тизимин  
(ИНГ)нинг самарасынлиги таваккалчылығы үчіншік бағында ва  
ИНГ мақсадларини анықтап нағобектен босқонч бўлиб қойып  
бунинг үчүн дастлаб раҳбариятқиң аделесиғи ИНГ-ни ўйнаштырып  
заруратын мүносабаты ғафоялады, аларда раҳбарияттың мөншіліктерін  
тегишилиз аҳамият бермаса, назорат тәртибде салынуға китта  
үлчами үрнасылады, мәбүдде тақисажынан тәртибделген ИНГ  
мавжудліги мұхымнін анықталып, аудитор ИНГ мақсадларын  
эрнешіш ва назорат процедурасының қарорларын салынған көрсеткіштегі  
элементлардың ҳисоб тизимине бирилдириледі. Ошардан аудитор бундан  
батағсиял баҳолашын үткәльсөнде хам түркелди. Иштеги баязи  
ҳолларда айниқса кичік корас жаһарди аудитор меншіктерінің ҳисобет  
моддаларини көнг күламда түркемелди. Бирок бул салынғы  
сабабли, аудиторлар таваккалчылығыннан тақисажынан қарорларының  
максимал аҳамият белгилайди.

Ҳар ҳолда аудитор баҳосы, у бағынчада босқынчылық өзиншілдер  
га асосланған бўлиши керак ва назорат тәсжебе салынғанда үлчами  
фақат қўшимча маълумотлар түтшантан сары-жакшайтаригини  
мүмкін. Агарда аудитор таваккалчылықнинг ҳақиқий үлчами да-  
стлабки баҳодан паст бўлиши мүмкін деб ҳисобласа, у назорат про-  
цедураларини қўшимча текшириш ҳақида қарор қабул қылади. На-  
тижада аудитор ўз ҳаракатларини келажакка режалаштириш учун  
ИНГ самарасынлиги таваккалчылығининг қайси даражасидан: мав-  
жуд маълумотларга асосланған максимал юқори ёки ИНГ текши-  
руви ва бозанс операциялари ҳамда тағсилотлар (деталлар) тес-  
гларини ўтказиш қиймати (нархи)ни ҳисобга олган қиёфаси ҳолда  
янада паст даражадан фойдаланадими - шуларни ҳал қилишини ке-  
рак. Агарда аудитор ишкінчи вариантини таңласа, унда у назорат  
таваккалчылығи аҳамиятини тасдиқлаш мақсадида назорат процеду-  
ралари самарадорларын қўшимча равишда пастдан ўтказиш лозим  
бўлади.

Аудиторлар таваккалчылығини ҳисоб-китоб қызинш жархайинин  
сүнгги босқиччи процедура таваккалчылығини үлчамини үрнатиши.  
Назорат таваккалчылығининг ИНГ-нинг ҳар бир тури үчүн қиймати  
аниқланғандан кейин аудитор ИНГ мақсадлари ва аудиторлар тек-  
шируя мақсадлари ўртасида алоқа үрнатиб, бунда аудиторлар тек-

- Өмнөт тиізу, ол тарының жағдайларынан  
ақындардың аяқташыруға сәйкес (ИСТ)нинг мақсадлары-  
шының жерей дүйнеге интеграции төртібігі солиш ва самаралы-  
шының, рахбирияттің мемлекеттік сиёсати талабларини  
шының, коюхома активдеринің сәжіл қолиш ва ҳужжаттар ҳамда  
оның мүнделігінен анықтартылған мәкбұз даражасини таъминлаш.  
Демек назорат тиізимді самарадорлығын анықлаш пайтида  
оның ресурспар ежелгінен касб этилді;
- соғуона ахбороттың шыншылтырылғанда иштирок этувчи  
жакар деңгээсінен үлдеуден көрсетілгенде оның үшін масъулият  
шының мавжудлігі;
- соғуар үргастың шыларни оның борыш ва ахбороттың  
шыншылтырылған бүйінша йүлга қойыншын үзаро мунисабатларынға  
түсінгенде;
- соғуар тиізимдік техник воситаларининг нақдлігі;  
жасаудың технологиясыннаның нақдлігі;  
жакар қызметчілердің параметрлері.

ИСТ құйындағы элементлардан изборат бўлиши мумкин:

- изборат соҳаси, ҳисобот тизими, ичкі ҳисоб назорат тизими;
- изборат соҳасининг ҳал қилувчи элементлари бўлиб  
идарийлар ҳисобланади:
- тилжимий структура самарадорлығи;
- таҳбарияттің роли;
- ижтимаудит роли;
- жека ва бюджетларининг асосланғандағы  
зертбариёт ахбороттың үринлилігі ва ишончлilikti;
- бизнес устидан назорат қилиш учун адекват (мос) сиёсат ва  
адалтурадарларининг мавжудлігі;



在這場戰役中，英國軍隊擊敗了法國軍隊，並佔領了多處要地，包括布雷斯特、南特和聖馬洛。

“我真想和你一起生活，但你不能和我一起生活。我不能和你一起生活，但我想和你一起生活。”

ПОДПИСЬ ПРИЧАСТИЯ К СОГЛАШЕНИЮ О ПРОДАЖЕ НЕДВИЖИМОСТИ

وَالْمُؤْمِنُونَ الْمُؤْمِنَاتُ وَالْمُؤْمِنُونَ الْمُؤْمِنَاتُ

1945年1月1日，新嘉坡華人政府總理林國芳在新嘉坡召開記者會，宣佈新嘉坡華人政府成立，並稱之為「新嘉坡華人政府」。

這就是我們在《詩經》中所說的「子雲」。這就是我們在《詩經》中所說的「子雲」。

الآن، في ظلّ الظروف الصعبة التي يعيشها العالم العربي، لا بدّ من توحيد المواقف والجهود لإنجاح المهمة.

此段文字是《通鑑》卷之三十一，記載了漢高祖劉邦在長安被封為漢王之後，派張良、韓信、樊噲等謀士策劃，採取了“明修宮室，暗裏發兵”的策略，成功地擊敗了項羽，佔領了關中。這段文字說明了在戰爭中，謀略的重要性。

3) *Argyropepla leucophaea*, Druce, 1884, is a sulphur. Its wings are orange-yellow with black, yellowish-green veins, and the hindwings have a large black patch near the apex.

#### Итоги Соревнований

АЛЬБУМЫ ОДНОГО АВТОРСКОГО КОЛЛЕКТИВА

REVIEWING AS THE SUPPORTIVE FUNCTION

КОРКОВАЯ ПЛАНКА ИЗГОТОВЛЕНА ИЗ ДОЛГОВЕЧНОГО МАТЕРИАЛА

Ініціатором створення Уряду є відповідальні за політику та економіку в Україні.

АИТ мөн үзүүлэх дүрслээгээс эхийн түүхийг зориуулж, түүхийн  
зэрэглэлийн түүхийг зориуулж,

Аудитори, биржелес иззбандо, БЖГ дас слобки иккю мақсади  
и широкожа таражиним көзбағынан, берилған мақсадтарда зерттегі  
жекасынан сипаттауда аудиторда иккя функцияның уңдағ аудиту  
тәрдемелесиң күктам көзарылған ишомчылығы за неболталғандағы  
жүништа иккөн береди.

Шу муносабат білдік аудитор дүйнедағы көмекшілік жағдайда ИНТ тәсілдерінде үткеседі.

операциярикің мәжүуданғын, өзүларда олар тұтынбалай, краңқалар жақиқатта іоз берган;

руксат (санкция) берилганинги көмүр (операцияларни) үзүүлүштүрүү.

рухсат шунга ваколат берилган шахсга берилган);  
баҳоларни (операциялар тўғри баҳоланган);  
тасиғларни (операциялар тўғри тасиғланган);  
даврларга бўлишининг тўғрилигини (про операциялар, улар  
ҳақиқатда ўтказилган даври кўрсатилган);  
кўчириш ва санаб чиқишнинг тўғрилигини (операцияларга  
нисбатан таҳлилий ҳисоб дафтарларида тўғри ўтказиш  
(проводка)лар қилинган, якуний сумма тўғри санаб чиқилган).

Бундан ташқари, аудитор ИНТ структурасини тақиқид этувчи  
тушунчалар:

ушбу корхонада раҳбарлик қилишиниг усолуби;  
бошқарманинг ташкилий структураси;  
хизматлар ҳукуқ ва бурчларини баён қилиш услублари ва улар  
кимларга аталсан бўлса, унга тоғодилганлиги (йўриқнома, юрмиш-  
тириш қойдалари мажмуси ва ҳ.к.);  
раҳбарият томонидан фойдаланилажек разорат услублари шу  
жумладан, ички режа-иашларни тизими:  
ички қўшилт функциялари;  
қадрлар сийосати билан танишиб чиқиши зарур

ИНТни кўриб чиқинга мурожаат қила туриб, аудитор биринчи  
навбатда назоратнинг аҳовси ви унга корхона раҳбарияти ҳамда  
ходимларининг муносабати, шунингдек, ишчи чиқилган  
йўриқномалар, раҳбарликлар ва сийосатнинг ҳақиқий қўйичиликни  
даражаси ҳақида оидийдан фикр ҳосни қўйдирни лозим.

Бундан ташқари аудитор яқорида чиқр этилган ИНТнинг ҳамма  
6 та таркибий қисмини тадқиқ қилиди.

ИНТни кўриб чиқиш пайтида корхона ўлчами (катталиги) энг  
муҳим аҳамиятга эга. Айтидан, кичик корхонада бурчларни бўлиш  
принципига риоя қилиш катта қийинчиликни яслаб этиди ва китаста  
ички аудиторни киритиш мақсади мувофиқ эмас.

Шунинг учун кичик корхоналарда ИНТ самарисизлиги  
таваккалчилигининг анча юқори даражаси кузатилиши мумкин.  
Лекин, кичик корхонада ҳам бурч ва ҳуқуқлари аниқ бўлинган  
омилкор, ҳалол хизматчилар, рухсатномаларни бериш,  
операцияларни ижро этиши ва ёзишининг ишлаб чиқилган  
процедуралари, адекват хужжатлар ва активлар ва ёзувларнинг  
жисмоний бутлигини таъминлантиш (чекланган миқёсда) ҳамда ижро  
назоратига эга бўлиш ғоят муҳимдир. Йирик корхоналарни  
текшириш пайтида ИНТнинг барча таркибий қисмларини ўрганиш  
мажбурий ҳисобланади, негаки операцияларни тестдан ўтказиш  
имконияти уларнинг катта ҳажми билан чекланган, назорат тизими  
эса етарли даражада ривожланган бўлиб, бу назорат  
таваккалчилиги ўлчами (катталиги) ни кучайтиришга ва шу тариқа,  
аудит чиқимларини пасайтиришга имкон беради.

Мижознинг ИНТ билан танишиш жараёнида, аудитор ИНТ

аҳволи учун жавобгар бўлган менеджерга ёзма ёки оғзиқи равишда билдириш шаклида (ёзма билдириш афзалроқдир, негаки аудит сифатининг исботи бўлиб хизмат қилиши мумкин) тақдим этиш учун ички назорат тизими камчиликлари ҳақидаги ахборотни тўплаб боради. Бундан ташқари, раҳбариятга йўлланган хатда ИНТ ва умуман компаниянинг ишини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар тизими тавсия қилиниши мумкин.

Ички назорат тизимини баҳолаш аудиторлик фирмаларида аудиторларга олдиндан бериладиган ҳал қилувчи контрол саволларга асосланган бўлади, аудитор уларга мижознинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ равишда тузатишлар киритиш ва бу саволларга жавобларга қараб ИНТга баҳо бериши мумкин.

Соҳа	Ҳал қилувчи контроль савол
Сотувчи, қарздорлар ва пул кирилари	<p>Счет-фактурани ёзмай туриб корхонадан молни юклаб жўнатиш ёки бериш мумкинми?</p> <p>Тўламасликнинг катта таваккалчилиги борлигига молни жўнатиб юбориши мумкинми?</p> <p>Счет-фактураларни ёзишда хатолар бўлиши мумкинми?</p> <p>Сотув фактураларини, бироқ ҳисобларда қайд этилмай қолган ҳоллар бўлиши мумкинми?</p> <p>Қарздорнинг кредитига нотўғри ёзувлар китилиши мумкинми?</p> <p>Пул маблағларини банкка топширмай туриб, уларни олиш мумкинми?</p> <p>Сотувлар ҳажмини бўрттириб кўрсатиш мумкинми?</p>
Ҳарид, кредитлар ва тўловлар	<p>Санкцияланмаган ёки олинмаган моллар учун қарздор ликнинг юзага келиши мумкинми?</p> <p>Қарзлар нотўғри ҳисоблаб ёзилиши мумкинми?</p> <p>Қарздорлик, унинг қайд қилинишисиз ҳосил бўлиши мумкинми?</p> <p>Қарздорликнинг бузуб кўрсатилиши мумкинми?</p> <p>Етарли асоссиз, тўловларнинг бажарилиши мумкинми?</p> <p>Кредитлар ҳисоб рақамларининг нотўғри дебетланиши мумкинми?</p> <p>Етарли ваколатларсиз ёки ҳужжатларсиз</p>

асосий маблағларниң орттирилиши ёки уларниң реализация қилиниши мүмкінми? Нақд пулниң иоқонуний ўзлаштирилиши мүмкінми?

Ишчи ва хизматчиларниң иш ҳақи  
ва пул кириллари

Бажарылмаган иш учун хизматчиларга ҳақ тұланиши мүмкінми?

Мукофотлар ёки комиссия ҳақининг нотұғри тұланиши мүмкінми?

Иш ҳақини олаёттанды милиций суғурта ва бөшқа чегирмалар пайтида солиқларни тұлаш ҳақидаги ёзув нотұғри бўлиши мүмкінми? Бирон-бир усуслар ёрдамида тўлов ведомостларининг ошириб юборилиши мүмкінми? Тўлов ведомостларида хатоларниң бөшқа ҳолиари бўлиши мүмкінми?

Захиралар ва тугалланмаган ишлаб  
чиқариш

Захиралардан маҳрум бўлиши ёки талон-тарож қилиниши мүмкінми?

Тұғри ҳужжатларсиз захираларниң сарф қилиниши ёки камомад бўлиши мүмкінми? Тугалланмаган ишлаб чиқаришининг бузиб кўрсатилиши мүмкінми?

Тизим чиқимлар назорат қилиши учун етарли бўлмаган улар ҳақидаги ахборотни берадими?

Бөшқа иш ва ҳисоб-  
га олиш

Журналда нотұғри ёзувларниң бўлиши мүмкінми?

Ёрдамчи дафтарларда хатоларниң бўлиши мүмкінми?

Бухгалтерлик дафтарида ўтказиш ёки кўшув бобида хатоларниң бўлиши мүмкінми?

Бошқарув ва ҳисоб билан боғлиқ функциялар устидан назорат қилиш пайтида умумий ишончилик кузатиладими?

Ички назоратга жиёдий таъсир қилувчи процедуралярниң вақти-вақти билан адашшиллар кузатиладими?

Аудиторлик нұқтаи назаридан ИНТ самарадорлигини баҳолаш иқтисодий субъект назоратининг кучли ва бўш томонларини баҳолашдан иборат. Ички назорат тизими агар у биринчидан, ишончсиз ахборотнинг юзага келиши ҳақида самарали равища огоҳлантиrsa, иккинчидан эса, ишончсиз ахборот юзага келгандан сўнг чекланган вақт доирасида ишончсизликни самарали равища аниқланса, самарали деб ҳисобланиши мүмкін.

ИНТ самарадорлигини аудиторлик баҳолаш аудит миқёснини баҳолаш ва режалаштириш учун керак. Агарда аудитор ИНТ

жонарни деб баҳоланса, унда текширув ҳажмини камайтириш, ғана ҳолларда эса уни умуман ўтказмаслик имконияти пайдо бўлади.

ИНГ самарадорлигини баҳолаш пайтида назорат кучли ва бўш тармоғарининг кумулятив эффект деб аталажак усулдан фойдаланилади. Масалан, агарда ҳатто ИНГ ёки унинг қисми умумлил олганда самарли деб баҳоланса, аудиторлар назорат процедурали ёрдамида текширувнинг муайян участкасида ғунис съомчилклар таваккалчилиги эҳтимолини баҳолайдилар.

ИНГ баҳолашнинг 2 даражаси мавжуд:

1) умумлаштирувчи даража-ИНГ иши самарадорлигини текниришсиз назоратнинг ҳал қилувчи жаҳатларини баҳолаш, фойти, ҳал қил операцион назоратни баҳолаш, ўтказилган сўров маълумотлари, диагностикадан фойдаланиш;

2) кенгайтирилган баҳолаш – ИНГнинг батафсил баҳосини опши, унинг ишининг самарадорлиги ҳақидаги далилларни тўплаш.

### 5.7. Маълумотларга электрон ишлов бериш тизимида аудит

Агар иқтисодий субъектнинг бухгалтерлик ҳисоби ЭҲМ таржимада олиб борилса, аудитор қуйидаги омилларни зътиборга ишни зарур бўлади:

ташкилий структура;

фаолият хусусияти;

войниҳавий ва процедуравий аспектлар.

Маълумотларга электрон ишлов бериш тизимининг ташкилий структурасини баҳолаш қуйидаги масалаларни ўз ичига олади.

Функция ва билимлар концентрацияси: "маълумотларга ишлов берини билан шуғулланувчи ходимлар маълумотлар манбалариниг, унинг олиш, таҳсимлаш ва фойдаланиш жараёнининг ўзаро ишоқаси, ИНГ камчоликлари ҳақида батафсил билимларга эгами ва иш жараёнида улар томонидан дастурлар (программалар) ёки маълумотларни ўзгартирилишининг имконияти қанчалик ишланигини биладиларми?

Программалар ва маълумотлар концентрацияси компьютер программаларидан ёт кишиларнинг фойдаланиши имконияти ва программаларнинг ўзини ёки маълумотларнинг ўзгартириш хавфи мавжудми?

ЭҲМ да фаолият хусусиятини баҳолаш қуйидаги жиҳатларни ўз ишни олади.

Ҳужжатлар киритилишининг йўқлиги: компьютерга маълумотлар тасдиқловчи ҳужжатларсиз ҳам киритилиши мумкин. Маълумотларни киритишга ёзма тасдиқ бериладими ёки бошқа процедуralардан фойдаланадими, масалан, компьютер программаларида бўлган рухсат этилган назорат ишлатиладими?

Операция шубҳаси "изларининг" етишмаслиги: маълумотларга ишлов бериш тизимида кўпинча бутун ҳисоб тизими

орқали операцияни кузатиб туриш мумкин эмас, нега деганда қисмая машина ўқийдиган шаклда берилиши ва вактини чекланган даври давомидагина мавжуд бўлиши мумкин.

Маълумотларнинг визуал шаклда чиқицининг кифоя эмаслигидан визуал маълумотлар чиқишининг камчилиги файлларда сақланадиган ва фақаттина компьютер билан ўқиладиган ахборотдан фойдаланиш заруратига олиб келиши мумкин.

Маълумотлар ва компьютер программаларидан фойдаланинг сингиллиги: фирма ичида бўлгани каби, унинг ташқарисида ҳбегона шахслар томонидан маълумотлар ва программаларни ўзгартирилиши хавфини мустасно қилиш учун етарли назорат босми (кетта масофада жойлашган компьютер асбоб-ускунадан фойдаланиш орқали).

Лойиҳали ва процедура аспектларни баҳолаш қўйида масалалар бўйича фикрни ҳосил қилишга асосланади:

1) компьютер программаси тўғри тузилганми, операциялар бажарининг изчилигига амал қилинганми, операциялар тўғри бажарилганми, маълумотлар тўғри берилганми;

2) компьютер программаларига киритилган ички назоратни программалаштирилган процедураларига йўл қўйиладими ва ул борми;

3) тизимга биргина (ягона) ахборотни киритиш турли ҳолиявий ҳисобларда ноаниқликларга олиб келмайдими;

4) ҳужжатни киритиш заруратсиз, тизимлар мустақил амал оширадиган операциялар тўғри бажариляптими, (масалага буюртмачининг ҳисоб рақамлари бўйича фоиз);

5) маълумотлар ва программаларни сақлаш восита гарини заифлик даражаси қандай уларнинг ўғирланиш, қўлдан бериш ё йўқ қилиниши хавфи борми;

Йўқ қилиниши хавфи борми?

### **Маълумотларга электрон ишлов бериш тизимида ички назорат**

Компьютерлар иши устидан ички назорат автоматлантирилган процедураларни ва ишлаб чиқилган ҳамда компьютер программаларига ёзиб олинган процедураларни ўз ичига олади.

Маълумотларга электрон ишлов бериш тизимида ИНТ баҳолаш учун энг муҳим аспектлар бўлиб қуйидагил ҳисобланади:

1) назорат процедураси стратегияси ва ички назорат жараёни бир-бирига тўғри келмайдиган функциялар масалан, киритиш тайёрлаш, программалаштириш ва компьютер операциялари) ажратиш имкониятини ўз ичига оладиган ташкилий ва бошқаруғонд аспектлар;

2) амалдаги тизимлар ривожлантириш ва ички назорат тизими самарали қўялаб-куватлаш;

1) ти шимдан фақат рухсат берилған мақсадларда фойдаланила-  
йыншын;

компьютер балан ишлашга бекона шахсларнинг қўйилиши  
мөнлилиги;

фақат рухсат берилған программалардангина фойдаланувчи  
жинуруалар; баҳтисиз ҳодиса рўй берган пайтда тиклаш жараёнини  
хаминиш).

### **Маълумотларга электорон ишлов бериш тизимини қоплаш устидан назорат**

Іуҳгалтерлик ҳисобида маълумотларга электрон ишлов бериш  
тишмидаидан фойдаланишинг тўғрилигини текширувчи  
физика-назорат процедуранари (улар барча битимларга рухсат  
берилган ва рўйхат олинган, тўла ва пухта ўз вақтида амалга  
шуришганлигига ишонч ҳосил қиласди) қўйидагиларни ўз ичига  
илади.

1) киритиш устидан назорат:

операциялар уларни компьютер амалга оширувчига қадар  
нишнирилган;

операциялар машина ўқийдиган шаклга ўтказилган ва  
маълумотларнинг компьютер ўтказилган файлларига ёзилган.

операциялар йўқотилмаган, қўшилмаган, улардан нусха  
нишнирилган ва ўзгартирилмаган;

нотўғри операциялар бартараф этилган, тўғриланган ёки ўз  
нишнирилганда қайта тасдиқланган;

2) маълумотларнинг компьютер файллари ва компьютер иши  
нишнирилган назорат:

операциялар компьютер томонидан тўғри бажарилаётир;

операциялар йўқотилмаган, қўшилмаган, улардан нусха  
нишнирилган ва ўзгартирилмаган,

хатолар ўз вақтида тўғриланган ва бартараф этилган;

3) ахборотни чиқариш устидан назорат:

бажариши натижалари аниқ-пухта;

бекона шахсларнинг ахборотга чиқишда қўйилиши чекланган;

ахборот ўз вақтида уни олишга рухсатга эга тегишли шахсга  
нишнирилган;

Асосий компьютер сунстеммолликларнинг қўйидаги  
нишнирилганда эҳтимоли бор:

Бевосита компьютер ёки терминалга йўлнинг очиқлиги;

маълумотлар файлларига йўлнинг очиқлиги;

нишнирилган шахсий манбаатларда фойдаланиши  
нишнирилганда борлиги;

тизим ахборотидав ҳамма бемалол фойдалана олиш  
нишнирилганда борлиги;

компьютер программаларига йўлнинг очиқлиги.

## **5.8. Эксперт ишидан фойдаланиш**

**1. Халқаро аудиторлик амалиётида аудиторлик текшируві ёки бу соҳада ишловчи экспертлар жалб қилинади.** Эксперт бухгалтерлик ҳисоби ва аудитдан фарқ қиласидан соҳада би малака ва иш тажрибасига эга бўлган мутахассисдир. Эксперт ишидан фойдаланишни тақдим этиши мумкун; асосий воситаларга баҳо; узоқ мурдатли контрактлар бўйича бажарилган ишларга бўйича бўйича бажарилган ишларга баҳо; шу жумладан уларнинг миқдори ва таркиби; фойдали қазилмалари ва уларнинг тавсифномаларига геолошибонлар; тузилган шартномалар ва амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда юриқномалар юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар; ҳуқуқий нуқтаи назардан оммавий муносаралар ва жараёнларининг натижалари.

## **2. ЭКСПЕРТ ИШИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**2.1. Аудиторлик текширув пайтида эксперталар сифати жисмоний шахслар бўлган каби, ҳуқуқий шахслар ҳам да қилиниши мумкин.** Эксперталар бўлиб қўйидаги мутахассис бўлиши мумкин:

актуарийлар (суғурта бадаллари, мукофотлар ва ҳ.к.ни ҳамда китоб қилиш билан шуғулланувчи суғурта техникаси бўйича мутахассис);

кўчмас мулк баҳоловчилари;  
ҳуқуқшунослар;  
геологлар;  
муҳандислар.

**2.2. Эксперт хизматларидан аудиторлик текширувни ўтказибдан боғлиқ билимнинг уёки бу тор соҳаси бўйича объектив (хамда маълумотларни олиш учун ёки аудитор билан текширув нағожа учун масъуяниятни бўлиш учун фойдаланилади.**

**2.3. Эксперт, унинг малакаси ҳақидаги гувоҳлик бердилем ёки лицензияга эга бўлмоғи лозим.** У мижоз бўйича қариндошлик ва (ёки) молявий муносабатларга эга бўлиши муғалаби эмас.

**2.4. Эксперт ишидан фойдаланишга буюртма ёки текширилса корхона раҳбарияти ёки аудитор томонидан (мижоз рози олингандан кейин) берилishi мумкин.** Мижоз мустақил эксперталарни рад этган тақдирда аудиторлик ахборот текширувга жалб қилишга ҳаққи йўқ, бироқ аудиторлик ҳисобо

«үркүлгіб ўтган ва мінездан экспертдан фойдаланишдан воз кечини үңқыла ёзма тасдиқ олған ҳода ўз устидан масъулиятни олиб қўйиши мүмкин.

Ишларни бажариш ҳажми ва шарт-шароитлари аудитор, міжоз ва эксперт томонидан эксперт ишларини бажаргунига қадар аниқланиши ва шартнома билан расмийлаштирилиши лозим.

Эксперт томонидан ишларининг бажарилиши ҳақидаги шартнома қўйидағиларни ўз ичига олади:

тадқиқотнинг мақсадлари ҳажми ва мавзуси;

экспертта тақдим этилажак ахборот манбалари;

эксперт ҳисоботининг шакли ва мазмуни шундай бўлиши агрекки, ҳисбот аудиторлик исботи ҳисобланиши мумкин бўлсин деган талаб;

ўзга шартлар.

2.5. Эксперт ишинин баҳолаша пайтида қўйидағилар асосий месонлар бўдиб ҳисобланади:

эксперт ҳисботининг шартномада белгиланган талабларга мувофиқлиги;

корхона раҳбарияти экспертта тақдим қилган маълумотларнинг моявий ҳисботни тайёрлаш пайтида фойдаланилган ахборотга тўғри келиши;

баҳоланишнинг эксперт фойдаланган асосоларва услубларнинг моявий ҳисботдагиларга ҳамда ўтган йиллар кўрсаттичларга тўғри келиши;

экспертнинг қўйилган масала бўйича позициясининганиqliги;

экспертнинг ҳисботни тақдим этиш муддатининг мақбўлиги.

Агарда экспертнинг қўйилган масала бўйича позицияси ноанқ бўлса, унда яна битта мустақил фикр талаб ҳилинади.

2.6. Аудиторлик ҳисботи эксперталарнинг фикрига ҳаволалардан ҳоли бўлиши керак, негаки, уларнинг нотўғри изоҳланиши эҳтимоли бор. Аудитор аудиторлик ҳисботига эксперт холосасига асосланган чекловларни киритиш керак. Чекловлар міжоз билан олдиндан муҳокама міжоз билан олидидан воз кечган ски эксперт исботларининг ишончлилиги ноаниқ бўлган тақдирда аудитор ўз ва аудитор фикрини чегаралаб бўлган тақдирда аудитор ўз ва аудитор фикрини чегаралаб қўйиши керак бўлиб, бунинг учун аудитор натижалари ва эксперт холосаларининг муфассал ахборотнома тузилиши лозим. Экспертнинг текширувга жалб этилиши аудитордан аудиторлик холоса учун масъулиятли олиб ташламайди.

## 6-боб. АУДИТ ТЕХНОЛОГИЯСИ

### 6.1. АУДИТОРЛИК ДАСТУРИ

Аудит дастури аудит режасининг ривожи ҳисобланади ва текширувнинг ҳар бир муайян қисми учун зарур бўлган аудиторлар процедуралар рўйхатидан иборат. Аудиторлик дастурлар иккى кўринишда бўлади:

1) корхона ички назорат тизимнинг ишлаши ҳақидаги ахбороти тўплаш учун процедураларни ўз ичига олган назорат тестлаф дастурлари;

2. ҳисоб рақамларидағи бевосита қолдиқлар ҳақида ахборотни тўплаш учун процедураларни ўз ичига олган ҳисоб рақамларидағи қолдиқларни текшириш дастурлари.

Аудиторлик дастури қўйидаги омилларни ўз ичига олади.

Аудиторларнинг иш тириби

Тартиб аудиторлик холосаси ва бошқа ҳужжатларни тузини учуклиги текширув давомида тайёрланган материалларни тайёрлашга тақдим этишининг сўнгги муддатларини аниқлайди. Тартибини тузи пайтида фойда олининини таъминлаш учун кутилажак музд ҳисоб олинган ва унинг доирасида текширувнинг тўғрилигини назорат воситаси бўлиб ҳисобланиши сабабдир.

Батафсил процедуралар:

Аудит дастури ёзма равишда тайёрланади. Дастур аудиторлик текширув режасини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳамма процедуралар, шунингдек, текширувнинг ҳар бир участка бўйича мақсад ва вазифалар батафсил таърифланади. Дастурни батафсиллиги, у одатда, аудитда қатнашувчи ходимлар учун ўзи хос йўриқнома, шунингдек, иш бажарилишининг тўғрилигини назорат воситаси бўлиб ҳисобланиши сабабдир.

Аудит бўйича иш устида назорат.

Дастур текширув учун юборилган аудторлар гуруҳининг ҳамо аъзолари ўзларига қўйиладиган талабларни билишларини тақо: этади. Бир вақтнинг ўзида дастур аудиторлар гуруҳидаги кичик аудитёrlар ва ассесентлар томонидан топшириқларни бажари устидан назорат қилиши учун асосли ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Ходимлар.

Дастурлар аудит учун зарур бўлган ходимлар сони, уларни иш ҳажми ва мазмуни белгиланади.

Одатда, аудитни асосий аудитор, кичик аудиторлар ассесентлардан иборат гуруҳ ўтказади. Йирик Farb аудиторлар фирмаларида ходимлар хўпинча қўйидаги тарзда тақсимланади.

Партнер (шерик) — мижоз билан доимий равишда ишлайди, кўрсатилажак аудиторлик хизматлари учун жавоб беради ва текширув давомида вужудга келган энг мураккаб ва нитин муаммоларни ҳал этади, аудит режасини тасдиқлайди ва мижоз

Биринчи иш тартиби иш юзасидан келишиб олади: ишга умумий баҳо  
төсөнни уни шарҳлайди, аудиторлик холоса юзасидан қарор қабул  
чысады.

Менеджер-партнер каби мижоз билан доимо ишлайди, аудит  
процесси ва аудиторлар иш тартибини тайёрлайди, аудит бүйича  
бизнис құжатларни обдон күриб чиқади ва ҳал этиши учун партнега  
финансирилдиган муаммоларни анықтайды.

Бағыт ходим-аудиторлик текширувга жорий бошқаришини амалга  
емдеуди, дастурларни тузади, кичик ходимлар ишини назорат  
чыннали, энг мураккаб аудиторлик вазифаларини бажаради,  
аудиторлик текширув ражасига риоя қылениши учун жавоб беради,  
менеджерни вужудға келгандык мурасабалар ҳақида хабардор  
чыннади.

Кичик ходимлар — уларнинг функцияларига топширилган  
функцияларни сифатлы бажариш киради.

Одатда аудиторлик дастур: операцияларни тестдан ўтказиш,  
таҳлилий процедуралар ва баланс моддаларини тестдан ўтказишни  
үз ичига олади.

Операцияларни тестдан ўтказиш миқдорий хатоларни ва  
түснекшелерни молиявий ҳисобот моддаларининг түғрилигини  
тап диқлаш мақсадида текшириш учун ишлаб чиқилади. Бу  
тестлерни ўтказыш чөгіда қуйидагилар анықланады:

операцияларни ўтказышга тегишли рухсат борми;  
ўтказышлар түғри қылғанымы ва таҳлилий ҳисоб ва журнал ва  
шифтерларда якунлар түғри жамланғанымы;

бош дафтарга ахборот түғри күчирилғанымы.

Таҳлилий процедуралар, текширувнинг самарали энг арzon ва  
күп вақт олмайдиган усули ҳисобланиб, улардан қуйидаги  
мақсадларда фойдаланилади:

- а) мижоз фаолияти ҳақида тасаввур ҳосил қылыш учун;
- б) корхона молиявий барқарорлаш учун;
- в) молиявий ҳисоботда жоиз хатоларни анықлаш учун;
- г) тестлар сони ва хажмини қысқартыриш учун.

Баланс моддаларини тестдан ўтказыш Баш дафтарда мужассам  
тестлар қуйидагини ўз ичига олади:

- дебиторлар ҳисоб рақамларини тасдиқлаш,  
товар-моддий заһираларини текшириш,  
пул маблағларини ҳисоблаб чиқиши

йил охиридаги операцияларнинг даврларга бўлиниши  
түғрилигини текшириш ва бошқа.

Энг самарали процедуралар бўлиб таҳлил (хато жуда тез  
тапшиши мумкин), шундай сўнг ИНТ билан танишиш билан боғлиқ  
процедуралар ва ИНТ тестлари ҳисобланади.

Энг кўп меҳнат талаб қиласидиган процедуралар - операцияларни  
тестдан ўтказиш.

Ҳар бир аудиторлик фирмаси аудиторлик дастурлари

шаклларига талабларни мустақил ўрнатади. Масалан, дастурлар ушбу иш бажарувчи аудиторлик командаси аъзоларини зарурий йўриқномалар билан таъминлаш учун муҳим жиҳатларни акс эттира туриб, процедурадар моҳиятини таърифланиши:

текширувнинг давом этиш муддатини ва уни ўтказишнинг кутилажак муддатини акс эттириши керак.

ҳар бир процедура учун қўйидагилар ҳақида ахборотни ўз ичига олиши керак:

а) олинган исботни акс эттирувчи ишчи ҳужжатларига ҳавола;  
б) ишни бажарувчи аудиторлар командаси аъзосининг исми-шарифи,

в) иш тугаган сана.

г) аниқланган қоидалардан мустаснолар ҳақида ахборот ва уларга изоҳ.

Аудиторлик дастурларини ишлаб чиқиши учун мижоз хусусиятларига жавоб берадиган мустақил текшириш процедурадари тасвирини танлашни автоматлаштирадиган ва дастур лойиҳасини автоматлашган тарзда танлаш амалга оширадиган амалий дастурлар пакетларидан фойдаланиш мумкин.

Режага ва мижознинг аҳволига мувофиқ дастурнинг танлаган лойиҳасига зарурий ўзгаришлар киритилади.

## 6.2. АУДИТОРЛИК ТАНЛАШ

Юқорида айтиб ўтилгандек, аудиторлик текширув вақти ғоят чекланган, шунинг учун ҳамма, операциялар ва ҳужжатларни текшириб чиқишига қодир эмас. Одатда, ёппасига текширувлар энг муҳим соҳалардагина ўтказилади, операцияларнинг асосий массаси устидан назорат эса танлаб амалга оширилиб, бу аудитни тезлаштиради. Аудиторлик танлашнинг асосий принципи аудитни режалаштиришдаёқ, хатоларнинг жоиз нақдлиги билан боғлиқ бухгалтерлик ҳисоби операцияларини танлаш пайтида солинган.

Аудиторлик текшируви учун танлаб олинган операциялар ва ҳужжатлар сони аудиторнинг бухгалтерлик ҳисоби ва ички назорат тизимиға қўйилган баҳосига боғлиқ бу баҳо қанчалик юқори бўлса, танлаш ҳажми шунчалик кичик бўлади ва аксинча аудиторлик танлаш ҳажми икки йўл:

1/ аввалги тажрибага таянган ҳолда баҳовий;

2/ хатоларнинг юзага келиш эҳтимолларига асосланган статистик усуллар орқали аниқлениши мумкин.

Биринчи усулдан фойдаланилганда, аудитор, одатда, танлаш ҳажмини шунчалик интуитив равишда тўпланганди аудиторлик тажриба ва операциялар спецификаси масалан ҳар биринчи ёки юзинчи ҳужжат ёки операцияни текшириб чиқиши ва ҳ.к. дан келиб чиқиб аниқлайди.

Статистик услублардан фойдаланилганда, аудитор аввал ахборотни тасдиқлашнинг зарурий аниқлигини ўрнатади. Оунгра

Ишсонинг танлаб тақсимлаш формуласи бўйича ишончлилик /  
шик-пухта/ коэффицентини аниқлайди ва унинг асосида танлаш  
жумининг ҳисоб китобини амалга оширади.

### **6.3. АУДИТОРЛИК ИШИННИГ СИФАТИ УСТИДАН НАЗОРАТ**

Аудитор ишининг сифати устидан назорат бир қанча шакларда  
амалга оширилади: асосий аудитнинг ўз асистентлари иши устидан  
назорати, аудиторлик фирмасининг аудитор иши устидан назорати  
ва ташқи назорат.

Аудиторлик текширувни ўтказиш жараёнида асосий аудитор  
асистентлар, яъни асосий аудитордан профессионал савия бўйича  
фиг'ю қиласидаги ходимлар томонидан бажарилажак ишини доимо  
назорат қилиши ва йўналтирилиши зарур. Асистентдан фарқли  
унароқ асосий аудитор аудитнинг бажарилиши учун тўла  
кливбгардир.

Иш топшириладиган асистентларга, ўзларининг масъулиятлари  
ва улар бажарishi лозим бўлган процедуралар мақсадлари ҳақида  
корхона имкониятлари ва аудиторлик процедуралари мөдияти,  
шарни ўтказиш вақти ва миқёсига таъсир қилиш мумкин бўлган  
жоиз ҳисоб аудиторлик муаммолари ҳақида тегиши разиша йўл-  
пўриқ кўрсатиши зарур. Аудиторнинг ёзма дастури аудиторлик  
ваколатларни топширишда муҳим элемент ҳисобланади.

Аудитор иши устидан аудиторлик фирмаси томонидан назорат,  
чирикчидан, ушбу мижозда аудитни ўтказишнинг аудиторлик  
режаси ва дастурнинг асосланганлигини муҳокама қилиш ва  
текшириш воситасида муҳокама қилиш ва иккинчидан, ташкилий-  
алоқий аудиторлик принципларига қатъий риоя қилиш воситасида  
(«усусан, мижозга маслаҳат берувчи ёки унинг бухгалтерлик  
ҳисобини тикловчи аудитор, айнан шу мижозга текширув билан  
юборилмайди ва ҳ.к.) учинчидан, баъзи аудиторлик фирмалари  
асосий аудиторнинг аудиторлик холосаси берилгандан кейин фирма  
ҳисботининг ишончлиигини бошқа аудитор томонидан мижоз учун  
вакорий ва бепул бўлган қайта текширувчи ўтказиш амалиётини  
қўплайдилар.

Гашки назорат давлат идоралари томонидан амалга оширилниши  
мумкин бўлиб, бу амалдаги норматив ҳужжатларда кўзда тутилган.

Сифат устидан назорат икки асосий йўалишга эга:

1/ алоҳида аудиторлик текширувлар устидан назорат;

2/ сифат устидан умумий назорат;

Алоҳида аудиторлик тикинувлари устидан назорат қуйидаги  
тушунчаларни ўз ичига олади:

Ваколатларни делегация қилиш аудиторларнинг мустақилиги,  
профессионализми ва хабардорлигини таъминлаш: аудиторларни  
харакат қилишининг тегишили эркинлигини таъминлаш, аудитнинг  
ўзма дастуридан фойдаланиши.

**Назорат** - аудиторлар иши устидан жорий міжоз бухгалтерлик қысебининг энг муаммоли масалаларини билиш.

**Текширув** - аудиторлар бажарған бутун иш устидан, унинг стандартларга мувофиқ бажарылыш ҳужжатларининг етарлилігі, аудиторлық текшириш мақсадларига зәришилілішини таъминлаш учун назорат.

**Аудит сифати** устидан умумий назорат қуйидаги элементларининг нақдлігіне асосланади:

аудиторнинг муайян шахсий фазилатлари /ұалоллик, холислик, мустақиілдік, махфийлік/

аудиторнинг профессионализми ва омилкорлигі асослы тәкомиілләнеші:

сифат стандартларини таъминлаш мақсадыда аудиторлар иши устидан назорат:

міжозларни қабул қилиш ва улар билан ҳамкорликни давом эттиришнинг қаттый сиёсати.

аудиторлық фирмасының ўз сиёсати ва сифат назорати.

Аудитнинг юқори сифатига зәришиш учун қуйидаги чоралар зарурдир:

а/ аудиторларни ўқытыш ва қайта тайёрлаш:

б/ аудиторлық стандартларини ишлаб чиқыш ва тәкомиіллаштириш:

в/аудиторлық фирмасы ичіда сифат назоратининг самарали тизимини ишлаб чиқыш:

г/ каттық ташқи сифат назорати тизимининг нақдлігі /солиқ инспекцияси ва милицияси, бошқа давлат ідоралари/.

#### **6.4. АУДИТОРЛЫК АХБОРОТИ ВА ДАЛИЛЛАР.**

##### **Уларни олиш түрлары ва услублары**

Аудитор томонидан текширувнинг бөшланғуна қадар, унинг жарапынан және уннан нәтижалары бүйіча тайёрланған және түпленған бутун ахборот аудиторлық ахборот хисобланади. Бу ахборотнинг бир қисмі аудиторлық далиллар сипатыда қабул қилиниши мүмкін бўлган ҳужжатлар ёки уларнинг нусхаларидан иборат.

Аудиторлық далиллар бу аудитор томонидан текширув давомида түпленған ахборот ва аудиторлық холосасининг асоси бўлиб хизмат қиласидиган якунлардир.

Аудиторлық далиллар релевант ва етарли бўлиши керак. Далилнинг релевантлігі уларнинг у ёки бу муаммони ҳал қилишда ахамият касб этади, етарлилік эса ҳар бир муайян ҳолда ички назорат тизими ва аудиторлық таваккалчилигини баҳолаш асосида аниқланади. Ҳар ҳолда аудитор холис ва асосланған холосани тузиш учун у сипати тегишлича бўлған далилларнинг етарли миқдор тупланғанligига ишояч хосил қилиш керак.

Аудиторлик далиллар ички бўлиши мумкин, мижоздан олинга ахборот, ташқи далиллар учинчи шахслар ва ташкилотлардан олинган ахборот ва аралаш далиллар - мижоздан олинган ва ташқи манба томонидан тасдиқланган ахборот ва Ташқи далиллар энг қадрли ва ишончли ҳисобланади / масалан: мижознинг банкдаги ҳисоб рақамидан кўчирмалар / шундан сунг аралаш ва ниҳоят, ички далиллар.

Аудиторлик далиллар сифати уларнинг манбасига боғлиқ аудиторлик далиллар ҳужжатли манбалардан, мижоз ходимлари ўртасида сўров ўтказиш давомида ва учинчи шахслардан ва корхонада аудиторнинг ҳисоб ва бошқа операцияларнинг бажаришини бевосита кузатишда олинши мумкин. Ишончлими ва аниқ -пухталик жиҳатидан аудиторнинг ёзма тақдимномалари оғзаки сўровлар пайтида олинган далиллардан афзалроқдир.

Аудиторлик таваккалчилиги, яъни янглиш қарор қабул қилиш таваккалчилиги аудитор турли манбалардан олинган тақдим қилишнинг шакли бўйича турлича бўлган далиллардан фойдаланган тақдирда камаяди. Агар битта манбадан олинган далиллар бошқа манбадан олинганларга зид келса, унда аудитор тўплаган далилларнинг аниқ-пухталиги ва хуносаларнинг асосланганлигига ишонч ҳосил қилиш учун ахборот тўплашнинг чукурлаштирилган процедураларидан фойдаланиш керак.

Агар аудитор етарли далиларни тўплашга ожиз бўлса, унда у бу фактни ўзининг ҳисоботи ва хуносасида акс эттириши лозим.

Аудиторлик далилларини олишга кетадиган сарфлар ва уларнинг аҳамияти ўртасидаги нисбатан оқилона бўлиши керак. Масалан, агар, мижознинг ички назорат тизими етарли даражада ишончли бўлса, аудитор қимматга тушадиган активларни ёппасига инвентаризация қилишдан воз кечиб, уни танлаб ўтказилиши мумкин. Бироқ, аудиторлик процедураларининг мураккаблиги ва қимматлиги аудитор уларни зарур деб ҳисоблаган тақдирда, уларнинг ўтказилишига тўсқинлик қиласлилар керак.

Далилларни тўплаб туриб, аудиторлар қуйидаги процедуралардан фойдаланишлари керак.

Мизожнинг арифметик ҳисоб-китобларини текшириш. Гекширув режаси, ички назорат тизимини баҳолаш ва аудиторлик таваккалчилигига ҳараб у танлаб ёки ёппасига ўтказилиши мумкин.

Мижознинг турли активлари инвентаризациясини кузатиш ва ёки иштирок этиши. Ушбу ҳолда инвентаризация баланс актив моддаларининг реаллиги ва аниқлиги ҳақидағи аҳамиятли ва аниқ-пухта далилларни ва хўжалик операцияларининг амалга ошиши резултатини олидининг услуби сифатида қабул қилинади.

Инвентаризацияда иштирок этиш ёки унинг ўтказилишини кузатиш корхонадаги бухгалтерлик ҳисоби ва ички назорат тизими ни тўғри баҳолашга ёрдам беради.

Алоҳида хўжалик ва бухгалтерлик операцияларининг амалга

оширилишини кузатиш. Бу процедура муреккаб эмас, бирок корхонада бухгалтерлик ҳисоби ва ички назорат бу тизимининг ташкил этилиши баҳолари учун муҳимдир.

Учинчи томонлардан ёзма тасдиқ олиш йўли билан ҳисобот алоҳида моддаларнинг аниқ-пухталигини, ҳисоб рақамлари бўйича қолдиқларини ва хўжалик операцияларининг реалигини текшириш. Оғзаки тасдиқ ҳам олинини мумкин, лекин у уччалик ишончти эмас. Ёзма тасдиқни мижоз эмас, балки аудиторлик фирмаси олиши керак, бундай тасдиқ ҳақиқидаги илтимос билан уччинчи томонга аудитор билан келишишган ҳолда мижоз мурожаат қилиши керак бўлсада.

Мижоз корхонаси ходимлари ва раҳбарият ўртасида сўров ўтказиш ва ёзма тақдимномаларини олиш. Одатда бу процедурулардан дастгабки босқичда, аудитор текширилажак корхона билан танишаётган ва текширувни режалаштираётган пайтда фойдаланилади.

Оғзаки сўровларни ўтказиш учун олдиндан турли муаммолар бўйича саволномалар тайёрланиши мумкин бўлиб (масалан, материаллар ҳаракатиниг ҳисобга олинини баҳолаш ҳужжатларнинг муомалада бўлишининг аҳволи ва ҳ.қ.) уларда аудиторлар сўроққа тутилган шахсларнинг жавобларини ҳам қайд қилишлари мумкин. Мижоздан олинадиган ёзма тақдимномалар одатда, ҳужжатлаштириш лозим бўлган масалаларга бағишиланади (масалан, у ёки бу ахборотнинг олиб берилишининг мумкин эмаслиги). Ҳар ҳолда ёзма тақдимнома корхона бланкада тузилсан ва унинг раҳбарларининг имзолари билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мижознинг уччинчи шахслардан олган ҳужжатларни текшириш. Бу процедурани ўтказа туриб ҳужжатларнинг тузилиши ва расмийлаштиришининг тўғрилигига, шунингдек, уларнинг бухгалтерлик ҳисобида аниқ ва ўз вақтида акс эттирилганлигига эътибор берилади.

Мижоз корхонасида тайёрланган ҳужжатларни текшириш. Бундай текширув давомида олинган ахборот ички ахборот ҳисобланади ва унинг ишончлилиги ва аҳамияти мижознинг ички назорат тизими сифатига боғлиқ.

Таҳлилий процедурулар, яъни аудитор олган ахборотни таҳлил этиш ва баҳолаш, гайриоддий фактлар ва кўрсаткичларни аниқлаш мақсадида энг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларни тадқиқ қилиш ва уларнинг вужудга келиш сабабларини текшириш. Таҳлилий процедуруларнинг тирик турлари:

турли ҳисоб давлари учун ҳисоб рақамлари бўйича қолдиқларни қиёслаш.

молиявий ҳисобот ҳисоби кўрсаткичларини корхона раҳбарияти прогноз қилган кўрсаткичлари билан қиёслаш,

молиявий ҳисобот ҳисоби кўрсатмалари корхона раҳбарияти прогноз қилган кўрсаткичлари билан қиёслаш,

хисоботнинг турли моддалари ўргасидаги нисбатларни баҳолаш  
ни уларни аввалги даврлар маълумотлари билан қиёслаш.

корхона фаолиятининг молиявий кўрсаткичларини ўртacha соҳа  
и ўригичлари билан қиёслаш,

молиявий ва номолиявий ахборотни қиёслаш (масалан, пул ва  
ни турал бирликларда маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми ҳақидаги  
макалумотлар).

Аудиторлик далилларни янада самараали тўплаш учун аудитор  
текширув режасида керакли маълумотларни тўплаш учун қайси  
процедураларни, қандай миқдорда ва қандай ҳажмда бажариш  
иҷроулигини мўлжаллаб қўйиши керак.

Тўпланган аудиторлик далилларни аудитор ўзининг ишчи  
хужжатларида акс эттиради.

## 6.5. АУДИТОРНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ

Текширув бошланишидан олдин ва унинг давомида  
ишерланажак аудиторнинг барча ҳужжатлари унинг иш қофозлари  
хисобланиб, унга режалаштириш ва аудитни бажаришга,  
аудиторлик иши устидан назорат қилиш ва шарҳлашда ёрдам  
бериди, шунингдек аудиторлик ишининг исботи бўлиб ҳисобланади.

Тажрибали аудиторлар ўз иш қофозларини старли даражада  
муҳиммал ва батафсил қилиб, ҳамма муҳим муаммоларни кирилган  
чоңда тайёрлаб қўядилар. Масалан:

- 1) корхонанинг ташкилий структураси ҳақида ахборот;
- 2) ҳуқуқий ҳужжатлардан, битимлардан ва мажлислардан  
Салбий аудиторлик хulosаси аудиторниң молиявий ҳисоботининг ишонччилигидан шубҳаланиши шу қадар улкан бўлиб ҳатто, унинг фикрига кўра, фойдаланувчиларни чалғитиши мумкин ва молиявий ҳисоботининг тўғрилиги ва холислиги ҳақида хulosса чиқаришига имкон бермаган ҳолларда берилади.

Аудиторлик хulosасидаги молиявий ҳисоботининг амалдаги қонуилар ва бухгалтерлик ҳисоб норматив ҳужжатларига намувофиқ деб аудитор ҳисоблаган сабабларни аниқ-равshan қилиб ифодалаш зарур.

Аудиторлик хулосасини рад қилиш, гумонсираш ёки текширув үчүн чекловлари шуңчалик аҳамиятлики, ҳатто улар аудиторга мөнгүлүй ҳисобот аҳволи ҳақида холоса чиқариш учун асос болуп тииз ҳолларда мүмкін бўлади. Хулосада, холоса нима учун мөнгүлүй жағдигини аниқ ва равшан кўрсатиш зарур.

Агарда аудиторлик текширув давомида ёки ундан кейин корхона бухгалтерлик ҳисобидаги, қонунлар ва бошқа норматив үз жатларга риоя қилишдаги жиддий камчиликлар ва бу шартларни, бартараф этса, молиявий ҳисоботга ўзгаришлар киритса унда аудитор салбий ёки шартли ижобий хулосасын тегишига роҳинеда шартли ижобий ёки ҳатто ижодий) ва ижобийга аништириши мүмкін.

Аудиторлик хулосасини алмаштиришдан олдин корхона бу салтерлик ҳисобига, ички назоратга ва молиявий ҳисоботига киритилган тузатмалар, аниқликлар ва қўшимчалар текшириб чиқлади. Бу текшириш ҳақида аудиторнинг алоҳида ҳисботи тушидиди:

**Ижобий аудиторлик хулосасидан намуна**

\_\_\_\_\_ аудиторлик фирмаси 01.01.199 \_\_\_\_ й. ҳолатига кўра корхона балансини, шунингдек унинг 199 \_\_\_\_ йилги молиявий натижалари ва улардан фойдаланиш юзасидан ҳисботи текширувни ўтказди. Буни бизнинг фикримизча, тақдим этилган молиявий ҳисботлар корхонанинг 01.01.199 \_\_\_\_ йилга ҳолатига кўра молиявий ва иқтисодий аҳволи ва унинг 199 \_\_\_\_ йилдаги фаолияти натижаларини барча аҳамиятли аспектларда максимал даражада тўла ва ишончли ҳамда амалдаги қонунлар ва бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисботига мувофиқ равищда ифодалайди.

Аудиторлик фирма раҳбари \_\_\_\_\_

имзо

Аудитор

имзо

" \_\_\_\_ " 199 \_\_\_\_ й.

(Аудиторлик холоса санаси)

М.М.

**Шартли ижобий аудиторлик хулосасидан намуна**

\_\_\_\_\_ аудиторлик фирмаси 01.01.199 \_\_\_\_ ҳолатига корхона балансини, шунингдек унинг 199 \_\_\_\_ йилги молиявий натижалари ва улардан фойдаланиш юзасидан ҳисбот текширувни ўтказди. Текширув давомида корхонада асосий восьиталарнинг эскириши нотўғри ҳисоблаб ёзилганлиги ва унинг суммаси \_\_\_\_\_ минг сўмга камайтирилганлиги аниқланган. Ушбу жиҳатни истисно қилган, тақдим этилган молиявий аспектларда корхонанинг 01.01. 199 \_\_\_\_ йил ҳолатига кўра молиявий ва иқтисодий аҳволини ва унинг 199 \_\_\_\_ йилдаги фаолияти натижаларини тўла ва ишончли қилиб ифодалайди.

**Аудиторлик фирмa раҳбари**

имзо

**Аудитор**

имзо

" " 199 й

(Аудиторлик хулоса санаси)

M.M.

**Салбий аудиторлик хулосасидан намуна**

аудиторлик фирмаси 01.01.199 й ҳолатига кўр корхона балансини, шунингдек, унинг 199 йилги моли натижалари ва улардан фойдаланиш юзасидан ҳисобо текширувини ўтказади. Текширув давомида корхона томонида харажатларга минг сум гайриқонуний равишд минг сўм ҳисоблаб ёзилганлиги аниқлаб ёзилган бўлиб, б амалдаги қонунларнинг бузилиши ҳисобланади ва молиявий ҳисоб кўрсаткичларини бузиб кўрсатади. Бизнинг фикримизга кўра тақди этилган молиявий ҳисботлар барча аҳамиятли аспектлард корхонанинг 01.01.199 й ҳолатига кўра молиявий аҳволини в 199 йилги фаолияти натижаларини тўла ва ишончл ифодаламайди, шунингдек, амалдаги қонунларга ва бухгалтерли ҳисоби ва ҳисботнинг норматив ҳужжатларига мувофиқ келмайди

**Аудиторлик фирмa раҳбари**

имзо

**Аудитор**

имзо

" " 199 й

(Аудиторлик хулоса санаси)

M.M.

**Хулоса беришни рад қилиш намунаси**

аудиторлик фирмаси корхонанин 199 йилги молиявий ҳисботлари текширувини ўтказди. Текширув шарт- шароитларига кўра биз корхонанинг чет эллик таъминловчилари билан ҳисоб-китобларини тўла текширш имкониятига эга бўлмаганлигимиз туфайли, бу эса молиявий ҳисбот кўрсатичларига аҳамиятли равища таъсир этади, биз етарли аудиторлик далилларнинг йўқлиги муносабати билан тақдим этилган молиявий ҳисботлар ҳақидаги холис аудиторлик хулосасини тузишга ожизмиз.

**Аудиторлик фирмa раҳбари**

имзо

**Аудитор**

имзо

" " 199 й

(Аудиторлик хулоса санаси)

M.M.

### **9.3. Раҳбарият учун ахборот**

Мижозга аудиторлик холосасидан ташқари раҳбариятига ахборот ҳам тақдим этилади.

Корхона мажбурияти учун ахборот бу, хат кўринишидэ тузилган ҳисобот бўлиб, у ўз ичига қўйидағиларни олади:

корхонанинг ҳисоб сиёсатида ва ички назорат тизимида аниқланган камчиликлар рўйхати

бу камчиликлар қайси ҳолатларда аниқланган - шу ҳолатлар рўйхати аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар.

Раҳбариятга ахборотларни тақдим этиш мажбурий талаб ҳисобланмайди, гарчи корхона раҳбариятини аниқланган камчиликлар юзасидан хабардор қилиш тавсия қилинмасада.

Раҳбарият учун ахборот барча мавжуд камчиликлар ҳамда тўла ҳисобот сифатида қабул қилиш мумкин эмас.

У, фақат аудиторлик текширув жараёнида томилишларига гина зас оттиради, холос. (13).

Ахборот корхона раҳбариятига, уни молиявий ҳисоботга ҳамиятили хатоларга олиб келиши мумкин бўлган ҳисоб ёзувлари, бухгалтерлик ҳисоби ва ички назоратдаги камчиликлардан хабардор қилиш мақсадида, шунингдек, корхонада ҳисоб ва ички назоратни такомиллаштириш юзасидан конструктив таклифлар киритиш мақсадида (охирги ҳол аудитор фирмаси обрўсига кўмаклашади ва аудитор бу муаммоларни ҳал қилиш бўйича ўз китматларини таклиф этишга имкон беради) тақдим этилади.

Тавсияларни киритиш аудитор ҳисоботи ва ўринли холосасининг мазмунини бекор қилмайди ва боемайди. Текширувнинг турли босючларида тақдим этиши мумкин бўлган раҳбарият учун аниқ, қисқа, мазмунли, фактик ноаниқликларсиз бўлиши лозим. Маълумотлар аҳамиятининг турлича даражалари аниқ ажратилган бўлиши керак. Раҳбарият билан келишилган ҳолда бошқарувнинг турли даражалари учун алоҳида хатлар тузилиши мумкин. Ахборот хати бошқарув ёки аудиторлик комитетига (агарда мавжуд бўлса) жўнатилади. Ахборот ҳисобининг у ёки бу бўлимлари бўйича экспертларнинг ҳисобот кўринишида расмийлаштирилиши мумкин ва аудиторлик фирмаси раҳбари томонидан имзоланмаслиги мумкин - аниқланган бузилишлари молиявий ҳисоботининг ишончлилиги ҳақидаги ижобий холосани бериш мумкинлигини шубҳага солинган ҳоллар бундан мустасно.

Аудитор корхона раҳбариятидан ахборот хатида кўтарилган масалалар бўйича мўлжалланаётган ҳаракатларни баён қилган ҳолда хатта жавобни талаб қилиши мумкин. Жавоб, шунингдек, қарор қабул қилиш хуқуқига эга бўлган шахс (молия директори, бош бухгалтер) имзо чеккан хат кўринишида ҳам расмийлаштирилади.

Раҳбариятга тақдим этилган ахборот маҳфий бўлиб, корхона

раҳбарияти ичидан бўлган шахснинг фақат чекланган доирасигина ошкор қилиниши мумкин.

### Раҳбариятга ахборот жетидан намуна

Биздаги ахборотга шунингдек, ўтказилган текширув натижаларига мувофиқ биз сизга фирманинг ўтказилажак 199 \_\_\_\_ йилги аудитга бевосита алоқаси бўлган қўйидаги маълумотларни хабар қиласиз.

\_\_\_\_\_ кунги \_\_\_\_\_ шартнома ва ҳисобот мажлиси нинг \_\_\_\_\_ кунги \_\_\_\_\_ қарорига асосан аудиторлар ҳисобланимиш биз корхона молиявий аудитор ҳисобининг аниқ-пухталиги ҳақидаги аудиторлик холосасининг сифати учун масъул эканлигимизни тушунамиз ва сизни эътиборингизга қўйидагиларга жалб қилишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Биз ўрганиш учун ҳам жойга бир регистрлар, шартномалар ва таъсис ҳужжатларини тақдим қилган эдик ва \_\_\_\_\_ сўмлик фоизсиз қарз бериш ҳақидаги қарор қабул қилган \_\_\_\_\_ кунги ҳамда \_\_\_\_\_ кунги директорлар Кенгаши йиғилиши қарорларини тақдим қилмаган эдик.

Агарда бундай қарорлар бўлмаган бўлса, унда бош директор низомига кўра ўз ваколатларини ошириб юборган, боз устига қарз корzonага молиявий зарар келтириши мумкин.

Бош китобдаги ҳисоб ёзувлари журнал ордерлар якушларига ҳам доир ҳам мос келмаган (тафовутлар рўйхатига илова қилинади) шу муносабат билан Бош китоб бўйича қолдиқларининг ишончли ва баланс моддалари бўйича \_\_\_\_\_ сўмлик сумма шубҳа туғдиради.

Қайд этилган бузишлар ва камчиликлар юзасидан ижро дирекцияси ва директорлар Кенгашининг мумкин қадар қарори талаб қилинади.

Хурмат билан  
аудиторлик фирмасининг  
тозшириятига биноан

ИМЗО ЧЕКДИ.

#### 9.4. Аудиторлик ҳисоботи тузилган баланс тузилгандан кейинги ва молиявий ҳисобот чиқарилгандан кейин воқеа санаси

Аудиторлик андозалари (стандартлари) лойиҳаларида "Аудиторлик ҳисоботи тузилган баланс тузилганидан кейинги сана, молиявий ҳисобот чиқарилганидан - кейин фактларни аниқлаш стандарт бўлиб, у қўйидагиларни ўз ичига олади.

##### 1. Асосий тушунчалар ва таърифлар.

аудиторлик ҳисоботи тузилган сана бу санадан кейин аудит билан боғлиқ ахборот материалларининг барча тадқиқотлари ва янги далилларнинг шаклланishi тугалланади.

Ҳисобот имзоланган сана- бу санадан кейин ҳисоботга мижоз қомонидан ёки мижоз билан олдиндан келишиб қўйилмаган бирорта ҳам ўзгаришиш киритилиши мумкин эмас.

Молиявий ҳисоботни чиқариш-барча ҳисобга оид шаклларни комплекслаш, барча ҳисоб кўрсаткичларини мувофиқлаштириш ва мослаштириш.

Ҳисобга олинган таъсир этувчи фактларни аниқлаб топиб чиқарилажак ҳисобот мазмуни ва структурасини жиддий равишда бузувчи ўзгаришишар, ҳаракатлар, операциялар нақдлигининг ҳужжатли қайд қилинган факти.

Аҳамиятли (моддий) бузишлар - аввали тузилган ҳисобот бўйича қабул қилиниши мумкин бўлган бошқарув қарорларининг ўзгаришишини талаб қўлувчи фактиар.

## 2. Аудиторлик ҳисобот тузилган сана

2.1. Аудиторлик ҳисоботида албатта сана кўрсатилиши лозим. Ҳисоботнинг имзолаш билан аудитор, аудиторлик ҳисоботи санасига қадар воқеаларга асосланган исботлар тадқиқоти ва текширувани тугаллайди. Аудитор ўз ҳисбетини мижоз молия ҳисбетини тасдиqlамасдан ва сана қўймасдан олдин санасини кўрсатиши мумкин эмас.

2.2. Аудитор, молия ҳисбетининг тўғирланиши ёки қўшимчалар киритилишини талаб қиласидиган аудиторлик ҳисбет санасига-да бўлган барча воқеалар мувофиқ равишда идентификацияланганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Аудитор маълумотномани ёки шарҳни аҳамиятига мажбутик воқеалар ҳисбет натижаларини корхона маъмурияти билан мұҳокама қилиш жараёнида аниқланадиган баланс тузилганидан кейин тайёрлайди. Аудитор бошқарувчиларининг ёзма ҳисбетларини, ҳисбет оид ҳужжатларни, ҳиссадорлик мажлислари баёнларини талаб қилиб олиш мумкин. Ҳисбет ва баланс тузилган саналар ўргасидаги узилиш катта бўлганида аудиторнинг мижоз молиявий аҳволи ўзгаришлари маблағларининг келиб тушиши, кутилмаган чиқимларий прогноз қилиши мақсадга мувофиқдир.

2.3. Аудитор аудиторлик ҳисбет тузилган санадан кейин юз берган воқеалар индентификации учун жавобгар эмас. Агарда аудиторга воқеалар маълум бўлиб қолса, унда у молиявий ҳисбетни ўзгаришиш заруратини баҳолаши ва бу вазиятни мижоз билан мұҳокама қилиши керак бўлади.

## 3. Молиявий ҳисбет чиқарилганидан кейин аудиторнинг ҳаракатлари

3.1. Молиявий ҳисбет чиқарилганидан кейин аудитор янгитдан очилаган фактларни тадқиқ қилишга бурчли эмас. Агарда молиявий ҳисбет чиқарилган ва аудиторга уни жиддий ўзгарирадиган ва аудиторлик ҳисбетига сана қўйилган сонияда аудиторга маълум

бўлмаган фактлар маълум бўлиб қолса, у бу вазиятни мижоз билан муҳокама қилиши керак. Мижоз тақдим этган қўшимача материаллар ўрганилганидан кейин молиявий ва аудиторлик ҳисоботларнинг айрим бўлимлар ўзгаришларига йўл қўйилади. Баланс тузилган санадан кейинги даврдан аудиторлик текширув чогида асосий кўрсатгичлар: дебеторлик ва кредиторлик қарздорликлари, м о л - м о д д и й б о й л и к л а р , к а п и т а л маблағлардинамикасининг ўзгариши хақидаги ахборотни олиш учун фойдаланилади.

Аудиторлик процедуралари бунда қўйидагиларни ўз ичига олади:

баланс тузилган санадан кейин ҳисобга оид регистрларни текшируви:

янгитдан очилган фактларни корхона раҳбарияти билан муҳокама қилиш:

бошқарув ва бош бухгалтернинг баланс тузилган санадан кейин рўй берган фактлар бўйича ёзма изоҳларни тушунтиришларини олиш.

3.3. Аудитор қўйидагилар учун масъулдир.

баланс тузилган санадан кейин юз берган фактлар бўйича ёзма изоҳларни (тушунтиришларини) олиш.

баланс тузилган санадан кейин юз берган воқеаларнинг молиявий ҳисботда тўғри ифодаланганинги текшириш:

баланс тузилган санадан кейин воқеаларни назорат қилиш:

аудиторлик хulosасини ўзгартиришга қадар ахборотни олган пайтда муайян чораларни кўриш.

### 9.5. Махсус белгиланган аудиторлик хulosаси

Махсус белгиланган аудиторлик хulosаси - бу, ўзига хос (специфик) молиявий ахборот, у маҳсус мақсад учун тайёрланади,

Хусусан:

молиявий ҳисботнинг алоҳида компонентлари хақидаги хulosаси;

муайян мақсад учун ҳисботнинг бошқа асосида тайёрланган молиявий ҳисботи хақидаги хulosаси;

фойда солиги хақидаги ҳисбот юзасидан хulosаси;

дебиторлик қарздорликнинг реалиги хақида, контрактларнинг бажарилиши хақида, фойда тақсимланишининг асосланганилиги хақидаги хulosаси;

жамлама (консолидацияланган) ҳисбот ҳақидаги хulosаси ва ҳ.к.

Агарда молиявий ҳисбот ностандарт бўлиб, маҳсус мақсад учун тайёрланса, унда аудитор ўз хulosасида буни айтиб ўтиши ва ҳисбот асосида қонуний норматив ва инструвтив материалларга зид келмаслигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Молиявий ҳисботнинг алоҳида компонентлари ( масалан, дебиторлик қарз, моддий - ишлаб чиқариш заҳиралари, тўпланган солиқлар ва ҳ.к.) ни текшириш пайтида аудитор ҳисботнинг алоҳида кўрсаткичларни ўртасидаги ўзаро бошлиқликни хақида ёдда

түтиши ва молиявий ҳисобот алоҳида моддаларининг бир бирига моддий таъсирини баҳолаш зарур. Бундан ташқари, текширилажак моддаларнинг моддийлигини баҳолаш лозим.

Контрактларнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботларни текшириш пайтида, аудитор ўз фикрини баён қилаётганида корхона битим талабларини бажарганми йўқми шуни кўрсатиши керак.

Баъзи ҳолларда корхоналар, корхона молиявий самарадорлиги ва молиявий асосий жиҳатларидағина манфаатдор бўлган фойдаланувчилар гуруҳларини хабардор қилиш учун расмий равишда тасдиқланган молиявий ҳисбботидан фарқли жамлама (консолидацияланган) молиявий ҳисбботни тайёрлайдилар. Бундай ҳолда аудиторлик хulosаси одатда қуйидагиларни ўз ичига олади:

асосида консолидацияланган молиявий ҳисббот шаклланган расмий молиявий ҳисбботта ҳавола;

текширилган молиявий ҳисббот тузилган санага ҳавола;  
Консолидацияланган ҳисбботдаги ахборотнинг таянч ахборотга мувофиқлик даражаси ҳақидаги фикр:

консолидацияланган ҳисбботдаги ахборотнинг таянч ахборотига мувофиқлик даражаси ҳақидаги фикр;

консолидацияланган молиявий ҳисбботдаги ахборот юзасидан мулодазалар.

### **(III - бўлим. АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВ УСЛУБИЁТИ (МЕТОДИКАСИ)**

**10.- боб. Бухгалтерлик ҳисобот аудиторлик текширувининг методик асослари.**

#### **10.1. Аудиторлик текширув босқичлари.**

Аудиторлик текширувлари муайян изчиликда қурилади. Кўлинча 10.1 тасвирида кўрсатилган "умумийдан хусусийга" деган ёндашув ишлатилади.

##### **Режалаштириш**

**Ҳисоб тизими билан танишниш**

**Йчки назорат тизимини баҳолаш**

**Йчки назорат тизимининг йўқлиги**

##### **Йчки назорат тизимини текшириш**

**Самарасиз**

**Самарали**

**Операцияларни тубдан  
текшириш**

**Операцияларни тубдан чекланган  
текшириши**

**Текширув натижаларини умумлантириш ва таҳлил қилиш**

**Аудитор холосаси**

#### **10.1. тасвири. Аудиторлик текширувининг озатдаги изчилигиги.**

Аудиторлик текширишнинг изчилиги тасвир-процедура (10.2. тасвири) кўринишида ҳам бўлиши мумкин.

**Тадбиркорлик фаолиятининг ташқи шарт-шароитлари**

**Тадбиркорлик фаолиятининг стратегияси маркетинг**

**Тадқиқотлар**

**Хариҷ**

**Ишлаб чиқариш**

**Тақсимот**

**Бухгалтерлик ҳисоб жараёни**

**Активлар      Пассивлар**

**Кирим      Чиқим**

**Корхона баланси**

**Молиявий натижалар  
ҳақидаги ҳисобот**

**Тасдиқлар**

Тўлалик, аниқлик, баҳо, нақдлик, чекловлар, ҳуқуқлар юзасидан мажбуриятлар, маълумотларни билдириш.

#### **10.2. тасвири. Аудиторлик текширувининг тасвир-процедураси.**

Ҳар бир аудитор ўз ишининг изчилигини текширилажак корхона хусусиятлари ва мижоз билан шартларидан хелиб чиқиб

мустақил равишда танлайди. Аудиторлак текширувчининг пробацияланган методикаларини қўйлаш аудиторлик санаккалчилигини минимизация қилишга ва текширувни янада қисқа муддатларда ўтказишга имкон беради.

Аудиторлик текширув жараёнида муайян босқичлар ҳаралади:

корхона билан танишди: иктисодий мұжитни баҳолаш, ҳисобот, тасис ҳужжатлари, бухгалтерлик ҳисоб ақволи ва корхона ғалдиятининг йўналишлари билан танишиш;

аудиторлик текширув юзасидан шартнома тузиш (хаттукбуряятни тузиш)

аудит режаси ва дастурини тузиш;

таъсис ҳужжатларини ўрганиш: рўйхатга олиш санаси, мұяк шаклары, муассислар, низомий капитал миқдори, уни шақулантириш муддат ва тартиби; бошқарув структураси: фаолиятни тўхтатиш;

бошқа ҳужжатларни ўрганиш, умумий мажлислар баёнлар директор буйруқларини: раҳбарият ваколатлари, раҳбарият фармойишлари расмийлаштирилишининг тўғрилиги; таъсис ҳужжатлари билан зиддиятнинг йўқлигини аниқлаш.

корхона ҳисботини ўрганиш: бузилишлар, ҳисботдаги номувофиқлар, ҳисбестининг ўргатилган шаклларида мустақил тартибларнинг мавжудлигини аниқлаш. "Балансда кўрсатилган низомий капитал қийматининг таъсис ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш, ҳисбот шакллар, кўрсаткичларини саноқли текшириш, кўрсаткичларни мантиқан таҳлил қилиш (масалан, келгуси даврлар чиқимлари бўйича катта сальдо ва бошқа) ва ҳ.к.лар.

режа ва аудиторлик дастурни аниқлаш ва тузатиш;

ҳисбот кўрсатишларининг аудити

Бош китобни текшириш (ҳисоб шаклларидағи ёзувларнинг Бонн ҳисбодаги ҳисоблар бўйича қолдиқларга мувофиқлиги, харажатлар ва реализация ҳисоб рақамлари билан корреспонденциялайдиган ҳисобларни аниқлаш: фойда ва зарар ҳисоб рақами билан корреспонденциялайдиган рақамларни аниқлаш, реализация ҳисоб рақамлари бундан мустасно, фойдани тўтлаш ва ундан фойдаланиш юзбен берган ҳисоб рақамларини аниқлаш ва бошқа);

харажатларни маҳсулот таннархига ҳисоблаб ёзилишининг тўғрилигини текшириш:

маҳсулот реализациясидан келган даромадларни текшириш;

ўзга реализациядан келган кирим ва чиқимларни текшириш.

реализация билан боғлиқ бўлинган операциялардан келган ҳизим ва чиқимларни текшириш:

иши ҳақиқини ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш тартибини текшириш;

фойдани тўтлаш ва ундан фойдаланиш тартибини текшириш;

хазина (касса) операцияларини олиб бориш тартибини текшириш;

моддий бойликларни ҳисобга олиш, киришга қайд қилиш, ва

ишилаб чиқариш учун беришни текшириш:

солиқларни ҳисоблаб ёзишининг тўғрилигини ва ўз вақтида тўланишини текшириш:

бюджетга ва бюджет билан боғлиқ бўлмаган жамғармаларга тушимлар, чегирмалар ва мажбурий тўловлар ҳисоб-китобларининг тўғрилигини ва ўз вақтида тўланганинг текшириш:

дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни текшириш, аудиторлик хulosасини тайёрлаш.

ноаниқ мажбуриятлар билан танишиш:

аудит ва аудиторлик процедураларни ўтказиш режасини ижросининг шарҳи:

аудиторлик хulosасини ва аудиторлик текширув ҳақидаги шартнома бўйича ишларни қабул қилиш далолатномасини имзолаш:

Текширувни ўтказиш пайтида аудитор:

а) корхона тури, текширув мақсади ва ушбу бухгалтерлик (молиявий) ҳисботининг асосий фойдаланувчиларига қараб бухгалтерлик ҳисобининг энг муҳим бўлимларини ажратиб олиши ва бутун диққат-эътиборини шу бўлимларга қаратиши;

б) ҳеч бўлмаса умумий тарзда корхонадаги бухгалтерлик ҳисобининг ҳамма бўлимларини албатта текшириб чиқиш зарур. Кўпгина хатолар ва ноқонуний ҳаракатларни тақдим этилган ҳужжатлар билан илк танишган пайтдаёқ аниқлаб топиши мумкин.

## 10.2. Корхона бухгалтерлик ҳисботининг умумий шарҳи

Текширув ҳисоб шаклларининг умумий нархидан бошланади. Бунда, энг аввало шакллар адресли қисмининг тўлдирилишига эътибор берилади. Бу ерда таъсис ҳужжатларига мувофиқ равишда корхонанинг тўла номи кўрсатилиши керак.

Корхона фаолиятининг тури ("Соҳа" реквизити) унинг Низомига мос келиши керак, фаолиятнинг ушбу тури лицензияланган ҳолда эса корхонада лицензиянинг нақдлиги ва унинг амал қилиш муддатини текшириш зарур. Шуни назарда тутмоқ керакки, таъсис ҳужжатларидаги корхонага қонунлар томонидан тақиқланмаган фаолиятнинг бошқа турлари билан ҳам шуғулланиши мумкин деган ёзув, айтайлик, музлатгичлар ишилаб чиқариш учун ташкил этилган ҳиссадорлик жамиятига қимматли қоғозлар билан операциялар билан шуғулланишга асос бермайди.

Корхона фаолиятининг турини аниқлаш корхонанинг асосий ва ўзга фаолият бўйича кирим ва чиқимларни тўғри чегаралар учун керак.

Шундан сўнг шакл бўйича ҳисбот тўлдирилишининг тўғрилиги (кўзда тутилган ҳамма кўрсаткичларнинг нақдлиги, тузатиш ва доғларнинг йўқлиги) текширилади ва ҳисбонинг аудиторлик таваккалчилиги нақадар жиддий бўлган жойлари аниқланади, яъни ушбу мижоз учун фирибгарлик ёки ҳисоб ҳамда ҳисботда

шапарнинг бўлиш эҳтимоли юқори бўлган жойлар аниқланади. Шунга қараб ғоят пухта текширилиши лозим бўлган, ҳамда мижоз инборотига ишониш ҳам мумкин бўлган операциялар ва активлар аниқлаб чиқлади.

Цундан кейин саноқ текширувани ўтказиш, яъни бухгалтерлик ҳисоботининг турли шакларида акс эттирилган кўрсаткичларнинг таққослана олиши ва ўзаро мувофиқлигини текшириш зарур.

## **ХІ-боб. БАЛАНС ТУЗИЛИШИННИГ ТЎҒРИЛИГИНИ ТЕКШИРИШ**

**Баланс тузилишининг тўғрилигини текшириш қуйидаги асосий ижатларга асосланади:**

1) давр бошига бўлган баланс моддалари ўтган даврги баланс маълумотларига мувофиқ келиши керак. Йил бошларига кириши билансининг ўзгартирилганида ўтган йилги ҳисобот билансига нисбатан тегишли тушунтиришлар (изоҳлар) берилishi керак;

2) баланс моддалариниаг ҳисобот даврининг охирига берилган маълумотлар инвентаризация натижалари билан асосланган бўлиши керак.

3) молия, солиқ идоралари, банк муассасалари билан ҳисобкитоблар бўйича баланс моддаларининг суммалари улар билан келишилган ва бир хил бўлиши лозим:

4) якуний баланс маълумотлари Бош китоб ёки бухгалтерлик ҳисобининг бошқа шунга ўхшаш регистрини рақамлари бўйича ҳисобот йил охирдаги муоммалалари ва қолдиқларига мувофиқ келиши керак.

5) йил боши ва охири учун балансларнинг маълумотлари баланс таққосланадиган бўлиши керак. Кириш ва якуний баланслар бир моддаси ўзининг шаклланиши методологиясидаги ҳар қандай фарқ тушунтирилган бўлиши лозим.

### **11.1. Номоддий активлар ва асосий воситаларнинг балансда тўғри акс эттирилганигини текшириш**

Номоддий активлар ва асосий воситаларнинг балансда тўғри акс эттирилганигини текшириш иккита асосий жиҳатини ўз ичига олади:

1) корхонанинг тегишли активлари номоддий активлар ва асосий воситалар таркибига киритилганинлигига ва уларнинг ҳақиқатда икъдлигига ишонч ҳосил қилиши зарур.

2) номоддий активлар ва асосий воситаларни орттириш, уларнинг эскириши ва чиқишини ҳисобга олишнинг тўғрилигини текшириш зарур.

Номоддий активлар таркиби бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисботи ҳақидаги Низом маҳсулот таннархи (иш, хизматлар)га киритиладиган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш (иш, хизматлар) бўйича харажатлар таркиб ҳақидаги ва фойдадан

солиқ пайтида ҳисобга олинадиган молиявий натижаларни шаклантириш тартиби ҳақидаги Низом ва баш месъерий ҳужжатлар билан бошқарылади. Хусусан, илмий-техник соңа объектларини номоддий активлар таркибиға киритиш тартибиға мувофиқ белгиланади.

Номоддий активлар ва асосий воситаларни ҳисобга олиш шунингдек, уларни чиқариш (рўйхатдан) бўйича операциялар N13 журнал. (Бу ерда ва бундан кейин ҳисобчиликнинг ягона журнал-ордекрт шаклига мувофиқ равишда намунали ҳисоб регистрлари келтирилган):

Номоддий активлар бухгалтерлик ҳисобига етарли даражада янги тушунча бўлгани сабабли 04 "Номоддий активлар ҳисобида ҳисобга олиниган объектларни ёппасига текшириш лозим. Бунда номоддий активларга қуйидаги характеристикаларга эга бўлган активлар киришидан келиб чиқиш лозим:

Моддий-ашёвий шаклиниг йўқлиги, бироқ фойдаланиш ҳукуки ҳақидаги қуйидаги кўринишдаги гувоҳномалар патент, лицензия, контракторлик ёки технологик ҳужжатлар, ташкилий харажатларни тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари ва бошқа. Бундай ҳужжатли гувоҳномасиз номоддий активлар ҳисобга қўйилиши мумкин эмас.

Фойдаланишининг узоқ муддати даври:

даромад келтирувчи, эҳтимол, келаси даврларда даромад келтирувчи активлар. Бундай ҳолларда эскирганликни ҳам номоддий активдан ҳақиқатда фойдалана бошланган сониядан (эксилуатацияга тоширилган сониядан) бошлаб ҳисоблаб ёзиш зарур.

Корхонада номоддий активлар объектларининг ҳақиқатдан ҳам нақдлигини ва улар таркибининг Корхона балансига иловада келтирилган йил охири маълумотларига мувофиқлигини ва улардан ҳақиқатан ҳам фойдаланаётганикларини текшириш ҳам муҳим. (Бу маълумотларга қараб ҳам эскирганликни ҳисоблаб ёзиш мумкин).

Агар корхонада асосий воситалар объектларининг катта бўлмаган миқдори мавжуд бўлса, унда уларни ёппасига текшириб чиқиш зарур, агар уларниг миқдори анча катта бўлса, унда улар гуруҳларга бўлинib, ёппасига текширилади (масалан, унда транспорт воситалари, АЭҲМ, мебель, бошқа қимматбаҳо объектлар) ёки танлаб олиб текшириладиган гуруҳларга (улардан масалан, ҳар бир 10-объект текширилади) бўлинади. Иш охирда келиб тушган асосий воситалар объектларига алоҳида зътибор бериш лозим. Бунда асбоб-ускунанинг профиллигига зътибор бериш ва лозим томонидан асосий воситаларининг у ёки бу объектларни ортириш заруратини баҳолашга ҳаракат қилиш лозим.

Асосий воситаларинг нақдлиги инвентар карточкалари, инвентар рўйхатлари ва ҳақиқий нақдлик асосида текширилади. Асосий воситалар объектларини фактик текшириш корхонада ҳисобга олинмаган асосий воситаларининг йўқлигини тасдиқлаши керак.

Корхона орттиражак номоддий активлар ва асосий воситалар бўйича узоқ муддатли сармоялар ҳисоби 08 "Капитал маблағлар" ҳисобида олиб борилади, корхонага низомий капиталга улуш инфатида берилган ва давлат идоралари, ҳукуқий ва жисмоний шакслардан беминнат олинган объектлар бундан мустасно. Қурилишга ва номоддий активлар ҳамда асосий воситалар орттиришга кетадиган харажатлар ҳисоби шунингдек, алоҳида объектларнинг инвентар қийматини аниқлаш тартиби узоқ муддатли сармояларнинг бухгалтерлик ҳисоби бўйича Низомда белгиланган. Ўз Низомга баланснинг "Номоддий активлар", "Асосий воситалар", "Қурилма учун асбоб-ускуна" ва "Тугалланмаган капитал маблағлар" моддалари бўйича маълумотларнинг тўғри акс ортирилганини текшириш пайтида ҳам амал қилиш мумкин.

08 ҳисобида номоддий активлар ва асосий воситалар объектларининг инвентар қиймати калькуляцияланган у (қиймат) уларни бунёд этиш, барпо қилиш, орттириш бўйича ҳамма ҳақиқий таржатлар ва уларни режалаштирилган мақсадларда фойдаланиш учун яроқли ҳолатта келтириш билан чиқимларни ўз ичига олади.

Бунда орттирилган объектлар қийматига қараб киритилади: сарид нархи, ташиш (транспортировка) юклаш ва туширишга таржатлар, юкни сугурта қилиш ва сақлаш, божхона ҳақи, солиқ ва тўловлар, шу жумладан ҳужжатларни расмийлаштириш учун ҳақ (импорт қилинадиган асосий воситалар бўйича шунингдек, монтаж ва ўрнатиш қиймати ва номоддий активлар объектлари ҳамда асосий воситаларни иш ҳолатига келтириш учун зарур бўлган бошқа таржатлар).

Шуни назарда тутниш лозимки, капиталини сарф қилиш ва номоддий активларни орттириш пайтида уларни ҳисобга олиш рақамларида бошқа таржатлар билан рақам бир қаторда бу мақсадларга олинган банклар кредитлари ва ўзга қарз мажбуриятлари бўйича фоизларда тўлаш бўйича чиқимлар қўшиб сидади. Бунда асосий воситалар объектлари ишга туширилгандан ва номоддий активлар ҳисобига қўйилгандан кейин тўланган фоизлар 81 "Фойдаланниш" ҳисоб дебетига ёзиб қўйилади ва асосий воситалар ва номоддий активларнинг дастлабки қийматига киритилмайди.

Шуни назарда тутниш лозимки, капиталини сарф қизини ва номоддий активларни орттириш пайтида уларни ҳисобга олиш рақамларида бошқа таржатлар билан рақам бир қаторда бу мақсадларга олинган банклар кредитлари ва ўзга қарз мажбуриятлари бўйича фоизларни тўлаш бўйича чиқимлар қўшиб сидади. Бунда асосий воситалар объектлари ишга туширилгандан ва номоддий активлар ҳисобига қўйилгандан кейин тўланган фоизлар 81 "Фойдаланниш" ҳисоб дебетига ёзиб қўйилади ва асосий воситалар ва номоддий активларнинг дастлабки қийматига киритилмайди.

Номоддий активлар ва асосий воситаларни орттириш биле боғлиқ бўлган солиқларнинг ҳисобига тўғри акс эттирилганлиги алоҳида эътибор бериш лозим. Масалан, солиқлар тўғрисидек қонунларга мувофиқ асосий воситалар обьектларининг инвентар қийматига 08 "Капитал маблағлар" ҳисобининг дебети бўйича ("Бюджет билан боғлиқ бўлмаган тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар кредити билан корреспонденциясида, "Йўл жамғармалари билан ҳисоб-китоблар субсчети) акс эттирилган автотранспорт воситаларини жамғармасига киритиладиган солиқ киритилган. Орттирилган номоддий активлар ва асосий воситалар бўйича қўшимча қиймат солиғи ҳисобининг бу обьектлари баланд қийматининг ортишга ҳисоблаб ёзилмаган (демакки, эскириши ҳисоблаб ёзишда ҳисобга олинмаган). Корхонага тақдим этилишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олинган номоддий активлар ва асосий воситалар учун қўшимча қиймат солиғи суммалари 2 "Орттирилган бойликлар бўйича қўшимча қиймат солиғи ҳисобининг дебети ва 60 "Таъминловчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар ҳисобининг кредити ёки 75 "Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисоби бўйича акс эттирилган Кейинчалик 19 ҳисобда ҳисобган олинган солиқ суммалари асосий воситалар эксплуатациясига топширилган ва номоддий активлар ҳисобга олинган сониядан бошлаб бой давомида тенг улушларда бюджетта тегишли тўловлардан ҳисоблаб чиқарилган.

Агарда моддий ёки асосий воситалар ишилаб чиқариш мақсадлари учун орттирилган бўлса, шунингдек, енги автомобиллар ва микроавтобуслар харид қилиш пайтида, тўланга қўшимча қиймат солиғи бюджет билан ҳисоб-китобларрга киритилмаган, балки молия билан таъминлашнинг тегишиш манбалари ҳисобига қопланган (масалан, 81 ҳисобга ёзи кўйилган).

Курилиши тугалланган обьектларни эксплуатацияга топшириш пайтида тўланган қўшимча қиймат солиғи суммалари бундай асосий воситаларнинг инвентар қийматига киритилади ва эскириши ҳисоблаб ёзини орқали таниархга ҳисоблаб чиқарилади.

Корхонанинг ўзи ясатан ишмоддий обьектлорни асосий воситалар обьектлари уларни ясайдиги ва унорни режалкнитирилган мақсадларда фойдаланиши учун яроқчи ҳолатга келтириш учун кетган ҳамма ҳақиқий ҳаракатлар суммасини қараб баҳоланади. Номоддий активлар ва асосий воситаларни яратиш бўйича барча чиқимлар ҳам 08 ҳисобида аккумуляцияланади.

Корхонада яратилган ёки келиб тушган номоддий активлар ва асосий воситалар обьектларни иш ҳолатига келтириш бўйича ишлар тугаши билан улар қабул қилиш далолатномаси асосида номоддий активлар ва асосий воситалар таркибига ҳисоблаб ёзилади. Белгиланган мақсадларда фойдаланиш учун тайёр бўлмаган капитал маблағлар (номоддий активлар, асосий

тасаралар) объектлари 08 ҳисоби бўйича ҳисобда қолади ва "Монтажмаган капитал маблағлар" моддаси бўйича балансда акс қилинган капитал маблағлар (капитал қурилиши) объектларининг қадарни ҳам акс этирилади (уларни доимий эксплуатацияга тушунишгача улар ҳам шунингдек, асосий воситалар таркибига кирсанылади).

Муассисларнинг номоддий активлар ёки асосий воситаларниң оларни олинган низомий капиталига баҳдал сифатида киритганларида тоғанинг қиймат томеншарнинг келишувига кўра белгиланади ва уларни оларни кўрсатилиши керак. Бу баҳода улар ҳисобга кутиши керак.

Номоддий активлар ва асосий воситалар текин олинган пайтда (бўйича олумадак, давлат субсидиялари сифатида) уларни баҳолаш жадид йўли билан амалга оширилади (бунянг тасдиғи учун уларни оларни ҳужжатларида бўлиши керак) ва уларни кирим сифатида қайд иштаган учун 87 "Кўшимча капитал" ҳисобдан фойдаланилади. Шуни оларни оларни киритиш, фойда солигина ҳисоб-китоб қилиш пайтида оларни олинган бойликлар суммаси солиқ солиш базасига киритади. Кўшимча қиймат солигига келсак, текин олинган активлар бўйича кўшимча қиймат солиги ҳисоб-китоб қилинганларида ажратиб чиқарилмайди ва олиб бораётган томон оларни қисмда қабул қилинаётган томонда эскириш таркибида оларни киритиш ҳарражатларига ҳисоблаб чиқарилади.

Корхона ўрнатиш (монтаж)ни талаб қиласидиган асбоб-ускунага талаб харид қиласидиган бухгалтерлик ўтказиш амалга оширилиши учун 07 "Курилма учун асбоб-ускуна ҳисоб дебети- 60" ҳисобидан олинланган ҳақиқий ҳарражатлар суммасига. Муассислар талабида асбоб-ускунани низомий капиталга уларнинг улушлари олинганда, қуйидаги ёзув амалга оширилади: монтажнинг келишувига кўра баҳода 07 ҳисоб дебети - 75 ҳисоблар билан ҳисоб-китоблар" ҳисоби кредити. Текинга оларни пайтида, кирим давтарига қайд қилиш дафтарига қайд иштаганда гаргибинга корхонага номоддий активлар ва асосий воситалор текинга берилгани пайтдагидекдир.

Монтажга тоннажини из асбоб-ускуна қиймати 07 ҳисобидан 08 ҳисобида тақдизиб чиқарилади. Корхона омборларида турган ва оларни бўлган асбоб-ускуна заҳиралари балансда йил охирида "Курилма учун асбоб-ускуна" моддаси бўйича акс этирилади.

"Курилма учун асбоб-ускуна" моддаси бўйича балансда кумотларини тасдиқлаш учун асбоб-ускунанинг кирим давтаридаги тўғри қайд қашинганингни ва унинг сақланиш жойларида турган ҳам нафуз эканлигини назорат қилиб чиқиш зарур (асосий воситаларни ҳисобга олишнинг тўрилиги ва уларнинг ҳақиқий ҳисоби олигини текшириш пайтида қўлланиладиган услублардан иштагандан). Монтажни талаб қиласидиган асбоб-ускунани (транспорт

воситалари, эркин туралын дастгоҳлар, қурилиш механизмлари, ишлаб чиқариш асбоб ва жиҳозлари, ўлчов ва бошқа асбоблар ва бошқа) ортиришга кетган харажатлар бевосита 08 "Капитал маблағлар" ҳисобида омбор ёки бошқа сақлаш жойига келип тушиши билан акс эттирилади.

Баланс "Қурилма учун асбоб-ускуна" ва "Тугалланмаган капитал маблағлар" моддалари бўйича маълумотлар балансида акс эттирилганликнинг тўғрилигини текшириш учун N16 сонли журналь ордер ва N18 ҳамда 18-1 ведомостларида ҳисобга олинадиган ахборотдан фойдаланиш лозим.

Номоддий активлар шунингдек, асбоб-ускуна ҳисобида чиқарилган пайтда, улар реализация қилишдан олдин натижа 48 "Ўзга активлар реализацияси" ҳисобида аниқланади.

Номоддий активларнинг бошқа корхоналар низомий капиталларига бадал сифатида қўшиш пайтида, улар 06 "Узоқ муддатли молиявий сарфлар" ҳисобида ҳисобга олинган (об-1 "Пай ва акциялар субсчети").

Асосий воситалар ҳисобдан чиқарилган пайтда уларнинг баланс (дастлабки) қиймати 01 ҳисоби кредитидан 47 "Асосий воситалар реализацияси ва уларни ҳисобидан чиқариш" ҳисоби дебети билан корреспонденцияда ёзиб чиқарилади.

Номоддий активлар бўйича эскирганлик балансда (ва ҳисоблаб ёзишда) тўғри акс эттирилганликнин текшириш пайтида шуни назарга тутиш лозимки, эскирганликнин ҳисоблаб ёзиш корхонанинг ўзи, номоддий активлардан фойдаланишнинг белгиланган муддатидан келиб чиқиб аниқлайди. Фойдални ишлаш муддатини аниқлашнинг имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскирганлик нормалари 10 йил ҳисобидан ўрнатилади (бироқ корхона фаолияти муддатидан ортиқ эмас).

Амортизация муддати ўтиши билан на номоддий активлар, на асосий воситалар бўйича эскириш ҳисоблаб ёзилмайди. Эскириш номоддий активлар ва асосий воситаларнинг ҳисобидан чиқарилаги объектлар бўйича ҳам ҳисоблаб ёзилмайди. Шунинг учун номоддий активлар ва асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилган объектлар бўйича эскирганликни қачон ҳисоблаб ёзиш тўхтатилганликнин текшириб чиқиш лозим.

Асосий воситалар бўйича эскиришни ҳисоблаб ёзишнинг тўғрилигини текшириш пайтида шуни назарда тутиш керакки, асосий воситалар эскирганликнин ҳисоблаб ёзиш уларнинг тиклаш қийматидан келиб чиқиб амалга оширилади ва корхоналар қабул қилинган ҳисоб сиёсатига мувофиқ асосий воситаларнинг алоҳида объектлари бўйича тезлаштирилган амортизация механизмидан фойдаланишлари мумкин.

Корхонага мулк сифатида тегишли бўлган асосий носифатлар объектларининг ҳисобидан чиқарилганида (сотилганида, рўйхат чиқарилганида, текинга берилганидан ва бошқа).

Агар бўйича ҳисоблаб ёзилган эскириш суммаси 02 "Асосий ғонитларни эскириши" ҳисоби дебетидан 47 "Асосий воситаларнинг ғонитларни эскириши" ва уларнинг бошқа ҳисобидан чиқарилиши ҳисоби ёки ўнгига ёзиб чиқарилади. Агарда узоқ муддатли ижара объекти Ўрнунига қайтса, унда ҳисоблаб ёзилган эскириш суммасига қўйинаги ёзув қилинади: "02 ҳисоб дебети 03 "Узоқ муддатта ижарага олинадиган асосий воситалар" ҳисоб кредити.

Эскирганни ҳисоблаб ёзишнинг тўғрилиги 1-2 ой учун ҳисоб-китобни тузиш йўли билан танлаб текширилади.

Номоддий активлар ёки асосий воситаларнинг ҳаракати (келиб ғонитиши, ҳисобдан чиқиши) рўй берган ойларни танлаган маъкул.

## 11.2. Баланс молиявий сарфларниң акс эттирилвиш тўғрилигини текшириш

Молия сифатларига корхонанинг давлат қимматли қоғозлари/ облигациялар ва бошқа қарзлар юзасидан мажбуриятлар/ бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозлари ва низомий капиталлари, шунингдек, бошқа корхоналарга берилган қарзлар киради.

Молиявий маблағлар, сарфланган муддатга қараб, узоқ /максимум/ 1 йилдан ортиқ/ ва қисқа муддатли /узоги билан 1 йилгача/ молиявий маблағ бўлинади. Уларни балансда тегишли равишда "Узоқ муддатли молиявий сарфлар" ва "қисқа" муддатли молиявий сарфлар" моддалари бўйича ифодаланаади.

Молиявий сарфлар ҳисобга сармоядор учун ҳақиқий харажатлар суммасида қабул қилинади. Давлат қимматли қоғозлари бўйича облигацияларни, бошқа давлат қарз мажбуриятларини олишга кетган ҳақиқий харажатлар суммаси ва нормал қиймат ўртасидаги фарқни, уларнинг айланиш муддати /шумомида хўжалик фаолияти натижаларига тенг бўлиб ёзиб қўйишга рухсат берилади, яъни корхона/ сотиб/ олинган облигацияларнинг харид қиймати уларнинг номинал қиймати юқори /наст/ бўлса, унда улар бўйича олинниши кутиладиган даромадни ҳисоблаб ёзиш пайтида иш фарқининг умумий суммасидан ва бундай қимматли қоғозлар бўйича даромадлар тўлашининг белгиланган даврийлигидан келиб чиқиб, харид ва номинал қиймат ўртасидаги фарқнинг бир қисмини 06 "Узоқ муддатли молиявий сарфлар" /58 "Қисқа муддатли молиявий сарфлар"/ ҳисоб рақами бўйича ҳисоблаб чиқариб қўйилади. Натижада белгиланган облигацияларни пул эвазига қайтим олиш пайтига келиб уларни 06/ 58/ ҳисоб рақамида баҳолаш номинал қийматига мувофиқ келиши мумкин.

Бухгалтерлик ҳисоб ва ҳисботда акцияларни сотиб олишга кетган ҳақиқий харажатлар суммасида баҳоланиб, бу, акциянинг харид қийматини /номинал баҳо ва элементта тўланадиган мукофот суммаси ёки элемент томонидан бериладиган скидка /ва ушбу мол/

спецификацияси билан шартлансан қўйицма чиқим сармоя бўйича маслаҳатчи хизматларига тўлаш: сармоя бўйича воситачи /молия брокери/ ҳақи, қимматли қоғозлар билан операциялар солигини ўз ичига олади.

Акциялар суммаларда чет эл валюталари ёки ўзга юк мулкни ҳиссадорлик жамиятига эгалик қилиш ёхуд фойдаланиш учун тақдим қилиш йўли билан тўланиши мумкин. Бироқ битим га тўлов шаклидан қатъий назар, акцияларнинг қиймати сўмларда ифодаланади.

Пул маблағларини акциялар тўлов сифатида ўтказиш тегишли шартнома асосида / ёхуд савдо-сотиқ бўйича битимни акс этувчи бошқа ҳужжат/ амалга оширилади. Агарда бундай пайтда акцияларнинг тўла қиймати тўланадиган бўлса, унда ҳисобга 06 ҳисоб рақамининг дебети ва 51 "Ҳисоб-китоб рақами" ёки 52 "Валюта ҳисоби" кредити бўйича тегишли езув киритилади. Агарда акциялар учун тўланган суммаларнинг бир қисми корреспонденцияда пул маблағларини ҳисоблаш ва ҳисоб рақамлари кредити бўйича ёзув ёзиб қўйилади, /масалан, 76 "турли дебиторлар ва кредиторалар билан ҳисоб-китоблар", "Сотиб олинаётган акциялар" учун ҳисоб-китоблар субсчети. Пулни ўтказиш акция қийматининг бир қисми ҳисобига амалга оширилиб, бу қисм сармоядорга дивидендер олиш ҳуқуқини берганда ва унга ҳиссадорлар жамияти фаолияти учун масъулиятни юклаганда, унда ҳисобда 06 ёки 58 ҳисобда рақами дебети ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисоб рақамлари кредити бўйича /акциялар тўлаш ҳисобига ҳақиқатан ўтказилган суммага/ ва 76 ҳисоб рақамга ёзув ёзиб қўйилади, "Сотиб олинаётган акциялар учун ҳисоб-китоблар" субсчети.

Ҳисботда бу қўйидаги тарзда ифодаланади: тўла равиша тўланмаган акциялар активида уларни ўзга харид қийматида кўрсатилиб, тўланмаган суммаси сармоявэр дивидендер олиш ҳуқуқига эга бўлган ва бу сарфлар бўйича тўла жавобгар бўлган ҳолларда баланс пассивида кредиторлар моддаси бўйича кўрсатилади. Қолган ҳолларда акцияларни сотиб олиш учун ҳисобга ўтказилган суммалар баланс активида дебиторлар моддаси бўйича кўрсатилади.

Худди шундай йўсингдан акциялар пул маблағлари билан эмас балки турли хил моддий, немоддий ва ўзга активлар билан тўланганда ҳам фойдаланилади. Бу мулкни ҳиссадорлик жамияти эгалиги табиий (натурал) шаклда олиб бўриш учун баҳолаш реал бозор нархлари асосида томоқларнинг келишувига кўра белгиланади. Натурал мулкни фойдаланишга берниш учун мулк баҳоси бу мулқдан фойдаланганлик учун ижара ҳақидаи келиб чиқиб белгиланади. Ижара ҳақи таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жамият фаслини кўрсатсан бутун муддат еки таъсис ҳужжатларида ўзга муддат кўзда тутилмаган тақдирда ҳиссадорлар томонидан

Боғыттар ай бошқа муддат учун ҳисоблаб ёзилади. Тизимли ҳисобда ғана иштеп ёзувларни амалга ошириш учун асос бўлиб сармоядор таъминидан ҳиссадорлар жамиятига объектларни олиб борганилигини таъминувлари ҳужжатлар хизмат қиласи (масалан, материалларни берилганлиги ҳақидаги накладная асосий воситаларни қабул қиласи – төншириш далолатномаси ва ҳ.к. бу бойликларни олиш учун берилган ишонч қофозларини илова қиласи ҳолда).

Муъин олиб бериш йўли билан сотиб олинадиган акцияларни Ҳизом баланс боғлиқ операциялар 47 "Асосий фондларни реализация қилиш ва ўяга рўйхатдан чиқиш" ва 48 "Ўзга активларни реализация қилиш" ҳисоб рақамларидан фойдаланган ҳолда сармоядор ҳисобида акс эттирилади.

Солиб олинажак акцияларнинг харид нархи 06(58) ҳисоби билан корхона инденциядада 47 ёки 48 ҳисоб рақамининг кредитига ёзиб қўшилади. Акциялар тўлови ҳисобига олиб борилажак мулкий таъминидан баланс қиймати тегишли ҳисоблар кредитидан 48 ёки 47 ҳисоблар дебетига ҳисоблаб чиқилади. Ҳисобнинг ва ҳисобидағи ифоданинг худди шундай методикасидан бошқа корхоналарнинг низомий капиталларига сарфларни ҳисобга олиш шартни да ҳам фойдаланилади.

Акцияларни ҳисобга қўйиш (06 ёки 58 ҳисобларга дебет бўйича қўшиш учун) учун асос бўлиб депозитарийнинг акцияларни корхона инденцияга омонат учун қабул қилиш ҳақидаги маълумоти ёки сертификатни (сертификатлари) қабул қилиш ҳақидаги кирим ордери таъминидан рақамларида корхона томонидан сотиб олинадиган акцияларга тўлов учун ўтказилган маблағлар сифатида турган, бирек уларга акцияларнинг ўзи ёки сертификатлар олинмаган саломатар қимматли қофозларнинг ҳақиқий нақдлигини ифодаловчи саломатларга ўтказиб қўйилади.

Депозитарий вақтда акцияларни депозитарийларда сақлаш билан таъминланадиган ўзинимча чиқимларнинг маҳсулот таъннархига киритилмас-ти таъннархига улар фойда ва зарар ҳисобига бевосита ҳисобланмаслигини таъннархига тутиш лозим. Улар корхонанинг соғ фойдаси ҳисоби-ни маблағ билан таъминланади. Бухгалтерлик ҳисобида бундай таъннархига 81 "Фойдадан фойдаланиш" ёки 88 "Тақсимланмаган фой-да (зарар) таъминланмаган зарар) ҳисоб рақмалари дебети бўйича пул маблағи таъни ёки ҳисоб-китоблар ҳисобининг ҳисоб рақмлари билан ко-нгиди. Инденциядада акс эттирилиши лозим.

Симматли қофозлар баҳосини тўлаб қайтариб олиш 48 "Ўзга активларни реализация қилиш" ҳисоб рақами орқали акс эттирилади.

Акциялар гаровига берилган пайтда корхона ҳисобида 06(58) ҳисобида 6 рақами бўйича ичкни ёзув амалга оширилади; бу акциялар қий-мати махсус очилажак "Гаровга берилган акциялар" (субсчети) аж-ирилди. Акциялар гарови билан таъминланган мажбу-тиларни бажаёнлапши корхона ҳисобида акс ёзувни келтириб оширилади.

активининг тегишли моддалари бўйича ифодаланган ишлаб чиқариш заҳиралари ва нархи паст ҳамда тез эскирадиган нарсалар қўйиб қўйилади.

Бундан ташқари материалларнинг йўлдаги қиймати, яъни тўланган, бироқ ҳисобот даври охирига қадар ҳали олинмаган ишлаб чиқариш заҳиралари балансини тузиш пайтида "Ишлаб чиқариш заҳиралари" моддасига 10 ҳисоб рақами дебети бўйича йўлда бўлган моддий бойликларни ҳисобга қабул қилиш ҳақида ой охиридаги шартли бухгалтерлик ёзуви /ҳақиқий таннарх бўйича баҳолангандан/ ёхуд "Ишлаб чиқариш заҳиралари" баланс моддасига ҳисобот даври охирига 15 ҳисоб рақами бўйича /ҳисоб нархлар бўйича баҳолангандан/ йўлдаги материалларга кирадиган дебетга қўшиб қўйинш орқали киритилади.

Келадиган ойнинг бошида 10 ҳисоб рақами дебети бўйича шартли бухгалтерлик ёзуви сторно қилинади.

Шуни назарда тутиш керакки, корхоналар бухгалтерлик ҳисоби ё ҳисоботи ҳақидаги Низомга мувофиқ ва инвертариизация қалолатномалари, ҳисобот йили охиридаги бозор нархлари ва моддий бойликлар баҳоси йил давомида улар маънавий жиҳатдан экирғани ёки ўзларининг дастлабки сифатини қисман йўқотгани ўфайли пасайган ҳолларда аввали харид қилинган моддий бойликлар нархи ҳақидаги маълумотларга асосан бухгалтерлик балансида /йил охирода/ хом, ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, сиилғи, харид қилинган ярим фабрикалар ва комплектловчи қуомлар, эҳтиёт қисмлар, тара: тайёр маҳсулот ва моллар савдо таъминот ва сотиш ташкилотларида заҳираларини реализация баҳосида нархлардаги фарқни молия натижаларига ҳисобланган колда акс эттиришлари мумкин.

### 11.3.2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш

"Тугалланмаган ишлаб чиқариш" моддаси бўйича балансда 20 "Асосий ишлаб чиқариш" 21 "Ўзида ишлаб чиқарилган ярим фабрикалар", 23 "Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар", 29 "Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва ҳўжаликлар" /қурилиш, савдо, таъминот ва бошқа соҳаларда фаолиятнинг нақдлигида эса "Нокапитал ишлар" ва 44 "Муомала чиқимлари" ҳисоб рақамларида маблағлар қолдиқлари ҳам / ҳисоб рақамларида турган маблағларнинг қолдиқлари акс эттирилиши керак.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича шунингдек балансда кўрсатилажак маълумотларга ҳақиқий қолдиқлар мувофиқ келадими йўқми- уни текшириш зарур бўлади. Бунинг учун эса биринчидан ҳисоб маълумотлари тугалланмаган ишлаб чиқариш инвентаризацияси натижалари билан тасдиқланганлини ва иккинчидан, тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари тўғри баҳоланганинига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳар бир ой охиридаги

қолдиқлари баҳосининг ҳақиқийлигини назорат қилиш катта аҳамиятга эга, нега деганда тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳаражатлар тақсимотининг асосланганилигига маҳсулот таниархни ва молия натижалари ҳақидаги ҳисоб ва ҳисбот маълумотларининг ишончлигига боғлиқ бўлади. Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таркиби ва баҳосини ҳаражатларнинг калькуляцияси моддалар бўйича дастлабки ахборот бўлиб ишлаб чиқарадиган маҳсулот таниархининг жамлама ҳисоб-китоб кўрсаткичлари хизмат қиласади. /10 журнал-ордернинг З-бўними/.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш ой охирида таниархни ҳақидаги, бу ерда келтирилажак маълумотлари маҳсулотнинг алоҳида турли (бир турдаги гуруҳлар), ҳаражатлар моддалари ва материалларнинг калькуляцион гуруҳлари бўйича ишлаб чиқариш хажаратларнинг жамлама ҳисоби ведомостлари якуний кўрсатгичлари билан солиштирилади. Йирик ва ўрта корхоналардаги бундай ҳисоб, одатда, алоҳида цехлар бўйича айланма ведомостларда катта бўлмаган корхоналарда эса-умуман корхона бўйича олиб борилади. Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг қолдиқлари ягона (индивидуал) хусусиятли ишлаб чиқариш бўлган корхоналарда ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳаражатларига қараб баҳоланади. Бироқ ишлаб чиқаришни серияли ва оммавий хусусиятли ишлаб бўлган саноат тармоқларида калькуляцион ҳисоб-китобларни соддалаштириш учун тугалланмаган ишлаб чиқариш амалдаги норматив (режали) ишлаб чиқариш таниархни бўйича баҳолаш мумкин. Унда ишлаб чиқариш ҳаражатлари нормаларидан барча оғизлар чиқариб ташланади.

Баланс ликвидлилигининг юқорида кўриб чиқилган умумий кўрсатгиchi корхонанинг мажбуриятлари барча турлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишга қодирлигини ифодалайди. Бу кўрсаткич корхонанинг айнан қисқа муддатли мажбуриятларини тўлаш юзасидан имкониятлари ҳақидаги тасавурни бермайди. Шунинг учун корхонанинг тўлашга қодирлигини баҳолаш учун қисқа муддатли мажбуриятларининг қопланиш сифатида қаралгандан ликвидли маблағлар тўплами билан фарқ қитувчи ликвидлилик нинг учта нисбий кўрсаткичидан фойдаланилади. Куйидаги келтирилаётган ликвидлилик кўрсаткичларининг нормал чекловлари эмпирик маълумотлар, эксперт сўровлар, математик моделлар ва ҳ.к. ларга ва асоссан, капиталистик фирмаларининг хўжалик амалиётига мувофиқ келади.

Орентирлар сифатида улар мамлакатимиз корхоналари молиязий ахволини тақдил қилишида ҳам хизмат қилиши мүмкін.

### 5.1. Мутлақ ликвидилик коэффиценти ( $K_{\text{лв}}$ )

Ушбу коэффицент энг ликвидли активлар миқдорининг энг оғир ва қисқа муддатли пассивлар суммасига иисбатан тенг. Энг ликвидлик активлар деганда, баланс ликвидилигининг таҳдили учун баланс моддаларини гуруҳлаштириш пайтида бўлгани каби, корхонанинг пул маблағлари ва қисқа муддатли қимматли қоғозлри на зарда тутилади. Корхонанинг энг ошиқча мажбуриятлари ва қисқа муддатли пассивлар суммаси билан тақдим этилган қисқа муддатни мажбуриятлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

кредиторлик қарз ва ўзга пассивлар муддатда узилмаган ссудалар, қисқа муддатли кредиторлар ва қарз маблағлари.

Мутлақ ликвидилик коэффиценти корхона яқин келажакда ва қисқа муддатни қарздорликни қайси қисмини уза олишини кўрсатади. Ушбу кўрсаот кичининг нормал чеклови қўйидагича:

$$K_{\text{лв}} \geq 0,2 : 0,5$$

5.2. Ликвидиликнинг критик коэффиценти ( $K_c$ ) ликвидлик маблағлар таркибida ҳисоблаб чиқариш учун (бошқача номи - қопланниши оралиқ коэффиценти) иисбий кўрсаткич суратига дебиторлик қарз ва ўзга активлар қўшилади. Шундай қилиб, суратдаги ликвидли маблағлар қиймати баланс активи ІІ бўлими якунига, айланма маблағларнинг ушбу бўлими моддалари бўйича (яъни, жамғармалар ва мақсадли молиялаштириш ва ҳ.к. маблағлари ҳисобига тўланадиган харажатлар) иммобилизациясини ҳисобдан чиқарган ҳолда, тенг. Ликвидилик коэффиценти дебиторлари билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш шарти билан корхонанинг прогноз қилинажак тўлов имкониятларини акс эттиради.

Ликвидилик коэффицентининг пастки нормал чегарасини баҳолаш қўйидаги тарзда бўлади.

$$K_c \geq 1$$

5.3. Ва охийри, агарда ликвидли маблағлар таркибига, шунингдек, заҳира ва харажатлар киритилса (келаси даврлар чиқимларини ҳисобга олмагандан), унда жорий ликвидилик коэффиценти ( $K_p$ ) ёки қоплаш коэффиценти ҳосил бўлади. У корхонанинг ҳамма айланма (мобил) маблағлари (келаси даврлар чиқимлари ва баланс активи ІІбўлими моддалар бўйича) иммобилизацияни ҳисобга олинмаган қийматининг қисқа муддатли мажбуриятлар миқдори иисбатига тенг. Қопланниш коэффиценти нафақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоблар қилинган ва тайёр маҳсулот мақбул реализация қилинган шаронитда, балки эҳтиёж туғилган моддий айланма маблағларнинг ўзга элементлари сотилган пайтида ҳам баҳоланалигидан корхонанинг тўлаш имкониятларини кўрсатади.

Қоплаш коэффиценти даражаси ишлаб чиқариш соҳаси, ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги, заҳира ва харажатларнинг

структураси ва қатор бошқа омилларга бөглид, унинг учун  $K_{\alpha} \geq 2$  чеклов нормал бўлиб чиқади.

Ликвидиликнинг турли кўрсаткичлари, ликвидни маблағларни турли даражадаги ҳисобга олишининг турли даражаси мавжуд бўлган ҳолларда корхонанинг молиявий аҳволи барқарорлигини ҳар томонлама характерлаб қолмай, балки таҳлилий ахборотнинг турли ташқи фойдаланувчилари мағбаатларига жавоб ҳам беради.

Масалан, хом ашё ва материалларни етказиб берувчилар кўпроқ мутлоқ ликвидилик коэффиценти ўғинктиради:

ушбу корхонага кредит берувчи банк кўпроқ критик ликвидилик коэффицентига молиявий барқарорлигини энг аввало, жорий ликвидилик коэффицентига қараб баҳолайдипар.

Молиявий коэффицентларни ҳисобланса ва таҳлил қилиш асосида, коэффицентларниң ҳар бир гурӯҳи корхона молиявий аҳволининг муайян жиҳатини ифодлайди деган холоса чиқариш мумкин. Нисбий молия кўрсаткичлари фиқрт корхона молиявий аҳволи ва унинг тўлашга қодрлигининг тахминий индикатлари ҳисобланини эсдан чиқармаслик керак.

Корхона молиявий аҳволининг сигнал кўрсаткичи бўлиб унинг тўлашга қодирлиги ҳисобланади. Тўлашга қодирлик юқорига қараб чиқилган мутлақ кўрсаткичлар билан характерланади (15.2 бўлим).

Банкларда, тегишли норматив ҳужжатларга кўри, муддати ўткалиб тўловлар ҳисоби, тўловларниң календар - маҳсадли навбатлилиги тикланган, оборот (айланиш) га тўлов муддатилари албатта кўрсатилган оддий молиявий ва мол (товар) векселлари киритилган. Нотўламасликларниң нақдлигига биринчи навдатдаги тўловлар бўлиб бюджет тўловлари, моллар учун тўловлар ва, ниҳоят, банк ссудалари ҳисобланади.

Нақд тўламасликлар, шунингдек, ички молия интизомлариниң бузмаслик ва ички нотўламасликларни ҳисобга олиб, корхонанинг молиявий аҳволи қуйидагича характерланиши мумкин:

молиявий аҳволининг мутлақ ва нормал барқарорлиги (нотўланмасликларниң йўқлиги ва уларниң юзага келиш сабаблари, яъни ишнинг нормал ёки юқори рентабеллиги, ички ва тащқи молия интизоми бузилишларининг йўқлиги);

нобарқарор молиявий аҳвол (молия интизоми бузилишлари; меҳнатга ҳақ тўлаш кечиктирилиши, эҳтиёт жамғармаси (резерв) иқтисодий рағбатлантириш жамғармаларининг вақтинча эркин ўз маблағларида фойдаланиши; пулларниң ҳисоб - рақамларига тушиши ва тўловлардаги узилишлар, нобарқарор рентабеллик, молия режасининг шу жумладан, фойда бўйича, бажармаслиги);

кризисли молиявий аҳволи (нобарқарор молиявий аҳволининг кўрсатилган аломатларидан тащқари кризисли аҳвол мунтазам нотўламасликларга мувофиқ қуйидаги тарзда таснифланиши мумкин;

биринчи даражасы (банкларга муддати ўтказиб юборилган ссудалар нақдлиги), иккинчи даражасы (муддати ўтказиб юборилган ссудалардан ташқари етказиб берувчиларга моллар учун муддати ўтказиб юборилган ссудаларнинг нақдлиги). Учинчидан даражасы - банкротликка яқин даражасы (юқорида кўрсатилган иккита аломатдан ташқари, бюджетларга боқимандаларнинг нақдлиги).

15.5. Тўлашга қодир бўлмаган корхоналар балансининг қониқарсиз структураси мезонларнинг тизими ва баҳолашнинг услубиёти.

Бозор шароитларида хўжалик юритишнинг категория (тоифа) ларидан бири хўжалик юритувчи субъектларининг банкротлиги ёки қарз тўлашга қурби етмаслиkdir. Корхона банкротлиги деганда унинг жорий операцион фаолиятни молиялаштириш ва ошиғич мажбуриятларни тўлаб узиш қурби етмаслиги тушунилади. Банкротлик корхона капиталини қайта тиклаш иқтисодий механизмининг мувозанатни бузилганини оқибати, унинг самарасиз нарх белгилаш, сармоя ва молия сиёсати натижаси ҳисобланади. Корхоналарнинг оммавий банкротлиги салбий ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин, шунинг учун бозор иқтисодиёти мамлакатларида корхоналарни бутунлай барбод бўлишининг олдини олиш ва муҳофаза қилишнинг муайян механизми ишлаб чиқилган. Бу механизмнинг асосий элементлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

банкротликни ҳуқуқий жиҳатдан бошқариш;

корхоналарнинг банкротлиги ҳақидаги далолатномаларни реализация қилиш пайтида қарорларни қабул қилиш жараёнларини ташкилий, иқтисодий ва норал - методик таъминланмаганликнинг нақдлиги;

тўлашга қодир бўлмаган корхоналарни истиқболли товар ишлаб чиқарувчиларнинг сақлаб қолиш мақсадида давлат томонидан молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора - тадбирлари;

қайта ташкил этиш ва тугатиш тадбиркорларини молия билан таъминлаш;

банкротлик тизими ҳамма иштирокчилари манфаатларини иқтисодий жиҳатидан ҳимоя қилиш;

кенг жамоатчилик учун банкротлар ҳақидаги ахборотнинг ошкоралигини таъминлаш.

Ўзбекистон корхоналар банкротлигининг норматив ҳуқуқий базаси бўлиб, энг аввало "Банкротлик тўғрисида" ги қонун ҳисобланади.

Корхоналар банкротлиги ҳақидаги қарорлар:

корхонанинг ўзи томонидан кўнгилли тартибда;

ҳакамлик судининг холосасига кўра қабул қилинади,

Корхонанинг банкротлиги ҳақидаги қарорни қабул қилиш учун

асос бўлиб тўлашга қодир бўлмаган корхоналар балансининг қониқарсиз балансини аниқлашнинг мезонлар тизими ҳисобланади.

Корхона баланс структурасининг қониқарлилигини баҳолаш учун кўрсаткичлар бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

1) жорий ликвидлилик коэффиценти, у қўйидаги формулалар бўйича аниқланади:

$$K_1 = (\Pi^a + III^a) / (\Pi^n - (500 + 510 + 730 + 735 + 740)) \text{ сатр}$$

бунда  $\Pi^a$  - баланс активи II бўлим якуни,

$\Pi^n$  - баланс пассиви II бўлимни якуни,

$\Pi^a$  - баланс активлиги III бўлимни якуни

500, 510, 730, 735, 740 - баланс пассивининг тегишли сатрлари.

Жорий ликвидлилик коэффиценти корхонанинг барча айланма маблағлари билан ошигич мажбуриятлар суммаси (қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар, шунингдек кредиторлик қарз суммаси) ни умумий қоплаш даражасини характерлайди.

2) Қўйидаги формула бўйича аниқланадиган ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти:

$$K_2 = (I^n - I^a) / (\Pi^a - III^a)$$

бунда  $I^a$  - баланс активи I бўлимни якуни,

$I^n$  - баланс пасиви I бўлимни якуни,

$\Pi^a$  - баланс активи, II бўлимни якуни,

$III^a$  - баланс активлиги III бўлимни якуни

Ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти корхонанинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унда ўз айланма маблағларининг нақдлигини характерлайди:

З қўйидаги формула бўйича аниқланадиган тўлашга қодирликни тиклаш (йўқотиш) коэффиценти:

$$K_3 = (K^{1\Phi} + y - T(K^{1\Phi} - K^{1H}) / 2$$

бунда  $K^{1\Phi}$  - ҳисобот даври охирида жорий ликвидлилик коэффиценти қиймати,

$K^{1H}$  - ҳисобот даври бошида жорий ликвидлилик коэффиценти қиймати;

$T$  - ҳисобот даврининг ойлар ҳисботидаги давомийлиги;

$Y$  - тўлашга қодирликни тиклаш (йўқотиш) даври.

Тўлашга қодирликни тиклаш коэффицентини тиклашда  $Y=6$  ойга.

Тўлашга қодирликни йўқотиш коэффицентини ҳисоблашда  $Y=3$  ойга.

Ҳисоблаш итижалари ва санаб ўтишган кўрсаткичлар (мезонлар) нинг олинган қийматларига кўра қўйидаги қарорлардан бири қабул қилиниши мумкин:

корхона баланси структурасини қониқарсиз,

корхонани эса тўлашга қодир змаслигини тан олиш ҳақида, корхона-қарздорнинг ўзининг тўлашга қодирлитини тиклашиниг реал имконияти борлиги ҳақида:

корхона тўлашга қодирлитини йўқотишининг реал имконияти борлиги ҳақида агарда у яқин кунларда ўзининг кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажара олмаса.

Қабул қилинган қарор тўлашга қодир бўлмаган корхоналарга молиявий кўмак бериш, уларни хусусийлаштириш ёхуд банкротлик бўйича бошқарманинг ваколатлари доирасида ўзга харажатларни амалга ошириш юзасидан таклифларни тайёрлаш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Корхона баланси структурасини қониқарсизлар корхонани эса - тўлашга қодир бўлмаганлар жумласига киритиш учун қуйидаги аломатлардан бир асос бўлиб ҳисобланади:

жорий ликвидлийкнинг ҳисобот даври охирига коэффиценти 2 дан кам бўлган қийматга эга.

ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти ҳисобот даври охирига 0,1 дан кам қийматга эга.

Корхона баланси структурасининг қониқарсиз бўлганида унинг тўлашга қодирлитини тиклашиниг имкониятини текшириш учун 6 ой муддатга тўлашга қодирлитини тиклаш коэффиценти ҳисоблаб чиқилади. Агарда КЗ коэффицентининг қиймати 1 дан ортиқ бўлса, унда корхонанинг ўз тўлашга қодирлитини тиклаш реал имконияти борлиги ҳақида хulosा чиқарилиши ва баланс структурасини қониқарсиз деб тан олиниш ҳақидаги қабул қилиниши тегишли муддатга қолдирилиши мумкин.

Баланс структураси қониқарли бўлганида молиявий аҳволнинг барқарорлигини текшириш учун 3 ой муддатга тўлашга қодирликни йўқотиши коэффиценти ҳисоблаб чиқилади. Агарда КЗ коэффицентининг қийматига 1 дан ортиқ бўлса, унда корхонанинг ўз тўлашга қодирлитини тиклаш реал имконияти борлиги ҳақида хulosा чиқарилиши ва баланс структурасини қониқарли деб тан олиниш ҳақидаги қарор қабул қилиниши тегишли муддатга қолдирилиши мумкин.

Баланс структураси қониқарли бўлганда молиявий аҳволнинг барқарорлигини текшириш учун 3 ой муддатга тўлашга қодирликни йўқотиши коэффиценти ҳисоблаб чиқилади. Агарда тўлашга қодирликни йўқотиши коэффицентининг қиймати КЗ 1 дан кам бўлса, унда корхона яқин кунларда ўзининг кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажара олмаслиги яъни унинг тўлашга қодирликни йўқотганлиги ҳақида қарор қабул қилиниши мумкин.

Ушбу корхонада тўлашга қодирликни ҳақиқатда йўқотиши хавфи борлиги сабабли у Банкротлик ишлари бошқармасида тегишли ҳисобга олинади.

Ҳисоб натижалари 15.6 жадвалга ёзиб олинади.

## 15.6 жадвал

## Баланс структурасини баҳолаш

Кўрсаткичлар	Йил бошига	Тўлашга қодир коэф-т эмаслик ўрна- тилган сонияга (мөъёри)	Нормаси	жойз қарор (баҳо)
1. Жорий ликвидли- лик коэффиценти ( $K_1$ )	2,39	1,82	2 дан кам эмас	Баланс струк- тураси қони- қарсиз
2. Ўз маблаглари билин таъминланган- лик коэффиценти	0,20	0,20	0,1 дан кам эмас	
3. Тўлашга қодирлик- ни тиклаш коэффи- центи ( $K_3$ )	x	0,77	1 дан ортиқ	Корхонада яқин орада тўлашга қо- дирлигини реал имконияти
4. Корхона тўлашга қодирликни йўқотиш коэффиценти ( $K_3$ )	x	x	x	

Изоҳ:  $K_3$ ,  $K_1$ ,  $K_2$  коэффицентларидан бирортаси ўрнатилган мезондан кам қийматта зга бўлган тақдирда ҳисоблаб чиқилади.

$K_3$ ,  $K_1$ ,  $K_2$  коэффицентларининг иккаласи ўрнатилган мезондан кам бўлмаган қийматга зга бўлган тақдирда ҳисоблаб чиқилади.

Корхона тўлашга қодир эмаслигининг тез-тез учраб турадиган сабабларидан бири-давлатнинг унинг олдидағи қарздорлиги. Давлатнинг корхона олдидағи қарздорлиги деганда давлат ижроия хокимияти ваколатли идорасининг корхонага берилган буюргани тўлаш юзасидан мажбуриятларининг муддатида бажарилганини тушинилади. Давлатнинг давлат қарздорлиги структураси ҳақидаги маълумот ва корхона олдидағи қарздорлигининг мавжудлиги ушбу қарздорлигининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (шарномалар, фармойишлар, бўйруқлар ва ҳ.к.) асосида аниқланади.

Тақдим этилган ҳужжатлар асосида муддатида бажарилмаган давлат мажбуриятларининг ҳар бири бўйича давлат қарздорлигининг ҳажмлари ва уларнинг вужудга келиш муддатлари аниқланади. Давлат қарздорлигининг мавжуд бўлган ҳолларда жорий ликвидлийкини баҳолаш тўғриланган (корреспонденцияланган) формула бўйича амалга оширилади:

$$K_1 = (\text{Па} + \text{Ша} - \text{ЕР}) / (\text{П} - (500 + 510 + 730 + 735 + 740 \text{ сатр}) - 3 \cdot \text{ЕР})$$

бунда  $K_1$  - жорий ликвидлийкиниң коррекцияланган коэффиценти.

$\text{P}$  - давлатнинг муддатида бажарилмаган мажбурияти бўйича давлат қарздорлигининг ҳажми.

$\text{ЕР}$  - жами қарздорлик,

$Z$  - қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқиладиган корхона

олдидағи давлат қарздорлигига хизмат күрсатиши бүйіч түловлар сұммасы:

$$Z = P_i * t_i * S_i (100/360)$$

бунда  $t_i$ - давлатнинг муддатига бажарылмаган і мажбурияты бүйіч қарздорлик даври.

$S_i$  - қарздорликнинг вужудга келиш сониясига МБ нинг йиллик ҳисоб ставкасы; Қарздорликнинг вужудга келиш санаси деганда те-гишли шартнома ёки бошқа ҳужжат билан ўрнатылған жойлашти-рилған давлат буюртмасига түланған санаси тушунилади. Күрсатылған сана йўқ бўлған тақдирда давлат қарздорлигининг ву-жудга келиш сонияси деб буюртма ёки давлат буюртмаси бүйіч бажарилиши тугалланған сана ҳисобланади.

Жорий ликвидлилликнинг коррекцияланған коэффиценти қийма-тига қараб, корхонанинг түлашга қодир эмаслиги унинг олдидағи давлат қарздорлигига боғлиқлиги аниқланади, агарда  $K1 \geq 2$  бўлса

Корхонанинг түлашга қодир эмаслиги давлатнинг қарздорли-ги билан боғлиқ эмас деб ҳисобланади, агарда: жорий ликвидлиллик коррекцияланған коэффиценти қиймати ўрнатылған мезондан паст, яъни  $K1 \geq 2$  бўлса, корхонанинг түлашга қодир эмаслигининг унинг олдидағи давлат қарздорлигига боғлиқлиги ўрнатылмаган деб тан олинса.

Баланс структурасы қониқарсиз, корхона эса түлашга қодир эмас деб тан олинганлиги ҳақидаги қарор қабул қилинганидан кей-ин корхонадан қўшимча ахборот сўраб олинади ва унинг түлашга қодирлигини тиклаш учун қайта ташкил этиш юзасидан процедуралар ёки тугатиш тадбирларини ўтказиш вариантини танлаш мақ-садида унинг молия-хўжалик фаолиятининг чуқурлаштирилған таҳ-лили ўтказилади.

#### 15.6. Элементларининг комплекс молиявий таҳлили ва рейтсегли баҳоси

Ҳисбот маълумотларига қараб комплекс молиявий ҳисбот ти-зимида корхонананинг иқтисодий самарадорлиги ва молиявий ах-волини комплекс баҳолаш муҳим ўрини згаллайди. Фаолият баҳоси молиявий таҳлилиниң биринчи босқичида, таҳлилий ишнинг асо-сий йўналишлари аниқланаёттанды (дастлабки баҳо) ва якунловчи босқичда, ва таҳлил хulosалари чиқарилаёттанды (сўнгги якунлов-чи баҳо) ўтказилади. Сўнгги баҳо муайян ғазиятда оқилона қарор-ни асослаш ва қабул қилиш учун муҳим ахборот манбай ҳисобла-нади.

Бозор иқтисодиёти шароитларнда иқтисодий жараён иштириок-чиларининг корхонанинг молиявий аҳволи ва ишchan фаоллиги ҳақидаги холис ва ишончи ахборотга эга бўлған қизиқиш ўси. Бозор муносабатларининг барча субъектлари-эгадорлар (ҳиссадор-лар) сармоялар, баяклар, биржалар, сурурта компаниялари рекла-ма агентликлари - ўз шерикларини рақобат қилишга қодирлиги ва

ишончлиги юзасидан пухта-пишиқ баҳо олишдан манбаатдор.

Бундай баҳони турли хил услублар ва турли мезонлардан фойдаланган ҳолда очиш мумкин. Балди баҳолаш услуби, масаіан, кенг маълум,

Кўйидаги бозор муносабатлари шароитларида корхонанинг молиявий таҳлили назарияси ва услубиётига асосланган корхонанинг молиявий қиёсий рейтинг баҳолаш услубиёти таклиф этилади.

Корхона молиявий аҳволини комплекс қиёсий рейтинг баҳолаш услубиётининг таркибий босқичлари бўлиб: баҳоланаётган давр дастлабки аҳборотни тўплаш ва таҳлили жиҳатдан ишлов берив, корхона молиявий аҳволини рейтинг баҳолаш учун фойдаланилажак кўрсаткичлар тизимини асослаш ва уларни таснифлаш, рейтинг баҳолашнинг якуний кўрсаткичини ҳисоблаш, корхоналарни рейтинг бўйича таснифи ҳисобланади.

Якуний рейтинг баҳолаш корхона молиявий ва ишлаб чиқариш фаолиятининг барча энг муҳим параметрларини, яъни умуман хўжалик фаолиятини ҳисобга олади. Уни тузиш пайтида корхонанинг ишлаб чиқариш патенциали ҳақидаги маълумотлар, унинг маҳсулоти рентабеллиги, ишлаб чиқариш ва молия ресурсларидан фойдаланиш самараадорлиги, уларнинг манбалари ва бошқа кўрсаткичлардан фойдаланилади. Молиявий аҳволнинг аниқ ва холис баҳосини ўтказиш учун баҳолаш мақсадларига мос келувчи дастлабки кўрсаткичларни танлаш ва асослаш зарур. 15.7 жадвалида умумий қиёсий баҳолашни ўтказиш дастлабки (бошланғич кўрсаткичларнинг намунавий тўплами келтирилган).

Кўрсаткичларнинг таклиф қилинажак тизими, баҳони оммавий қиласидан, иқтисодий жараённинг барча иштирокчиларига корхонанинг молиявий аҳволидаги ўзгаришлари назорат қилиш имконини беради, комплекс баҳолаш услубиётининг самаралилиги ва холислигини баҳолаш имкониятини беради. Рейтинг баҳолаш учун дастлабки кўрсаткичлар тўртта гуруҳга бирлаштирилган (зарарли корхоналар ушбу тизимда қараб чиқилмайди). Биринчи гуруҳга корхона хўжалик баҳоси фаолияти фойдалилиги (рентабеллиги) баҳосининг энг умумлаштирилган ва муҳим кўрсаткичлари, умумий ҳолларда, фойданинг, фойда олишда қатнашадиган корхоналарнинг ёки бу маблағлари (мол-мулқига) нисбатини касб этади, шунинг учун бу ерда қиёсий баҳо учун соф фойданинг бутун мулкка ёки корхона ўз маблағлари миқдорига нисбатан ҳисоблаб чиқилган рентабеллик кўрсаткичлари энг муҳим ҳисобланади.

Иккинчи тўртта энг умумий кўрсаткичи ташкил этади. Бошқариш самараадорлиги фойданинг корхона бутун айланиш (обороти)-га қўшимча қиймат солигисиз маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализациясидан олинган тушумга ва ўзга реализация ҳамда реализация билан боғлиқ бўлмаган операциялар натижаларига нисбати билан аниқланиши мумкин.

Учинчи гуруҳга корхона ишчан фаоллиги баҳосининг кўрсат-

кичлари киритилган.

Тұрғынчи гурұхда корхонаннг ликвидилигі ва бозор барқарорлығи бақоси күрсаткічлари бирлаштырылған. Күлчилік молиявий коэффициентларни ҳисоблаш үслубиеті юқорида көлтирилған зди.

Доимий актив индекси асосий маблағлар ва үзға айланыш билан бөғлиқ бўлмаган активлар (шакл N 080 сатр) қийматининг ўз маблағлар манбаларига (шакл N 1 480 сатр), нисбати билан аниқланади.

Акционер компанияларнинг бозор барқарорлигини тавсифлаш пайтида 1 акцияга бўлган соғ фойда, 1 акцияга бўлган дивидендер, 1 акцияга, акцияларнинг бозор курсига дивидендер каби нисбий күрсаткічларни кўллаш фойдалидир.

Бир муҳим ҳолатни тъқидлаб ўтамиз. Баҳолашнинг дастлабки күрсаткічлари ўртасида маҳсулот ҳажми, ҳисбогт даврида олинган фойдани характерловчи якунловчи, натижали күрсаткічлар мавжуд. Шу билан бирга баланс күрсаткічлари бир сонияли характерга зга, яни, ҳисб даврининг боши ва охирига қараб ҳисоблаб чиқилған.

15.7 жадвалга киритилған барча дастлабки күрсаткічлар нисбий бўлганилиги туфайли уларни ҳисоблаш тартибини методологик жиҳатдан асослаш зарурияти юзага келади. Бу күрсаткічларни давр(ийл) боши ёки охирига қараб ҳисоблашнинг кераги йўқ.

Ҳисоблашнинг баланс моддаларининг ўртача қийматларига қараб амалга ошириш мақсадга мувофиқдир (2 га бўлинган даврлар ва охирига маълумотлар суммаси). Молиявий таҳлил учун (қатор йиллар бухгалтерлик ҳисбогтларнинг бўлганида) ҳар бир даврининг ўртача маълумотлари асосида баланс бўйича ҳисобланган рейтинг баҳо учун дастлабки күрсаткічлар маълумотларининг автоматлаштирилган базасини ташкил этиш ва қўллаб қувватлаш мақсадга мувофиқдир.

Рейтинг баҳосининг якуний күрсаткічи корхона молиявий аҳволининг ҳар бир күрсаткічини барча таққослананаётган параметрлар бўйича энг яхши натижаларга зга бўлган шартли 3 талон корхонанинг худди шундай күрсаткіч билан қиёслаш йўли билан ҳисоблаб чиқилади. Шундай қилиб, корхона молиявий аҳволининг рейтинг баҳосини олиш учун саноқ базаси бўлиб экспертларнинг субъектив тахминлари эмас, балки реал бозор рақобатида жами таққосланажак обьектлар ичидә юзага келгани энг юқори натижалар ҳисобланади.

Таққослаш эталони бўлиб, ҳамма күрсаткічлари энг яхши бўлган энг омадли рақиб ҳисобланади деса бўлади.

Бундай ёндашув ҳар бир мустақил товар ишлаб чиқарувчи ўз фаолиятининг ҳар бир күрсаткічи рақибиникига қараганда яхшироқ бўлишига итиладиган бозор рақобати амалиётига мос келади.

Агарда бозор муносабатлари субъектларини фақат хўжалик фаолиятининг фақат старли муайян обьектлари қизиқтирилса ( масалан,

**Корхонанинг оммавий ҳисоботи маълумотларига кўра рейтинг баҳолаш учун фасолиятниг дастлабки  
кўрсаткичларин тизими**

1	2 гурӯҳ Хўжалик фаолияти фойдалигига баҳоси кўрсаткичлари	3 гурӯҳ. Бошқарниш самараорити баҳоси кўрсаткичлари	4 гурӯҳ Ликвидилликниг жорий барқарорлиги баҳоси курсаткичлари
1	1. Корхонанинг умумий активларнинг 1 сўмига умумий фойда	1. Махсулот реализацияси ҳажми 1 сўмига соф фойда реализациясидан фойда	1. Барча активларнинг фойдали иш коэффицент- активларнинг 1 сўмига маҳсулот реализациясидан тушум
2	2. Корхонанинг соф рентабеллиги- активларнинг 1 сўмига соф фойда	2. Махсулот реализацияси ҳажми 1 сўмига маҳсулот реализациясидан фойда	2. Асосий жамғармаларнинг фойдали иш коэффицент- аксосий жамғармаларнинг 1 сўмига маҳсулот реализациясидан тушум
3	3. Ўз капитали тентабеллиги ўз капитали (маблағлари)	3. Махсулот реализацияси ҳажми 1 сўмига бутун реализациясидан фойда	3. Айланни жамғармаларнинг айланни- айланни маблағларнинг 1 сўмига маҳсулот реализациясидан тушум

1	4. Ишлаб чықарыш жамгармаларига умумий рентабеллик-асосий ишлаб чықарыш жамгармалари ва товар-моддий бойлуктарда оборот маблагларининг ўртаса миқдорига умумий фойда	4. Махсулот реализациясын ҳажми ! сүмгө умумий фойда	4. Захираларниң айланыб туриши-захиралар ва харажатларниң ! сүмгө маҳсулот реализация күлинидан түшүм	4. Автономия коэффициенти-баланс валиятысын ! сүмгө ўз маблаглары
2		3		
3				
4				
5	5. Дебиторлик қарзининг айланыб туриши-дебиторлик қарзининг ! сүмгө маҳсулот реализациясыдан түшүм	5. Захираларниң ўз айланма маблаглари таъминланғанлыги захиралар ва харажатларниң ! сүмгө ўз айланма маблаглари	5. Захираларниң ўз айланма маблаглари таъминланғанлыги захиралар ва харажатларниң ! сүмгө ўз айланма маблаглари	4. Автономия коэффициенти-баланс валиятысын ! сүмгө ўз маблаглары
6	6. Банк активларининг айланыб туриши-банк активларининг ! сүмгө маҳсулот реализациясыдан түшүм			
7	7. Ўз капиталининг унуми- ўз капиталининг ! сүмгө реализациясыдан түшүм			

потенциал сармоядорни фақат қандай заводлари, ёки қандолатчилик фабрикалари, ёки шиша заводлари ва ҳ.к. ишининг кўрсаткичлари қизиқтириши мумкин, унда этalon корхона бир турдаги обьектлар жамламасидан шаклланади. Бироқ, кўп ҳолларда этalon корхона фаолиятининг тури соҳаларига мансуб обьектлар ишининг кўрсаткичлари билан характерланиши мумкин. Бу, баҳолаш услубиниң кўллашга тўсиқлик қилмайди, чунки молиявий кўрсаткичлар хўжалик юритишнинг ҳар хил обьектлари учун ҳам таққосланадигандир.

**Умумий кўринишда корхона молиявий аҳволини қиёсий рейтинг баҳолаш алгоритими қуйидаги ямалларининг кетма-кетлиги билан берилиши мумкин.**

1. Дастлабки маълумотлар матрица ( $a_{ij}$ ) яъни жадвал кўринишда берилиб, унда сатрлар бўйлаб кўрсаткичлар номерлари ( $j=1,2,3,\dots,m$ ) ёзиб қўйилган.

2. Ҳар бир кўрсаткич бўйича максимал қиймат топилади ва у шартли этalon корхона устунига киради ( $M-1$ )

3. Матрицанинг ( $a$ ) дастлабки кўрсаткичлари:

$$x_{ij} = a_{ij} / \max a_{ij} \quad (1)$$

формуласи бўйича этalon корхонанинг тегишли кўрсаткичига нисбатан стандартлаштирилади, бунда:  $x_{ij}$  - i - корхонаси молиявий аҳволининг стандартлашган кўрсаткичлари.

4. Ҳар бир таҳлил қилинажак корхона учун унинг рейтинг баҳоси қийматининг баҳоси қиймати қуйидаги формула билан аниқланаиди:

$$R_j = \sqrt{(1-x_{1j}) + (1-x_{2j})^2 + \dots + (1-x_{nj})^2} \quad (2)$$

бунда  $R_{j+}$  - корхона учун рейтинг баҳо:

$x_{1j}, x_{2j}, \dots, x_{nj}$  - таҳлил қилинажак корхонанинг стандартлашган кўрсаткичлари.

5. корхоналар рейтинг баҳосининг камайиши тартибда тартибга келтирилади.

Энг юқори рейтинг формула 2 бўйича олинадиган қиёсий баҳонинг минимал қийматига эга корхонага мансуб бўлади. Ушбу алгоритмни амалий жиҳатидан қўллаш пайтида таққосланажак кўрсаткичлар ва корхоналар сонига нисбатан ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас.

Корхона молиявий аҳволининг алгоритмли баланс тузилган.

Корхона молиявий аҳволининг рейтинг баҳоси олишнинг баён қилинган алгоритмли баланс тузилган санага (давр охирига берилган маълумотлар бўйича) ёки динамикада корхоналарни қиёспашда кўлланиш мумкин.

Биринчи ҳолда 15,7 жадвалининг дастлабки кўрсаткичлари ўснининг суръат коэффицентлари сифатида ҳисоблаб чиқилади: давр охирига оид маълумотлар давр бошига оид тегишли кўрсаткич қийматига бўлинади, ёхуд ҳисобот даври кўрсаткичининг ўрганичи

мати аввалги даврнинг тегишли кўрсаткичининг ўртача қийматига бўлинади. Шундай қилиб, корхонанинг муайян санага бўяган жорий молиявий аҳволининг баҳоси, динамикада истиқболда ўзгартириш юзасида унинг сайди-ҳаракатлари ва қобилиятларининг баҳоси ҳам ҳосил бўлади. Бундай баҳо корхонанинг фаолиятининг ушбу соҳасидаги рақобат қилиш қобилияти ўсишининг ишонч ўлчагич ҳисобланади. У, шунингдек, унинг барча ишлаб чиқариш ва молия ресурсларидан фойдаланишнинг янада самарали даражасини аниқлайди.

Бир вақтнинг ўзида 15,7 жадвалга ҳам сонияли (моментли ҳам суръат кўрсаткичларининг киритилиши (яъни дастлабки кўрсаткичлар миқдорининг икки ҳисса ошиши) мумкин бўлиб, бу корхона фолиятининг аҳволини бўлгани каби динамикасини ҳам характерлайдиган умумлаштирилган рейтинг баҳоси олишга имкон беради.

15,7 жадвали маълумотларидан, статистик ҳисбот шаклларидан ва ахборотнинг бошқа манбаларидан қўшимча кўрсаткичларни киритиш ҳисобига кенгайтирилиши мумкин. Кўрсаткичларнинг тақдим этилажак тизимишнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, уларнинг бир хил йўналғанликка эга бўлишлари ҳисобланади. Шу муносабат билан таклиф этилажак тизим, унга янги кўрсаткичларни киритиш ҳисобига кенгайтириш пайтида бу талабни бузмаслик зарур.

Рейтинг баҳоси олиш алгоритми ҳам модификацияланиши мумкин, Формула 2 ўрнига қўйидаги формулалардан бирини қўллаш мумкин:

$$R_j = \sqrt{a_{1j}^2 + a_{2j}^2 + \dots + a_{nj}^2} \quad (3)$$

$$R_j' = \sqrt{k_1 a_{1j}^2 + k_2 a_{2j}^2 + \dots + k_n a_{nj}^2} \quad (4)$$

$$R_j'' = \sqrt{k_1(1-x_{1j})^2 + k_2(1-x_{2j})^2 + \dots + k_n(1-x_{nj})^2} \quad (5)$$

бунда  $K_1, K_2, \dots, K_n$ -эксперт томонидан тайинланадиган кўрсаткичларининг оғирлик коэффицентлари.

Формула 3 таҳлил қилинажак корхона учун, корхона эталондан минимал оғишга ҳараб эмас, балки координатлар бошидан максимал узоқлашишга ҳараб рейтинг баҳони аниқлайди. Содда қилиб айтганда барча бир хил йўналишга эга кўрсаткичлар бўйича жамланма натижা қолганларнига қараганда юқори бўлган корхона энг юқори рейтингта эга.

Формула 4 Формула 3 нинг модификацияси ҳисобланади.

У эксперт йўли билан аниқланажак кўрсаткичларининг аҳамиятини ҳисобга олади. Алоҳида кўрсаткичлар учун оғир коэффицентларни киритиш зарурати фойдаланувчилар эҳтиёжларига муваффақ баҳона дифференция қилиш пайтида вужудга келади. Формула 5 формула 2 нинг аналогик модификацияси ҳисобланади. У, корхона-эталонига нисбатан рейтинг баҳосини ҳисоблаб чиқиш пайтида

алоҳида турлича йўналган кўрсаткичларнинг аҳамиятини ҳисоблаб олади.

Ниҳоят корхона молиявий аҳволини ва ишчан фаолиятини рейтинг баҳолашнинг таклиф қилинаётган услубиётининг баъзи бир фазилатларини таъкидлаб ўтамиз.

Биринчидан, таклиф этилажак услубиёт корхонанинг молиявий аҳволи каби шундай мураккаб ҳодисани баҳолашга комплекс, кўп ўлчовли ёндашувга асосланади:

иккинчидан, корхона молиявий аҳволини рейтинг баҳолаш корхонанинг оммавий ҳисботи маълумотлари асосида амалга оширилади. Уни олиш учун бозор иқтисодиёти амалиётида қўлланиладиган молиявий аҳволнинг энг муҳим кўрсаткичларидан фойдаланилади:

учинчидан, рейтинг баҳолаш қиёсий ҳисобланади. У ҳамма рақибларнинг реал ютуқларини ҳисобга олади:

тўртингчилар, рейтинг баҳони олиш учун амалиётда кенг синаланган корхона ишлаб чиқариш - хўжалик фаолиятини қиёсий комплекс баҳолашнинг математик модели имкониятларини амалга оширадиган нозик ҳисоблар алгоритмидан фойдаланади.

Таклиф этилаётган услубиёт шерикнинг жорий ва олинган фаолияти натижаларига кўра ўтказиладиган унинг ишончлилиги баҳосини миқдорий жиҳатидан ўлчанадиган қиласди.

Инфляция шароитларида, яъни пулнинг харид қилиш қобилияти пасайғандা, корхоналарнинг хўжалик фаолияти натижалари, молиявий аҳволи ва фойданинг ишлатилиши ҳақидаги молия ҳисботи ноҳолис аҳборот манбалари бўлиб қолиши мумкин.

Инфляция шароитларида баланснинг турли элементлари турлича жадвалда ўзининг қийматини йўқотади. Масалан, келажакда белгиланган суммани тўлаш ҳақидаги талабни қасоб этадиган нақд пул ва дебиторлик қарз инфляция муносабати билан корхонанинг қарз пулларининг харид қилиш қобилиятининг пасайиши суммасига зарар кўришга олиб келади ва аксинча, ўз кредиторлик қарзни кўпайтирувчи корхоналар, яъни таъминловчи счетлари ва бошқа мажбуриятлар (меҳнатга ҳақ тўлаш, бюджетга тўловлар, ижтимоий суғурта тўловлари ва бошқа)ни тўлашдан ўзларини тийиб турадиган корхонадан бундан фойда кўрадилар, нега деганда улар ўз мажбуриятларини пуллар орқали узишлари. яъни орани очиқ қилишлари мумкин.

Инфляция корхоналарнинг сармоядорлик фаоллигининг "сўниш" феномени ривожланишига, кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришга аталган маблағлар манбаларининг "еб битирш" га олиб келади. Юқори инфляция нафақат кенгайтирилган, балки корхона капиталининг оддий қайта тикланиш жараёнини қийинлаштиради.

Корхоналарнинг асосий воситалари (бинолар, иншоотлар, машина ва асбоб-ускуна) шунингдек, ишлаб чиқариши заҳиралари (хом ашё ва материаллар нархи паст буюмлар ва ҳ.к.) авваги даврлар-

да, пулнинг харид қобиляти юқорироқ бўлганида сотиб олинади. Бу активлар қийматини тайёр маҳсулотга олиб ўтказилип (амортизация ва ишлаб чиқаришга ҳаражатлар) жорий даврда амалга оширилади, яъни вақт жиҳатдан ва шундай қилиб олдиндан маълум пасайлан қийматини чиқариб баҳолашда ҳам кеч қолади. Ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги қанчалик узоқ бўлса, олиб ўтказилган қиймат шунчалик паст бўлади, боз устига корхонанинг амортизация ҳисобига ишлаб чиқаришни ривожлантиришни молиялаштириш (сармоялар) га корхонанинг маблағ тўплаш манбаси адо бўлади. Бу билан бирга жорий ҳаражатлар ва харид қобиляти яна юқори баҳо бўйича ҳисоблаб чиқарилган асосий воситалар амортизацияси молия натижаларини аниқлаш учун пулларнинг харид қобиляти янада паст даражада баҳоланадиган жорий давр ичидағи тушумлардан айриб ташланади. Бунинг натижаси бўлиб фаолият молия натижаларининг оширилиши, солиқ солинадиган фойданинг кўпайниши, демакки, тўланадиган солиқларнинг ошиши ва (яна) ишлаб чиқаришни ривожлантиришни молиялаштириш манбаларининг кичрайиши ҳисобланади.

Инфляция шароитларида ҳисботот ахборотининг бузиб кўрсатилиши туфайли фойдаланувчилар реал жараёнларга адекват бўймаган қарорларни қабул қилишлари мумкин. Корхона молиявий аҳволи ва фаолиятининг молия натижаларини инфляцияни зътиборга олмай яъни ҳисботот маълумотларини инфляцияга тўғриламай холисона баҳолаш мумкин эмас.

Жаҳон ҳисобот сиёсати инфляциянинг бухгалтерлик ҳисботот маълумотларига бузиб кўрсатадиган таъсирини бартараф этиш юзасидан муайян тажриба тўплаган. Нархлар ўзгаришининг таъсирини ҳисобга олишнинг иккита асосий услуби мавжуд: харид қобиляти бир хил пул бирликларида бухгалтерлик ҳисоби объектларини жорий қийматига қайта баҳолаш. Биринчи услуб капиталнинг фирмага сарфланган пул маблағлари пассив сифатида талқин қилинишига асосланган, иккинчиси капитални мулкий масса сифатида, яъни моддий ва номоддий бойликлар тўплами (актив сифатида) талқин қиласи.

Биринчи услуб бизнеснинг у ёки бу турига сарфланган капиталнинг молия табиати концепцияси тарафдорлари томонидан тарғиб қилинадиган. Бу концепция тарафдорлари корхона активларининг предмет буюмли структурасидан абстрактцияланадилар. Бунда, пул бирлигининг харид қобиляти, нархлар ўртача даражаси индексининг ўзгариши билан характерланадиган вақт жиҳатидан унинг ўзгарувчанликларини ҳисобга олган ҳолда умуман фирма капиталининг умумий баҳосига алоҳида алоҳида эътибор берилади.

Нарх ўзгариши таъсирини ҳисобга олишнинг биринчи услуби маъмуни пул бирлигининг харид қобиляти ўзгаришларини ҳисобга

олган ҳолда корхона активлари ва мажбуриягавининг нархлари индекси бўйича вақти-вақти билан қайта ҳисоблашдан иборат. Ҳамма операциялар жорий ҳисобга рўёбга чиқиш нархлари бўйича акс эттирилиши керак, бироқ ҳисоботни тўзиш пайтида маълумотлар нархлар умумий даражаси индекси ёрдамида коррекция қилинади. Натижада баланс ҳар бир моддаси ёки молия натижалари ҳақидаги ҳисбот элементларининг вақтли тартиблилига эришилади.

Натижада вақтнинг турли даврларига мансуб харажатлар бир хил таққослама нархларда ифодаланади.

Иккинчи услуг бизнеснинг у ёки бу турига сарфланган капиталнинг предмет буюмли табиати тарафдорлари томонидан тарғиб қилинади. Иккинчи услубнинг моҳияти сотув нархларидан келиб чиқиб ҳисоботнинг барча моддаларини қайта ҳисоблашдан иборот. Асосий муаммо моддаларининг жорий баҳоларини шакллантиришнинг етарли даражада мураккаблиги ва субъективлигидан иборат, шу туфайли бу услуг кўпроқ танқил қилинади.

Шу билан бирга шуни қайд қилиш лозимки, биринчи услуг алоҳида товарлар бўйича нарх динамикасини акс эттирмайдиган нархларнинг умумий индексининг қўлланишига асосланган.

Хусусан, ҳисоблаш техникаси, телепаратура, соат бўлган нарх - наво ҳатто инфляция шароитларида ҳам пасайиши тенденциясига эга.

Инфляцияни ҳисобга олишининг яна бир услуби мавжуд, бу ҳам бўлса миллий пул бирлигига, янада барқарор валюта курси бўйича ифодаланган активларни қайта баҳолаш услуби. Ҳар қандай пул бирлигининг инфляция таъсирига йўлиқишига қарамай, бу услуг гиперинфляция шароитида ҳам самарадордир Услубнинг афзалиги қайта ҳисоблашнинг оддийлигидан иборат. Ягона муаммо қаттиқ валютани танлаш.

Молиявий тақлил корхона раҳбарларининг қўлидаги нозик қурол ҳисобланади.

Шу билан бирга молиявий аҳвол таҳлил аҳволнинг ўзгариши сабабларини аниқлай олмайди, унинг якун ва хуносалари эса молиявий аҳволнинг мунтазам равишда ўзгариши туфайли вақтинчали характерга эга бўлиб, бу айниқса, кичик корхоналар, фирмалар ва индивидуал хусусият корхоналарга хос.

Хўжалик юритиш шароитлари (солиқ солиш, сиёсий вазият, ҳукумат чоралари) кохона томонидан "номаъқул фаолият" олиб бориши учун шарт-шароит яратиши мумкин.

Ҳозирги вақтда корхона молиявий аҳволининг тўла таҳлили, асосан, мустақил эгадорлар (мулкдорлар) нинг катта сонини бирлаштирувчи ташкилотларда (ҳиссадорлик жамиятлари, сармоядорлик жамгармалари, бюджет ташкилотлари ва ҳ.к) қўлланилади.

## · Мундарижа

### 1-бўлим. Аудитга кириш

*1-боб. Аудитнинг моҳияти ва мазмуни*..... 3

1.1. Аудитнинг вужудга келиши..... 3

1.2. Аудитнинг зарурати..... 5

1.3. Аудитнинг моҳияти..... 6

1.4. Молия ҳисоботи ахборотидан фойдаланувчилар..... 8

1.5. Аудитнинг мақсади ва вазифалари..... 8

1.6. Аудитнинг ўтказиш босқичлари..... 12

1.7. Молия ҳисботлари аудитнинг ҳажми..... 13

1.8. Аудитнинг турлари..... 16

1.9. Аудитнинг назорат тизимидағи ўрни..... 20

1.10. Аудитор ва мижознинг ўзаро муносабатлари..... 22

*2-боб. Аудиторлик фаолияти ва уни тартибга солиш*..... 27

2.1. Аудиторлик фаолиятини тартибга солиш..... 27

2.2. Тадбиркорлик фаолиятининг аудитдаги асосий ҳуқуқий шакллари..... 27

2.3. Аттестация ва лицензиядаш..... 28

2.4. Аудит субъектлари..... 30

2.5. Давлат идораларининг топшириғига кўра экспертизалар ва текширишлар..... 31

2.6. Аудитнинг ҳуқуқий ва профессионал жавобгарлиги..... 35

*3-боб. Аудит методологияси ва аудиторлик андозалари (стандартлари)*..... 39

3.1. Аудит андозаларининг мақсадлари ва асосий принциплари..... 39

3.2. Халқаро аудиторлик андозалари..... 40

3.3. Ички фирма аудиторлик стандарт (андоза)лари..... 49

3.4. Аудиторлик андоза (стандарт)ларининг мазмунига бўлган талаблар..... 50

### 2-бўлим. Аудитнинг умумий технологияси

*4-боб. Аудиторлик текширувнинг бошлангич босқичи*..... 53

4.1. Аудиторлик фирмалари томонидан мижозларни танлаш..... 53

4.2. Аудиторлик текширишни ўтказиш юзасидан шартнома.... 54

4.3. Аудиторлик хизматлари қийматини баҳолаш..... 61

4.4. Аудиторлик мижоз олдидағи хат мажбурияти..... 63

*5-боб. Аудиторлик текширув стратегияси*..... 66

5.1. Аудиторлик текширув стратегиясини аниқлаш..... 66

5.2. Режалаштиришдан олдин тайёргарлик..... 67

5.3. Корхона ҳақида умумий ахборотни олиш..... 68

5.4. Аудитда моддийлик (аҳамиятлиликни) баҳолаш..... 72

5.5. Аудиторлик таваккалчиларни баҳолаш	73
5.6. Ички назорат тизимини баҳолаш	77
5.7. Маълумот электрон шалов берини тизимида аудит	83
<b>6-боб. Аудит технологияси</b>	88
6.1. Аудиторлик дастури	88
6.2. Аудиторлик танлаш	90
6.3. Аудиторлик ишининг сифати устидан назорат	91
6.4. Аудиторлик ахбороти ва далиллар	92
6.5. Аудиторниң хужжатлари	95
6.6. Аудиторлик текширув услублари	97
6.7. Таҳлилий процедуралар	98
6.8. Амалдаги корхона принципига баҳо берини	99
<b>7-боб. Қаллоблик ва ҳато</b>	101
7.1. Қаллоблик тушунчаси ва ҳатолар	101
7.2. Қаллоблик таваккалчилигининг оширадиган шаронт ёки воқеалар	103
7.3. Ҳатолар таснифи	105
<b>8-боб. Аудиторлик текширувни тұзатыш</b>	108
8.1. Ноаниқ мажбуриятлар шарҳи	108
8.2. Натижаларни баҳолаш	109
8.3. Баланс тузилган санадан кейин келадиган воқеалар шарҳи	111
<b>9-боб. Аудиторлик холоса</b>	113
9.1. Аудиторлик ҳисобот шакли ва структураси	113
9.2. Аудитор холосаларининг турлари	114
9.3. Раҳбарият учун ахборот	119
9.4. Аудиторлик ҳисоби тузилган баланс тузилгандан кейинги ва молиявий ҳисобот чиқарылғандан кейин воқеа санаси	120
9.5. Максус белгиланған аудиторлик холосаси	122
<b>3-бўлим. Аудиторлик текширув услубёти (методикаси)</b>	
<b>10-боб. Бухгалтерлик ҳисобот аудиторлик текширувнинг методик асослари</b>	124
10.1. Аудиторлик текширув босқичлари	124
10.2. Корхона бухгалтерлик ҳисобининг умумий шарҳи	126
<b>11-боб. Баланс тузилишининг түгрилигини текшириш</b>	127
11.1. Номоддий активлар ва асосий воситаларнинг балансда тўғри акс этирилганлигини текшириш	127
11.2. Баланс молиявий сарфларнинг акс этирилиш түгрилигини текшириш	133
11.3. Балансда заҳиралар ва чиқимларнинг акс этирилиши-нинг түгрилигини текшириш	136
11.4. Балансда ҳисоб-китоб операциялари акс этирилиши түгрилигини текшириш	140
11.5. Балансда пул маблағларининг тўғри акс этирилганлигини	

текшириши ..... 141	
11.6. Баланеда ўз маблағлар манбаларининг түғри аке эттирилганлыгини текшириш ..... 143	
11.7. Балансда олинган кредитлар ва қарзларининг түғри аке эттирилишини текшириш ..... 146	
11.8. Резервларни шакллантиришининг түғрилигини текшириш ..... 149	
<b>12-боб. Молия натижалари ҳақидағы ҳисобнанғ түғри тузылғаннан текшириш ..... 150</b>	
12.1. Маҳсулотни сотишдан келадиган тушум шаклланишининг түғрилигини текшириш ..... 150	
12.2. Реализация қилингандай маҳсулотни ишлаб чиқаришга кеттеган харажатлар шаклланишининг түғрилигини текшириш ..... 152	
12.3. Фойда шаклланишининг түғрилигини текшириш ..... 162	
12.4. Фойда ишлатилишининг түғрилигини текшириш ..... 168	
<b>4-бўлим. Аудитда молиявий таҳлия</b>	
<b>13-боб. Молиявий таҳлия асослари ..... 170</b>	
13.1. Аудиторлик фаолиятида молиявий таҳлиянинг роли ..... 170	
13.2. Молиявий таҳлиянинг мақсад ва услублари ..... 171	
13.3. Молиявий таҳлия мазмуни ..... 172	
<b>14-боб. Корхона фаолияти молия натижалари таҳлили ..... 181</b>	
14.1. Умумий, ялпи (баланс) фойданинг омилли таҳлили ..... 181	
14.2. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализациясидан олинадиган фойданинг омилли таҳлили ..... 184	
14.3. Рентабеллик даражасининг омили таҳлили ..... 189	
14.4. Ишлаб чиқариш фойда ва чиқимлар ҳажмини оптималлаштириш (мақбуллаштириш) ..... 193	
<b>15-боб. Корхона молия аҳволи таҳлили ..... 196</b>	
15.1. Бухгалтерлик баланс моддалари динамикаси ва структурасининг умумий баҳоси ..... 196	
15.2. Баланс маълумотлари бўйича молиявий аҳволи ва тўлашга қодирлик таҳлили ..... 200	
15.3. Баланс ликвидлилигини таҳлили ..... 210	
15.4. Молиявий коэффициентлар таҳлили ..... 215	
15.5. Баланс активлари ликвидлилигини тўлашга қодирлик асоси сифатида баҳолаш ..... 221	
15.6. Элементларнинг комплекс молиявий таҳлили ва рейтингли баҳоси ..... 228	